O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ УСТОЗЛАР!

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ *

1931 йилдан чиқа бошлаган | 2001 йил 29 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 76-77 (7376)

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум, муҳтарам устозлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, шарафли ва олижаноб касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўқитувчи деганда, ҳар қайси инсон биринчи галда муҳтарам муаллимларини, қадрдон мактабини, дунёни таниш, ўқиш-ўрганиш завқи билан ўтган беғубор болалик йилларини эслайди, ўз устозларини эҳтиром ва миннатдорлик билан ёдга олади.

Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади.

Ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, фидокорона меҳнат қилиб келаётган сиз, устоз-мураббийларни келажагимизнинг чинакам бунёдкорлари, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Бугун биз билимдон, иродаси бақувват, иймони мустаҳкам, ёшлик шижоати ва истеъдоди билан Ватанимиз шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизларимиз тимсолида сизларнинг эзгу меҳнатингиз самарасини кўрамиз.

Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, миллий истиқлол ғоясини фарзандларимиз қалби ва онгига сингдириш, уларни ёт ва зарарли ғоялар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган ишларингиз таҳсинга сазовордир.

Ҳурматли устоз ва мураббийлар!

Биз бугун барчангизга дилимиздаги энг қутлуғ тилакларимизни изҳор этар эканмиз, ўзимизнинг шогирдлик бурчимизни, сизларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини янада теранроқ англаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: келажагимиз эгаси, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлган навқирон авлодга билим ва тарбия беришдек олижаноб ҳамда мураккаб вазифани адо этишингизда давлатимиз, жамиятимиз сиз, азизларга доимо мададкор бўлади.

Чунки, биз кўзлаган мақсадларимизга етиш, эртанги фаровон ҳаётимизни қуриш йўлида сизларга, сизлар таълим бераётган фарзандларимизнинг тафаккури, куч-ғайрати, гўзал инсоний фазилатларига суянамиз.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ёшларнинг онгига эзгулик нурини сочишдек хайрли ишларингизда янгидан-янги ютуқлар тилайман.

Қалбингиздаги маърифат чироғи ҳеч қачон сўнмасин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим бериш ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ёш авлодни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг илм-зиё салоҳиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг фидокорона меҳнати билан халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган қуйидаги устоз ва мураббийларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

Артеменко Любовь Владимировна - Навоий вилояти Зарафшон шаҳридаги 8-мактабнинг директори

Бобохонов Саломат - Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги 42-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ботирова Назира - Хоразм вилояти Шовот туманидаги 32-мактабнинг директори

Камолов Жанобиддин Қиропович - Наманган вилояти Чуст туманидаги 17-мактабнинг математика ўқитувчиси

Муродов Нормон - Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернатининг математика ўқитувчиси

Мўминов Абдураҳмон - Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 328-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Нуралиев Акромжон - Андижон вилояти Андижон туманидаги 28-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Тажимуратова Айсулу - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг кимё ва биология ўқитувчиси

Тогаев Элмурод Қаландарович - Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 1-лицейнинг кимё ўқитувчиси

Умирзақов Умаржон Аширович - Фарғона вилояти Риштон туманидаги 16-мактабнинг география ўқитувчиси

Хасанов Боқи - Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 54-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Хасанова Робия - Жиззах вилояти Зомин туманидаги 65-мактабнинг одобнома ўқитувчиси

Ҳайдарова Умия Камоловна - Тошкент вилояти Бекобод туманидаги 31-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ҳамдамов Эргаш - Сирдарё вилояти Гулистон туманидаги 22-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

(Давоми 2-бетда)

Ғолибга «Тико» берилди
4-бет

Истиқлол берган бахт
7-бет

Меҳмонларимиз устозлари ҳақида
13-бет

Тириклик манбалари
29-бет

Муҳаммад ЮСУФ

ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Қадри билинади энди менга гоҳ,
Олис мактабимнинг ўша беҳашам...
Навоий-ку бизга устоздир, бироқ
Кимдир ўқитган-ку Навоийни ҳам.
Шундай буюк зотга ҳарф ўргатган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Тупроқдек хокисор, безовта жонлар,
Аммо қаноатда тоғдек улуғвор,
Ҳатто Темурдайин Соҳибқиронлар
Пирим деб этағин ўпган зотлар бор.
Қайсар жаҳонгирга йўл кўрсатган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Йўқдан Беруниийлар бинолар қилган,
Машрабни машҳури дунёлар қилган.
Ҳусайнни — Ибн Синолар қилган,
Абдуллонинг тилин бурролар қилган,
Илон ўйнатгандек сўз ўйнатган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Лекин бу ҳаёт ниш-санчиқларидан,
Қоқинса кўтарган қўлтиқларидан,
Отадек эзилган ғуссага ботса,
Боладек қувонган ютуқларидан,
Уйқуда шогирдин ўйлаб ётган ким?..
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Улфат кўп-у, аммо бир дўсти ҳамроҳ —
Ҳалим тополмадим ундан ҳалимроқ.
Қанча устоз кўрдим, қанча олийгоҳ,
Олим тополмадим, ундан олимроқ.
Бола юрагимда бебаҳо тилсим —
Оддий муаллим-да, оддий муаллим.

Юзга кираман мен Худо хоҳласа —
Юз йилдан кейин бир мўмин ўртоғим,
Кўзим ёпиб қўйса, жаҳим боғласа,
Сўнгги сафар сари отланган чоғим,
Фақат бир кимсадан бўлади қарзим,
Оддий муаллим-да, оддий муаллим!

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишланган тантана бўлиб ўтди (4-5-бетлар)

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

Адилова Масуда - Тошкент шаҳар Юнусобод туман халқ таълими бўлимининг мудири

Ваҳабов Абдуҳамид - Фарғона вилояти Й.Охунбобоев туманидаги 23-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Жўраев Негбой Раҳматович - Навоий вилояти халқ таълими бошқармасининг Давлат таълим стандартлари мониторинги бўлими бошлиғи

Исроилова Угилжон - Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ким Алла Антоновна - В.Успенский номидаги Республика ўрта махсус мусиқа мактаб-интернати ўқитувчиси

Мавланов Абдулпатто - Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 33-мактабнинг география ўқитувчиси

Насриддинов Абдуқаххор - Андижон вилояти Балиқчи туманидаги 35-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Савурбаев Абдувакул - Самарқанд давлат қурилиш-меъморчилик институти қошидаги лицей-интернатнинг директори

Уринова Мавжуда Ҳамидовна - Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 1-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Усамов Кўчқор - Жиззах вилояти Жиззах туманидаги 17-мактабнинг директори

Утамбетова Тамара Есемуратовна - Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти проректори

Файзуллаев Фотихжон - Тошкент вилояти Тошкент туманидаги 1-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Худоёров Наве Худоёр ўғли - Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бош мутахассиси

Шарипов Собуржон - Хоразм вилояти Боғот туман халқ таълими бўлими мудири

Ўроқов Эргаш Тошпўлатович - Сурхондарё вилояти Термиз қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежи директори

Ҳасанов Раҳим - Т.Н.Қори Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти «Ижтимоий-гуманитар туркумидаги фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўлими»нинг мудири

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

Абдураҳимов Абдулазим - Сирдарё вилояти Оқ олтин туманидаги 8-мактабнинг физика ўқитувчиси

Авезов Истам Хўжамуродович - Бухоро вилояти Жондор туманидаги 21-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Ачилов Акмал Асимович - Тошкент шаҳри С.Раҳимов туманидаги 10-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Болтаев Баходир Джалалович - Республика Таълим маркази математика-информатика ва технология методик бўлими бошлиғи

Гоибов Жумабой Очилович - Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги лицей-интернат директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Исмаилова Минавара Юсуповна - Тошкент педагогика касб-ҳунар коллежи директори

Исманджанов Тохиржон - Наманган вилояти Наманган шаҳридаги 31-мактабнинг математика ўқитувчиси

Кадирова Эльнора Рашидовна - Тошкент Давлат архитектура институти «Фалсафа, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси доценти

Камолов Жамол - Жиззах индустриал касб-ҳунар коллежининг ҳуқуқ бўлими мудири

Карпишина Оксана Васильевна - Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳридаги 4-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Мамаюсупов Адхамжон Қобилжонович - Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 7-болалар мусиқа мактабининг ихтисослик фани ўқитувчиси

Мирзааҳмедов Ҳасан Абдуллаевич - Болалар ижодиёти Республика маркази ўқитувчиси

Нематов Аслидин Сайфиддинович - Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Ниязов Гульмурод Боймуродович - Тошкент вилояти давлат педагогика институти «Бошланғич синфларда педагогика ва психология» кафедраси мудири

Раджапов Атахон Нуруллаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманидаги 2-иқтидорли болалар мактабининг биология ўқитувчиси

Раҳимов Бўри Чориевич - Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги ёш табиатшунослар маркази директори

Собиров Абдумуталиб - Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 21-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Турдиева Мавжуда Рўзиевна - Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги 16-мактабнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Шаликаров Авул Сабирович - Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

Аҳмедов Ҳасан - Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Уббиниязов Калбай Мирзабаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Якшибаева Дляра Сергеевна - Тошкент вилояти Бекобод шаҳар 2-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия резерви спорт мактаби йўриқчи-услубчиси

Ватанимизда фан, таълим, илм-зиё, маънавият ва маърифатни юксалтириш борасидаги самарали ва ҳалол меҳнати, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишда эришган катта амалий натижалари, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллатлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги салмоқли хизматлари билан элюрт ўртасида обрўга эга бўлган қуйидаги таълим соҳаси ходимлари мукофотлансин:

«Эл-юрт ҳурмати» ордени билан

Атавалиев Хасан - Наманган вилояти Учқўрғон туман халқ таълими бўлими мудири

Баротов Темир - Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги 7-мактабнинг география ўқитувчиси

Бегимов Соатбой - Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 38-мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

Вапаева Бекпошша - Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги 1-мактабнинг физика ўқитувчиси

Гафурова Хабиба Гафуровна - Бухоро вилояти Тўқимачилик туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гофурова Маълумот - Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 6-мактабнинг биология ўқитувчиси

Жўраев Бозор - Сурхондарё вилояти Қизириқ тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси

Зарипова Рахиляхон Шариповна - Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги 46-мактабнинг математика ўқитувчиси

Мадалиев Мамасадиқ - Фарғона вилояти Марғилон шаҳар 2-болалар мусиқа мактабининг ихтисослик фани ўқитувчиси

Романова Клариса Ивановна - Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 178-гимназия мактабининг кимё ўқитувчиси

Сиддиқов Абдурашидхон - Андижон вилояти Андижон шаҳридаги 8-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Тўраев Эргаш - Жиззах вилояти Фориш туманидаги 33-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Усмонов Нишонбой Юлдошевич - Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги 4-мактабнинг директори

Хайдаров Ахмад - Навоий вилояти Навоий туманидаги 22-мактабнинг директори

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Артыков Суюн - Қашқадарё вилояти Ғузор туман халқ таълими бўлимининг услубчиси

Будуриков Авазбек - Андижон вилояти Асака шаҳридаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Валиев Лазо Зарипович - Хоразм вилояти Урганч туманидаги 5-ҳарбий лицей директори

Каримов Сотволди - Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Кучкарова Гульнара Мараимовна - Тошкент шаҳри А.Икромов туманидаги умумий ўрта таълим берувчи боғча-мактаб директори

Мансуров Тойирхон Темирович - Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 40-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Нурбаулиев Аяпберген - Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманидаги 25-мактабнинг математика ўқитувчиси

Нурмуҳаммедов Наим - Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 15-мактабнинг физика ўқитувчиси

Омонов Аллаёр Толипович - Сирдарё вилояти Ш.Рашидов туманидаги 5-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Парпиева Хурсаной Турсуновна - Наманган вилояти Поп туманидаги 10-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Соҳибова Дилбар - Фарғона шаҳридаги 10-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Темиров Барака - Навоий вилояти Қизилтепа тумани халқ таълими бўлимининг жисмоний-тарбия бўйича услубчиси

Хамидов Баҳодиржон - Халқ таълими вазирлиги «Таълим- савдо» бош бошқармаси бошлиғи

Холмўминов Юнус - Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 28-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хушмуродов Нурмурод - Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 3-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Эгамов Облоберди - Ўзбекистон Бадиий Академияси ўқув-услубиёт ва ижодкор ёшлар билан ишлаш бошқармаси бошлиғи

Эргашев Рустам - Жиззах вилояти Бахмал тумани халқ таълими бўлими мудири ўринбосари

Юсупов Джамшид Каримович - Халқ таълими вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абилпайзов Джуманазар-Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак туманидаги 23-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Азизова Ойсара - Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 44-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ан Любовь Семёновна- Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 10-меҳрибонлик уй-мактабининг тарбиячиси

Ахмедова Гулсара Раджаповна - Хоразм вилояти Хонқа маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг психология ўқитувчиси

Бузрукова София Ходиевна - Сурхондарё вилояти Қум-қўрғон туманидаги 7-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Гоибов Абдуназар - Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Жамалова Якутхон Джураевна - Наманган вилояти Давлатобод туманидаги 42-болалар боғчасининг тарбиячиси

Жолдибаев Темирбек Абдирашович - Навоий вилояти Томди туманидаги 21-мактаб-интернатнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Курнишова Елена Михайловна - Тошкент вилояти Ангрен шаҳридаги 37-болалар боғчасининг тарбиячиси

Нормуродова Шаҳрибани Кувандиковна - Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги 63-махсус мактаб-интернатнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ортиқов Ҳасанбой Толипович - Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Пиримқулова Ўғилой - Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманидаги 1-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Самадова Фотима Миржамоловна — Тошкент вилояти Пискент туманидаги 12-яслибоғча тарбиячиси

Сиргабаева Палсанем - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги 31-мактабнинг қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Содиқов Қодирали Сидиқович - Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 18-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Таджиева Феруза Шомухторовна - Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 30-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

Тўхтамуродова Саодат Аллаевна - Андижон вилояти Улуғнор туманидаги 15-гимназия-интернатнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Шомуратов Ювбосар - Хоразм вилояти Урганч туманидаги 7-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Кудратова Тула - Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 16-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Курбонов Ўрол - Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги 13-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Ҳакимова Гулчеҳра - Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Абдуназарова Бахтигул - Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 2-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Бушаева Светлана Леонидовна - Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги 531-болалар боғчаси тарбиячиси

Вахтель Владимир Иванович - Наманган вилояти Уйчи туманидаги «Соғлом авлод маркази» директори

Золотарева Ирина Анатольевна - Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 22-махсус болалар ва ўсмирлар олимпия ўринбосарлари спорт мактаби гимнастика бўйича мураббийси

(Давоми 3-бетда)

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-2-бетларда)

Исмоилов Отарбай - Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги ёшлар ва ўсмирлар спорт мактаби директорининг ўринбосари

Коваль Татьяна Сергеевна - Сирдарё вилояти Сайхунобод туманидаги «Камалак» болалар боғчасининг мудираси

Кудайберганов Муратбай Сафарович - Қорақалпоғистон тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ранг тасвир фани ўқитувчиси

Кучкоров Нурмуҳаммад Холмаҳаматович - Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Лутфиддинова Хамидахон - Андижон вилояти Избоскан туманидаги 9-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Мажидова Хамрохон - Наманган вилояти Норин туманидаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Пак Эмиля Александровна - Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 3-мактаб-гимназия директори

Сайдуллаева Тўтиё Сайдуллаевна - Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги 5-мактабнинг меҳнат ўқитувчиси

Темиров Даврон - Тошкент вилояти Бўка туманидаги 7-мактабнинг кимё-биология ўқитувчиси

Тошпўлатова Иқбол Мустафоқуловна - Самарқанд вилояти Тайлоқ туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Умаров Алишер Мамадалиевич - Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 16-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси

Худойбердиева Зулфия Хўжаевна - Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 22-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эргашева Гули - Жиззах вилояти Зарбдор туманидаги 3-мактабнинг бошланғич синф-ўқитувчиси

Эргашева Зоҳида Юлдашовна - Фарғона вилояти Фарғона туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Эшонова Муҳаббат - Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Қандахоров Саттор - Бухоро вилояти Шофиркон туманидаги 17-мактабнинг чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитувчиси

Ҳасанова Норгул Мардоновна - Навоий вилояти Навбаҳор туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

«Дўстлик» ордени билан

Алексеева Людмила Николаевна - Фарғона вилояти Қўқон шаҳридаги 39-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Алиев Иргашджан Якубович - Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги қўшимча таълим мажмуаси «Ёғоч-ўймакорлиги» тўгарагининг раҳбари

Афаки Сино Исаевич - ТошДТУ Республика лицей-интернатининг физика ўқитувчиси

Ачилова Майсара Шариповна - Республика олимпия ўринбосарлари касб-ҳунар коллежининг ўзбек тили ўқитувчиси

Джарменова Сыргагуль Жолмирзаевна - Навоий вилояти Учқудуқ туманидаги 29-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Жуматов Аминбой - Хоразм вилояти Янгиариқ туманидаги 1-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Закиров Марат Арифович - Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестация бошқармасининг раҳбари

Калменов Жуман - Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманидаги 18-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Каримова Гулбаҳор Шаҳобиддиновна - Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 60-мактабнинг директори

Климова Марина Алексеевна - Бухоро вилояти Когон шаҳридаги 4-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Крицина Лидия Степановна - Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 1-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Кузнецов Анатолий Юрьевич - Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 24-мактабнинг тасвирий санъат, чизмачилик ва меҳнат ўқитувчиси

Мавлянов Қурбанали - Навоий вилояти Навоий шаҳридаги 5-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мусаева Мастура - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 426-болалар боғчасининг мудираси

Муратова Дилбар - Хоразм вилояти Хива туманидаги 3-мактабнинг директори

Насритдинова Замира Махмудовна - Наманган вилояти Наманган туманидаги 23-мактабнинг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари ўқитувчиси

Рўзиева Хидоят - Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 1-мактабнинг биология ўқитувчиси

Сабурова Марям - Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги 47-мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

Сайфутдинова Мария Зариповна - Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 12-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Сейтенова Джамал Кожановна - Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 18-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тошқулов Турсун - Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 59-мактабнинг ўзбек ва тожик тили ўқитувчиси

Тошпулатова Матлуба - Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги 4-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Турсунова Курбоной Майдоновна - Бухоро вилояти Олот туманидаги 22-мактабнинг директори

Хасанова Мунаввар - Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги 26-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хмыз Татьяна Николаевна - Наманган вилояти Уйчи туманидаги 6-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Хушбаков Ҳамро - Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги 45-мактабнинг география ўқитувчиси

Шарипова Зульфия Анваровна - Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 36-махсус кечки мактабнинг дефектолог ўқитувчиси

Қадамов Қурбондурды Сатдурдыевич - Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги 7-мактабнинг туркман тили ва адабиёти ўқитувчиси

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш жараёнидаги фаол иштироки, истеъдод эгаларини аниқлаш ва уларни камол топтириш борасидаги муносиб хизматлари, ёш авлод онгига миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини сингдириш йўлидаги ҳалол меҳнати, ўқувчи-ёшларда ватанпарварлик, фидоийлик туйғуларини шакллантириш ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Сафиулла Фатхуллаевич - Давлат божхона қўмитаси Божхона коллежининг «Умумтаълим фанлари» кафедраси катта ўқитувчиси

Абдуразакова Зайнаб - Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳридаги 2-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Абдураҳимов Олимжон Абдураҳимович - Наманган вилояти Косонсой туманидаги кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар махсус мактаб-интернати директори

Абдураҳимова Наргиза Набижоновна - Андижон вилояти Бўз туманидаги 26-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Азимов Тошпўлат Наимжонович - Наманган вилояти Чуст туманидаги 6-Олимпия заҳираси болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори

Алланова Зубайда - Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 84-мактабнинг математика ва физика ўқитувчиси

Аминова Шакар - Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Амонниёзова Дилором Саломовна - Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 5-мактабнинг география ўқитувчиси

Аҳадов Комил Яҳъёевич - Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 8-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Ахмедов Жамшед Негматович - Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 44-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Ахмедова Хосият Хаитовна - Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 25-мактабнинг физика ўқитувчиси

Батыров Юлдаш - Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги 31-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Бекназаров Файзулло Холматович - Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 1-мактабнинг география, биология ўқитувчиси

Бердиев Турдали Жуманович - Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги 1-лицей-интернатнинг математика ўқитувчиси

Биктагирова Гулшод Фотиховна - Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ёдгорова Зулфия - Қашқадарё вилояти Косон туманидаги 75-мактабнинг директори

Жорабеков Даулетбай Егизбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани халқ таълими бўлими мудири

Жуманиёзов Худашукур - Хоразм вилояти Хонқа туманидаги 13-мактабнинг математика ўқитувчиси

Жуманова Дилором - Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги 8-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Жураев Боймурод - Қашқадарё вилояти Деҳқонобод туманидаги 69-мактабнинг директори

Жўраева Насимахон Комилжоновна - Наманган вилояти Мингбулоқ туманидаги 5-мактабнинг математика ўқитувчиси

Зоирова Тожихол Исмоиловна - Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги 2-мактабнинг математика ўқитувчиси

Ибрагимова Жамила Халимовна - Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 43-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Исманхужаева Ражаби Олихужаевна - Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидаги 15-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

Камолов Юсуф Абдуллаевич - Тошкент шаҳар А.Икромов туманидаги 229-мактабнинг информатика ўқитувчиси

Каримов Пулат Абдувахидович - Самарқанд вилояти Пайариқ туманидаги 35-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Кенжаев Абдушукур Абдурозикович - Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги 21-мактабнинг информатика ўқитувчиси

Комилов Мамир - Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 4-мактабнинг кимё ва биология ўқитувчиси

Лапасова Замира - Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 31-мактабнинг физика ўқитувчиси

Мадрахимов Ҳомиджон - Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 15-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Мамажонова Хатича - Андижон вилояти Избоскан туманидаги 8-боғча-мактаб мажмуаси тарбиячиси

Маткаримов Баҳодир - Хоразм вилояти Янгибозор туманидаги 1-мактабнинг директори

Маҳаммаджонов Маҳмуджон - Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 4-мактабнинг меҳнат ва тасвирий санъат ўқитувчиси

Мирзакаланова Махпират Мирзараимовна - Тошкент вилояти Янгийўл шаҳридаги 16-мактабнинг математика ўқитувчиси

Михайлова Наталья Владимировна - Тошкент шаҳри Сирғали туманидаги 300-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Муминов Мансуржан - Самарқанд вилояти Челак туманидаги 8-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Мустафоқулов Муртазоқул - Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги 20-сон болалар мусиқа мактабининг ихтисослик фани ўқитувчиси

Муталипов Абдулазиз Абдурахимович - Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги 40-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси

Мухторова Мушарраф Билоловна - Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги лицей-интернатнинг биология ўқитувчиси

Назарова Мавлуда Рузиматовна - Бухоро вилояти Бухоро туманидаги 1-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Нарзуллаева Башорат - Сирдарё вилояти Янгиер шаҳридаги 12-мактабнинг кимё ўқитувчиси

Наримбетова Турегул Канатовна - Навоий вилояти Конимех туманидаги 20-мактаб интернатнинг қозоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси

Ненашева Наталья Сергеевна - Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 290-мактабнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси

Нишонова Саодатхон Султоновна - Андижон вилояти Асака туманидаги 28-мактабнинг биология ўқитувчиси

Норбеков Норқул - Самарқанд вилояти Гўзалкент туманидаги 14-мактабнинг ҳарбий таълим ўқитувчиси

Нуриддинов Хусниддин - Қашқадарё вилояти Ғузор тумани халқ таълими бўлими мудири

Нурматова Эътибор Камоловна - Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманидаги 254-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Одилжонов Олимжон - Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 18-мактабнинг тасвирий санъат ўқитувчиси

Ортиқов Отаниёз Некович - Қашқадарё вилояти Баҳористон туманидаги 10-мактабнинг физика ўқитувчиси

Отакулов Зиёдулло - Бухоро вилояти Пешку туманидаги 30-мактаб директори

Отаханов Исмоилжон - Наманган вилояти Чортоқ тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси

Пулотов Наим Наврузович - Бухоро вилояти Когон туманидаги 2-мактабнинг тасвирий санъат ва чизмачилик ўқитувчиси

Пўлатов Ҳақназар Бейлиевич - Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги кўзи ожиз болалар махсус мактаб-интернати ўқитувчиси

Пўлатов Эгамберди - Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 17-мактабнинг директори

Равшанова Ойсара - Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 46-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Ражабов Ғани Юсупович - Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани халқ таълими бўлими назоратчиси

Рахматова Турдижон Муллажоновна - Сирдарё вилояти Ховос туманидаги 10-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

(Давоми 4-бетда)

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни – умумхалқ байрами муносабати билан мамлакатимизнинг таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-2-3-бетларда)

Рахмонкулова Норгул - Жиззах вилояти Янгиобод туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Рустамова Муяссар - Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги 15-болалар боғчасининг тарбиячиси

Рустамова Сапура Насирджановна - Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги 2-лицей-интернатининг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Саидахмедова Комила Жумаевна - Жиззах вилояти Жиззах шаҳридаги 12-мактабнинг биология ўқитувчиси

Саиткулова Марям Санақуловна - Самарқанд вилояти Қўшработ туманидаги 18-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Сайфилова Шарифа - Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги 28-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Самадова Зухро - Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 4-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Сарсенбаев Али - Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош туманидаги 4-мактабнинг директори

Сидиқова Мохирахон Тохировна - Фарғона вилояти Боғдод туманидаги 18-яслибоғча тарбиячиси

Суюнов Акрам Олимович - Самарқанд вилояти Ургут туманидаги 118-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Тошева Раъно Умаровна - Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 20-мактабнинг кимё фани ўқитувчиси

Тоштемирова Ҳадияхон - Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 16-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Трусова Людмила Георгиевна - Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 279-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Тураева София Жураевна - Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 44-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Турахонов Боходир Холтураевич - Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 28-мактабнинг чизмачилик ўқитувчиси

Тухтамишев Аллаберди - Сурхондарё вилояти Бандихон туманидаги 1-мактабнинг математика ўқитувчиси

Умаров Авазали - Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 28-мактабнинг математика фани ўқитувчиси

Уразметова Камила - Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги 15-мактабнинг тарих ва ҳуқуқшунослик ўқитувчиси

Усманова Мохида Собировна - Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 19-болалар боғчасининг тарбиячиси

Утанов Ахматқул - Фарғона вилояти Данғара туманидаги 27-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Утегенов Бадратдин - Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов туманидаги 6-мактабнинг математика ўқитувчиси

Хайдарова Хамро Атаевна - Бухоро вилояти Қоракўл туманидаги 15-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Халимова Нодира Халиловна - Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги 64-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Хамдамова Эътибор - Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 2-лицей интернатнинг физика ўқитувчиси

Хамидова Хамида - Фарғона вилояти Қува туманидаги 37-мактабнинг немис тили ўқитувчиси

Хидирова Гизларбеги - Бухоро вилояти Қоровулбозор туманидаги 3-мактабнинг математика ўқитувчиси

Холмирзаев Эшонкул Чоршанбиевич - Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги 36-мактабнинг тарих ўқитувчиси

Худайберганова Ширин - Хоразм вилояти Шовот туманидаги 9-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Худайбердиев Баходир - Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги 22-мактабнинг биология ўқитувчиси

Худоёрова Замира Абдукодировна - Андижон вилояти Марҳамат туманидаги 42-мактабнинг тарих ва жамиятшунослик ўқитувчиси

Шамсиева Олима Нортўхтаевна - Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги 5-касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш устаси

Шарипова Махпуза Хожимуратовна - Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимининг услубчиси

Шоабсарова Мамлакат - Тошкент вилояти Паркент туманидаги 11-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

Шокирова Лариса Георгиевна - Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги 2-мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси

Элмуродов Эштўхтар Каримович - Қашқадарё вилояти Қамаши туманидаги 50-мактабнинг француз тили ўқитувчиси

Эшонқулова Зоя Эрман қизи - Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги 10-мактабнинг математика ўқитувчиси

Юлдашев Абдуҳамиджон - Давлат солиқ қўмитаси Тошкент шаҳар солиқ коллежи «Ахборотлаштириш ва техник воситалар» кафедраси бошлиғи

Юлдашева Раида Раджаповна - Қорақалпоғистон Республикаси 1-меҳрибонлик уйининг директори

Ўразбоев Аминбой - Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 30-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Қаҳҳоров Эсон - Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги 33-мактабнинг география ўқитувчиси

Қорахўжаева Гулчехра Қобиловна - Қашқадарё вилояти Нишон тумани халқ таълими бўлими бош мутахассиси

Ҳамидова Ҳалима - Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 10-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Ҳамроева Гулчехра Сахатовна - Навоий вилояти Кармана туманидаги 3-«Олтин балиқча» болалар боғчасининг тарбиячиси

Ҳомидова Эхтибор - Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 25-мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 27 сентябрь

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ

Чоршанба

Пайшанба

Жума

ФАРМОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан Козим Носирович Тўлаганов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

ЯНГИ ҲОКИМ ТАЙИНЛАНДИ

Яқинда бўлиб ўтган Тошкентда II чақириқ халқ депутатлари шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ташкилий масала кўрилиб, Козим Тўлаганов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Тошкент шаҳар ҳокими лавозимида озод этилди ҳамда Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Рустам Шоабдураҳмоновни Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқлашди. Сессияда мамлакатимиз раҳбари И.Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ҚАРОР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори чиқди.

ЮРТИМ, ЭЛИМ СИЗНИ ДОИМ ЭЪЗОЗЛАР

Кеча пойтахтнинг муҳташам "Туркистон" саройида энг гўзал ва яхши тилаклар айтилди, энг фидоий ва миллатнинг келажагини тарбияловчи муаллимлар йиғилди, халқимизнинг энг севимли санъаткорлари ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этишди. Бу ҳали ҳаммаси эмас..!

Мана бир неча йиллардан буён, аниқроғи 1997 йилдан "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"—умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинмоқда. Ҳар йили ушбу байрам олдидан республикамизнинг барча ҳудудларида яшаб, меҳнат қилаётган, миллат фарзандларига таълим-тарбия беришдек заҳматли меҳнат билан обрў-эътибор топаётган муаллимлар ва мураббийлар, тарбиячилар, таълим ходимлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланадилар, энг заҳматкаш ва фидоий ўқитувчилар пойтахтга, байрам тантаналарига таклиф этиладилар.

Бу йил ҳам "Туркистон" саройида ҳар йилгидан ўзгача тарзда нишонланган мураббийлар байрамининг аввали йиғилганларнинг иштирокида айтилган Ўзбекистон мадҳияси билан бошланди. Шундан сўнг умумхалқ байрами муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Саҳнага Тошкент шаҳридаги "Ором" боғча-мактаб мажмуаси тарбияланувчи ва ўқувчилари кўтарилдилар. Улар ижросида янграган устоз ва муаллимлар мадҳ этилган гўзал шеърлар, шўх қўшиқ ва дилрабо рақслардан сўнг сўз навбати мустақиллигимизнинг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли унвон олишга мушарраф бўлган Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 20-"Меҳрибонлик уйи" директори Вера Борисовна Пакка берилди. Ўзбекистон Қаҳрамони ўз сўзида бугунги кунда Юртбошимиз ва ҳукуматимиз томонидан муаллим ва ўқитувчиларга берилаётган юксак эҳтиром ва кўрсатилаётган қадр-қиммат ҳақида гапирди. Устозликни улуғлаган, эъзозлаган инсонларнинг ҳеч қачон хор бўлмаслигини, азалий қадриятларимиздан бири саналган устозни улуғлаш мана шу кунимизда, мустақиллигимизнинг шукуҳли шабадалари эсиб турган пайтда юксалиб, ўзгача маъно касб этиб бораётганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг илк сабоқ бериб, оқни қорадан ажратиб олишни ўргатадиган биринчи кишилар албатта муаллимлар бўлади, деган гаплари ҳам барча ўқитувчилар қалбига ўз касбидан яна бир бор ғурурланиш туйғусини солди.



Reportaj

Шоир топиб айтди, инсон муаллим қадрига ёши ўта бошлагач етар экан. Ҳали мурғак боланинг онги шаклланмасдан турибоқ у мактабга боради, яхши-ёмонни, дўст-душманни ажрата олишни, энг содда тушунчалардан бошлаб, катта-катта фикрларни уқиб олишни ҳам киши мактабдан ўрганишни бошлайди. Қуёш миллион йиллардирки, беминнат нур сочмоқда, сув, ҳаво инсонга, ердаги жамики тирик мавжудотга ҳаёт аталмиш бебаҳо неъматдан баҳраманд бўлиши учун хизмат қилиб келмоқда. Устоз ҳам мана шу қуёш каби беминнат дастёр. У қалб қўри, кўз нури билан илм аталмиш бир уммонни шогирдига, фарзандим, деб бағрига олгани, ўқувчисига тинмай улашаверади. Илму адаб зиёсидан, билим булоғидан қониб улғайган қайсики одам бор, у бугун муаллимига таъзим қилади. Уни мўътабар, азизу мукаррам билади. Дунёдаги буюк сўзлардан бири ва энг аввал айтиладигани Ватан, она бўлса, муаллим ва устоз деган сўзлар ҳам мана шу улуғ ва муҳтарам тушунчалар билан бирга айтилади. Зеро, Юртбошимизнинг бугунги табригида ҳам "...ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, элюртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади", дея уларга ишонч билдирилди.

(Давоми 5-бетда)

ЮРТИМ, ЭЛИМ СИЗНИ ДОИМ ЭЪЗОЗЛАР

(Давоми. Боши 4-бетда)

Ўзбекнинг ҳар бир йигит-қизи қобилиятли, истеъдодли. Бу қобилиятни эса-энг биринчи бўлиб ўқитувчи пайқайди, иқтидорни шакллантириш учун у бор меҳнатини аямайди. Юртимизнинг ҳам ўз иқтидори ва қобилиятини кўз-кўз этиб элга танилиб улгурган ижодкор ўғил-қизлар, жаҳоннинг турли нуқталарида Ўзбекистон байроғининг кўтарилишига, мадҳиямиз янграшига сабабчи бўлаётган спортчилари ҳам улар меҳнати самарасидир. Мана шундай истеъдодли ёшлардан бири, "Зулфия" номидаги Давлат мукофоти совриндори, ЎзДЖТУнинг 1-курс талабаси Наргиза Тўхлиева ҳам дил сўзлари, қалб изҳорларининг барчасини меҳрибону мушфиқ, хокисор ва қалби дарё устозларга илинди.

Давр бугун мактаб ўқитувчисидан ижодкорликни, изланувчанликни талаб қилмоқда. Мана бир неча йиллардан буён "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказилиб, катта синовлар остида энг яхши муаллим аниқланмоқда. Бу синов ва беллашувларда Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан йилнинг энг яхши ўқитувчилари кашф қилинмоқда. Мана шундай кўрик-танловнинг бу йилги якуний босқичи куни кеча ниҳоясига етди. 2001 йилнинг "Йил ўқитувчиси" шарафига лойиқ топилган Тошкент вилояти Пскент туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Раҳима Мирхолиқова юксак мукофот— Президент совғаси, "Тико" автомобили билан тақдирланди. Ўзбекистон Республакаси халқ таълими вазири Рисбой Жўраев ғолибага "Тико" калитини топширишдан аввал, шахсан Юртбошимиз ва ҳукуматимизнинг ўқитувчиларга, мураббийларга, тарбиячиларга бўлган юксак эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Кечанинг бадиий қисмида Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Замира Суюнова, Абдулҳай Каримов, Иззат Иброҳимов, Мавлуда Асалхўжаева, хонандалар Умида Мирҳамидова, Озода Нурсаидовалар, "Байрам" гуруҳи ўз чиқишлари билан барчани хушнуд этишди.

Муаллимлик касби касблар ичида энг азизи, устозлик энг улуғ мартаба, мураббий бўлиш энг юксак масъулиятни елкага ортмоқлаш дедик.

Катта тантанадан сўнг биз ҳар бир ўқитувчининг, ҳар бир муаллимнинг кўзида чақноқ бир ўт кўрдик. Бу нигоҳларда "ўқитувчиларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан бошимиз осмонга етди. Мен бу касбни танлаб хато қилмаган эканман. Мен муаллим бўлганимдан ғурурланаман. Ўқувчимнинг Ўзбекистон ифтихорига айланганлиги менинг қувончим, меҳнатларим бесамар кетмабди", деган сўзларни, фикрларни ўқидик.

Байрам тантаналари ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда давом этади. Эртаиндин республикамизнинг ҳар бир ўқитувчиси ўз шогирдидан қалбнинг энг тубида яширинган табрик сўзларини эшитишади, қучоқ-қучоқ гуллар олишади. Улар бир нарсани юракдан туйиб яшашади.

"Мен миллатнинг келажагини таъминлаб, эртасини буюк қилувчи авлодни тарбиялаяпман. Мен умид ниҳолларини парвариш қиляпман".

Шарифа МАДРАҲИМОВА, "Маърифат"нинг махсус мухбири

Суратларда: "Туркистон" саройида бўлиб ўтган байрам тантаналаридан лавҳалар.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

"Yil o'qituvchisi-2001"

МУАЛЛИМ–МАЪРИФАТ, МУАЛЛИМ–НАЖОТ

ёхуд ривожланаётган таълим кўригида намойиш этилган маҳорат, тажриба ва янгиликлар хусусида

Аввал эслатганимиздек, танлов иштирокчилари компьютер саводхонлиги ҳамда янги педтехнология бўйича уч соатлик дарс ишланмаси, ўзи яратган оригинал кўргазмали қуроллари ҳимоясидан ўтганларидан сўнг Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилари ҳузурида дарс ўтиш маҳорати борасидаги иқтидорларини намойиш қилдилар. Сурхондарёлик иштирокчи Нодира Зиёвуддинованинг 3-синф ўқувчиларига ўтган "Ўйин, мусобақа" усулидаги ўқиш дарси, андижонлик Дилором Маллабоеванинг 2-"А" синфда математика фанидан "Бошқотирма" қўллаган машғулоти, навоийлик Ҳожибегим Очилованинг буюк мутаффакир А.Навоийнинг "Ўн саккиз минг олам ошуби" ғазалининг бадиий талқинига бағишланган очиқ дарси, фарғоналик Шоҳистахон Сиддиқованинг 8-синфдаги ўқувчилар онггига саҳна кўринишлари орқали адабиёт фани тушунчаларини сингдира олиш маҳорати, тошкентлик Ирода Саибованинг 6-"А" синфда "Ўнли касрларни қўшиш" мавзусини "Учар ликопчада саёҳат" деб номлаб ўтган ноанъанавий дарслари 110-мактаб ўқувчиларини ҳайратлар оғушига олиб кирди.

Биз барча дарс ва синовларда иштирокчилар билан бирга бўлдик. Муҳайё Ҳалимовадаги таъби назм, Дилфуза Рустамовадаги изланувчанлик, Рустам Муродовдаги замонавийлик, Шаҳло Ибрагимовадаги болажонлик, Ардах Муротбоевадаги камтарлик, Ойимжон Йўлдошевадаги ижодкорлик, Гулчеҳра Абдураҳимовадаги эркинлик, Раҳима Мирхолиқовадаги фидойилик, Ҳилола Ражабовадаги нафосатлилик фазилатлари ҳамма-ҳаммани ўзига ром этди. Сездикки, уларнинг қалби илм равнақига самарали ҳисса қўшиш, устозлик касбини шарафлаш, шу билан бирга халқ таълими мақомини баландлатиш иштиёқи билан ёнар эди.

26 сентябрь куни танлов иштирокчилари қалбини таърифлаб бўлмас ҳаяжон қоплаб олди, десак асло муболаға бўлмас. Негаки, саҳнага чиқишлар икки томонлама баҳоланар, бириси ҳакамлар ҳайъати бўлса, иккинчиси Ўзбекистон Миллий Академик театри залини тўлдириб ўтирган томошабинлар эди. Иштирокчилардан Ҳожибегим Очилова, Ирода Саибова, Муҳайё Ҳалимова, Рустам Муродовлар Миллий театрдаги беллашувнинг биринчи тури, яъни ўз касбини улуғлай олиши, фанини тарғибот қила олиши ва эъзозлаши шартини қойилмақом қилиб бажарганларида залдаги томошабинлар бош соврин эгаси шулар ичида, дея ўйлашган бўлса ажаб эмас. Аммо улар иккинчи турда муаллимлик маҳорати топшириғи юзасидан 2 дақиқалик мураккаб педагогик ва психологик вазиятлардан чиқиб кетаолмай ғоят зарур балларини бой бериб қўйдилар. Раҳима Мирхолиқовага ўзининг уддабуронлиги ёрдам берди. Ўз фанини тарғиб қилишда у саҳнада қисқа фурсатларда она тили дарсини ўтиб берди. Дарсни тил, мақом, мустақиллик тушунчалари билан боғлади. Муаллима иккинчи топшириқни ечишда ҳам оқилона йўл тутиб, савол шартига қисқа ва лўнда жавоб қайтарди. Натижада у мусобақадошларидан бироз юқорироқ балл тўплашга эришди.

Биз ўқитувчининг бўш вақтидан самарали фойдаланиши шарти юзасидан чиқишларини кузатар эканмиз, иштирокчиларнинг чеварлик, пазандалик, тадбиркорлик каби иккинчи истеъдодини ёрқин намоён эта олганликлари гувоҳи бўлдик. Айниқса, Рустам Муродовнинг машҳур ашулачилардек қўшиқ куйлаши, Ойимжон Йўлдошеванинг Хоразм "Лазги"сига тушган моҳирона рақси, Шаҳло Ибрагимованинг "Меҳрибонлик уйи тарбиячиси" тимсолини икки ёш гўдак иштирокида худди моҳир актёрлардек ижро этиши ҳакамлар ҳайъатининг энг юқори баҳоларига сазовор бўлди.

Баъзи бир жузъий камчиликларга қарамасдан, кўрик-танлов қизиқарли ва жозибали ўтди. Беллашув якунига кўра, Тошкент вилояти Пискент туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Раҳима Мирхолиқова биринчи, Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Ҳожибегим Очилова иккинчи, Андижон вилояти Жалолқудуқ туманидаги 23-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Маллабоевалар ҳамда Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-мактабнинг математика фани ўқитувчиси Ирода Саибовалар учинчи ўринларни эгаллашди.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлиддинов II-III ўрин соҳибларига телевизор ҳамда видеомагнитофонни совға сифатида топшириб қутлар экан, танлов мақсадига аниқлик киритди: мақсад — улар яратган янгилик ва илғор тажрибаларни мактабга олиб кириш. Вазирнинг биринчи ўринбосари ўз сўзи охирида янги иш усуллари яратган бу ўқитувчиларнинг барчаси "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони ва вазирликнинг Фахрий Ёрлиқлари билан мукофотланишини, биринчи ўрин соҳибасига эса "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами тантаналари куни енгил автомашина берилишини эълон қилганида, зал олқишларга тўлиб кетди.

Кўрик-танловнинг тантанали қисмида таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси, Республика "Устоз", "Камолот" жамғармалари вакиллари ҳам иштирокчиларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирладилар. Уларнинг барчасига эҳтиром рамзи сифатида гуллар тақдим этилди.

Танлов якунланди. Тўрт кун биз ҳайратлар уммонининг мавжлариаро кўмилдик. Бу ҳайрат — маърифат ҳайрати. Демакки, келажак ҳайрати.

Танлов якунланди. У ғолиблар кўриги бўлди. Ғолиблар ичида мағлуб бўлмайди. Икки кун ичидаги 14 дарс маҳоратнинг 14 лаҳзаси бўлиб тарихга кирди.

Танлов якунланди. Унда янги ибора кашф этилди: муаллим — буюк бир куч. Муаллим — маърифат, муаллим — нажот. Муаллимлар — келажак.

(Давоми 6-бетда)

Билимини намойиш этишга қанчалик эҳтиёж катта бўлса, билмаслигини билишга ҳам шундай эҳтиёж ҳосил бўлишини пайдо қилиш керак

Xushxabar

ЮРТ АРДОҒИГА МУШАРРАФ ЗОТЛАР

Ўқитувчи — яратувчи эл. У заҳматкаш бободеҳқон мисоли ёшлар қалбига эзгулик уруғини қадаса, моҳир қурувчидек юрт келажагини бунёд этади. Бир сўз билан айтганда, унинг бутун умри, борлиғи шу халқ келажаги, юрт равнақи йўлига садқадир. Ҳа, шу боис ҳам ўқитувчига, мураббийга халқимизнинг меҳри ўзгача. Бу шу кунларда ўз касб байрамларини нишонлаётган устозларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромда ҳам намоён.

Мамлакатимизда илм-фан, таълим-тарбия соҳаларини ривожлантириш, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"ни амалга ошириш, ёшларга замонавий талаблар даражасида билим бериш ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни камол топтириш, ёш авлодни ватарпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг илмзиё салоҳиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг фидокорона меҳнати билан халқимизнинг ҳурматига сазовор бўлган бир гуруҳ ўқитувчи-мураббийларни мукофотлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонининг эълон қилиниши ҳам юқоридаги фикримизга яққол далил.



Шу муносабат билан биз байрам арафасида "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвонига сазовор бўлган пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 328-мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Абдураҳмон Мўминовни ушбу юксак мукофот билан қутлаб, қисқача суҳбатда бўлдик.

— Ўқитувчилик касбини танлашингизда ким ёки қандай сабаб, воқеалар туртки бўлган?

— Албатта, инсон доимо орзулар билан яшайди. Болалигидан ўзи меҳр қўйган кишисига ўхшашни ҳавас қилади. Менинг ҳам ёшлигимда жисмоний тарбия фани ўқитувчим В.М. Ивановга меҳрим тушган. Ҳар соҳада у кишига ўхшашга интилиб, ихлос билан спортнинг барча турларини мукаммал эгаллашга ҳаракат қилганман.

— Мана, сиз бугун ўз оромингиздан кечиб, ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли меҳнатингиз самараси ўлароқ, "Ўзбекистон халқ ўқитувчиси" деган юксак унвонга сазовор бўлдингиз. Айтинг-чи, ушбу хушхабарни қай ҳолда қабул қилдингиз, қандай туйғуларни ҳис этдингиз?

— Бу хушхабарни дастлаб мактабимиз директоридан эшитганимда, ҳаяжонланиб кетдим. Хурсандчилигимдан тўғриси, ўзимни қўярга жой тополмай қолдим. Шунча йиллик (33 йиллик) меҳнатим бесамар кетмаганлигига яна бир бор амин бўлдим. Устозларимни, шогирдларимни, ҳамкасбларимни ёдга олдим.

— Шундай шарафга сазовор бўлган тажрибали ўқитувчи сифатида бугунги ёш мураббийларга, касбдошларингизга байрам арафасидаги тилакларингиз...

— Ўқитувчилик касби шарафли ва машаққатлидир. Истайманки, юрт келажаги учун фидойи, ақлзаковатли, комил инсонларни камол топтириш йўлида устозларимиз ҳеч қачон толмасинлар. Бундан кейин ҳам масъулиятли ишларини шараф билан амалга ошириб, эл-юрт ардоғида, эътиборида бўлишсин!

Баҳодир ЖОВЛИЕВ суҳбатлашди.

ТАЪЛИМДА МОДДИЙ ТАЪМИНОТ ҲАМ МУҲИМ

Байрам арафасида таълим тизимининг у ёки бу бўғинида ўз билим ва тажрибасини шахс камолоти учун сарфлаётган устоз-мураббийлардан бир гуруҳи давлатимизнинг нуфузли унвон, орден ва медалларига сазовор бўлишди. Улар орасида республика "Таълимсавдо" бош бошқармаси бошлиғи Баҳодиржон Ҳамидов ҳам бор.

— Баҳодиржон ака, сизга берилган "Меҳнат шуҳрати" ордени муборак бўлсин!

—Рахмат. Аслида кузатсангиз, таълим тизими турмушнинг барча қатламларини бирдек қамраб олган. Шахс камолоти замирида моддийлик тушунчаси ҳам ётади. Шу маънода мазкур юксак мукофотни бошқарма жамоасининг таълим муассасалари моддий аҳволини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига берилган алоҳида эътибор деб ҳам биламан.

— Жуда тўғри таъкидладингиз. Таълимни моддий базасиз юксалтириб бўлмайди, албатта. Бошқарманинг кейинги йиллардаги асосий фаолияти ҳақида икки оғиз гапириб ўтсангиз...

— Таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш борасида Россия ва бошқа мамлакатлардан Республикамизда ишлаб чиқарилмайдиган техник воситалар, кўргазмали қуроллар, металл, труба, фанера, ДСП, ДВП, шифер, ойна ва бошқаларни олиб келишга муваффақ бўлдик.

Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 10 августдаги 409-сонли қарорини бажариш бўйича 1-синф ўқувчиларига ҳар йили дарслик ва ўқув қуроллари бепул тақсимланмоқда. Жорий йилнинг 15-17 январь кунлари тендер савдолари ўтказилиб, 47 та ташкилот билан 12 номдаги ўқув қуроллари етказиб бериш учун шартномалар тузилди. Натижада 636005 нафар ўқувчига ўқув қуроллари етказиб берилди.

Кам таъминланган оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш хусусида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бундай оилаларнинг фарзандлари учун куртка, оёқ кийим, қўлқоп, қалпоқ етказиб бериш учун 71 та ташкилот билан шартномалар тузилди. Бундай ғамхўрликдан 257 минг нафарга яқин бола баҳраманд бўлди.

— Айни кунларда қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Умумтаълим мактаблари йил охирига қадар 4 млрд. сўмлик ўқувчилар партаси, синф доскалари билан таъминланади. Осиё ривожланиш банки томонидан тахминан 2 млрд. сўмлик дарслик ва қўлланмалар сотиб олиниб, таълим муассасаларига жўнатиляпти.

—Бошқарма амалга ошираётган ҳар бир ишда моддий базани мустаҳкамлаш туради. Оддий иборада, бу эзгу ишдир. Демак, эзгу ишда сизга ва жамоангиз аъзоларига куч-қувват, соғлиқ тилаймиз!

Ҳ.ТЎЙМАНОВА суҳбатлашди

МУАЛЛИМ-МАЪРИФАТ, МУАЛЛИМ-НАЖОТ

ёхуд ривожланаётган таълим кўригида намойиш этилган маҳорат, тажриба ва янгиликлар хусусида

(Давоми. Боши 5-бетда)

ҚАНДАЙ ОМИЛЛАРГА ТАЯНИБ ДАРС ЎТАСИЗ?

Биз кўрик-танлов жараёнида "Йил ўқитувчиси-2001" беллашуви иштирокчиларига "Ҳозир ёш авлодни мустақил фикрли қилиб тарбиялашга катта эътибор берилаяпти? Сизнингча, бунга қандай эришиш мумкин?" "Ноанъанавий дарс, ўқитувчи ижодкорлиги педагогик фаолиятингизда қай тарзда акс этмоқда", "Бугунги кун ўқитувчисида қандай фазилатлар мужассам бўлмоғи лозим деб ҳисоблайсиз?" каби саволлар билан мурожаат қилдик.

ФИКР ЮРИТИШ ҚОБИЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРАДИ

Рустам МУРОДОВ, Жиззах шаҳридаги 6-мактабнинг иқтисод фани ўқитувчиси:

— Дейл Карнегининг (дунёга машҳур психолог) бир гапи бор: "Суҳбатдошингизга яхши кўринишни хоҳласангиз, уни фақат тингланг". Демак, дарс жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрли қилиб тарбиялашда ўқитувчининг авторитарлигини йўқотиш зарур.

Ўқувчи билмаганини ўрганишга эмас, билганини айтиб беришга мактабга келиши, биз педагогларнинг яна бир услубимиздаги хатоимиз. Билимини намойиш этишга қанчалик эҳтиёж катта бўлса, билмаслигини билишга ҳам шундай эҳтиёж ҳосил бўлишини пайдо қилиш керак. Бу эса ўқувчининг мустақил қарор қилиш ва фикр юритиш қобилиятини шакллантиради.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Бир куни иқтисод дарсини бошламасимдан аввал болалар синфда қайси иқтисодий тизим афзаллиги ҳақида баҳслашиб, тортишиб, давра олиб ўтиришар эди. Орада икки-уч нафар ўқувчи бемалол туриб деворий газеталардан алланималарни маҳоратли ўқитувчилардек ниманидир исботлашга ҳаракат қилишарди. Мен эса қўнғироқни кутиб синфга кирдим, дарсни шу ҳолатда бошлаб юбордим. Бу вазиятда баҳс-мунозарали дарсларнинг самарали ўтилишига пойдевор яратилган эди.

Бугунги ўқитувчи ўқувчи қалбини чуқур ўрганган даҳо бўлиши, шу билан бирга у ўзида билимли, тарбияли, саводхон, болажон ва ҳоказо фазилатларни мужассам этган бўлиши керак.

ТАКЛИФЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР, ТАҲЛИЛЛАР

Тўлқинжон КАРИМОВ, Фарғона вилояти Бағдод туманидаги 22-мактабнинг олий тоифали математика фани ўқитувчиси:

— "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови ўтказилаётганига ўн йил тўлди. Шу муносабат билан бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Шу йиллар ичида ўтказилган танловларнинг барча совриндорлари, иложи топилса, барча иштирокчилари белгиланган жойга чақиртирилса, йўқлама қилинса, ҳол-аҳвол сўралса яхши бўларди. Ёки республика педагогик ўқишларига ўхшаш катта йиғинга таклиф қилиниб, уларнинг тажрибаларини ўрганиш, оммалаштиришга эътибор қаратилса фойдадан холи бўлмасди.

Ҳожибегим ОЧИЛОВА, Навоий шаҳридаги 8-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, "Йил ўқитувчиси-2001" кўрик-танлови 2-ўрин соҳибаси:

— Танлов якунланди. Бироқ ҳаяжондаман. Очиғи, Республика кўрик-танловида қатнишишнинг ўзи — катта бахт. Жуда кўп дўстлар орттирдим. Бундай танловлар янаям изланишга, ижодкорликка, фаолликка даъват этади. Муҳими, у рейтингингизни аниқлаб, тажрибангизни халққа, элга кўрсатишга имкон беради. Танлов ана шу каби жиҳатлари билан қадрлидир.

Йўлдош АСАДОВ, Республика ташхис Маркази директори ўринбосари, эксперт гуруҳи аъзоси:

— "Йил ўқитувчиси-2001" кўрик-танлови юртимиз мустақиллигининг 10 йиллиги кенг нишонланаётган даврда ўтказилди. Ва бу тарихий ҳодиса бўлиб қолади. Жойларда ғолиб, деб топилган 14 иштирокчи тўрт кун давомида бир-бирлари билан мусобақалашишди. Менда яхши таассурот қолдирган, қизиқишимни тортган бир жиҳат иштирокчиларнинг асосий балларни йиғиши керак бўлган босқич — бу нотаниш синфда дарс ўтишлари бўлди. Дарсларни кузатиш давомида бир нарсага гувоҳ бўлдикки, ҳақиқатан ҳам таълим тизимида, айниқса, ўқитиш технологиясида жуда кўп янгиликлар, ўзгаришлар юз бераяпти. Ўқитувчиларнинг барчаси ҳам ўзига хос бир янгилик, ўзига хос янги педагогик технология элементларини амалга татбиқ этишга ҳаракат қилдилар.

Албатта, бу дарслар кимдадир яхшироқ, кимдадир бундайроқ бўлса-да, асосийси, муаллимларимиз изланишда эканликлари, замонавий технология элементларини амалий фаолиятда татбиқ этишга интилаётганликлари, изланишлар олиб бораётганликлари — катта иш.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Райхон ХОЛМУРОДОВА, "Маърифат"нинг махсус мухбирлари

Суратларда: кўрик-танлов жараёнидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.

O'zbekiston Qahramoni

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

Жамики яхши нарса борки, бахт сўзида мужассам. Озодлик, эркинлик, қувонч, омад... инсон кўнглидаги орзу-умидига етишиш, наинки етишиш, ўз эзгу ниятига етишмоқ илинжида эмин-эркин ҳаракат қила билмоғи ҳам бахт. Истиқлол бизга ана шундай эркинлик берди, қувонч улашди, омад келтирди — БАХТ берди. Эркин меҳнати самарасидан қувона билган кишилар ўз ишидан омад топмоқдалар. Эл-юрт эъзозига, ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Улар ҳукуматимиз томонидан энг олий унвонлар билан тақдирланмоқдалар.

Халқ ҳурматини, меҳрини қозонган мана шундай ҳамюртларимиз таълим соҳасида ҳам бисёр. Шубҳасиз, мураббийларимиз меҳнатига бўлаётган юксак эътибор уларнинг ўз касбларига меҳр қўйиб ишлашларига, фидойилик намунасини кўрсатишларига сабаб бўлмоқда. **Биргина мисол,** Ўзбекистондан бошқа яна қайси давлатда **Ўқитувчилар ва мураббийлар куни** умумхалқ байрами сифатида нишонланади!

Ўқитувчи-мураббийларга бўлган бу эътиборнинг тарихий илдизлари мавжуд. Халқимиз азал-азалдан бу касб эгаларини улуғлаб келган. "Устоз" дея номларини бош устида тутган. "Отадай улуғ" дея эҳтиром кўрсатган. Бугунги кунда мустақил юртимизда ўқитувчи ва мураббийларга, азиз устозларга кўрсатилаётган ҳурмат-эътибор ўша тарихий эҳтиромнинг янгидан намоён бўлишидир.

Бугун ҳукуматимиз томонидан катта эътибор кўрсатилиб, "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган энг шарафли унвонга сазовор бўлган мураббийларимиз уч нафарга етди. Яна қанчадан-қанча ўқитувчиларимиз ўз меҳнатларидан эъзоз топиб, ҳукуматимизнинг кўплаб унвон ва нишонларига сазовор бўлдилар. Ўзбекистон Қаҳрамонлари **Манзура Мадалиева, Мавлуда Исматова, Вера Пак** — булар мураббийлик машаққатини чеккан, шу билан бирга завқини тотиган таълимимиз фахрларидир. Улар меҳнатига берилган юксак баҳо таълим тизимига кўрсатилган улкан эътибордир.

"Истиқлол менга бахт берди, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Хива шаҳридаги 20-"Меҳрибонлик уйи" директори Вера Борисовна Пак. — Мустақиллик туфайли ўз касбимдан эъзоз топдим. Ҳукуматимиз томонидан менга берилган юксак унвонни "Меҳрибонлик уйи" жамоасининг ҳамжиҳатликда, бир бутун оила бўлиб олиб бораётган таълим-тарбиявий ишларига берилган баҳо, деб ҳисоблайман."

Дарҳақиқат, мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйини нишонлаш арафасида "мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ва нуфузини юксалтириш, давлат ҳамда халқ олдидаги ғоят катта хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги қаҳрамонона меҳнатлари, ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган улкан ҳиссалари учун" **"Ўзбекистон Қаҳрамони"** унвони билан тақдирланган беш нафар ҳамюртларимиз сафида мураббий **Вера Борисовна Пак**нинг ҳам борлиги нафақат "Меҳрибонлик уйи" жамоаси ёхуд вилоят аҳлини, балки бутун таълим ходимларини севинтирди. Мураббийларимиз ўзларининг машаққатли, лекин фахрли меҳнатлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида эканлигини яна бир бор дилдан ҳис қилдилар. Хоразм вилояти Хива шаҳрида жойлашган 20-"Меҳрибонлик уйи" республикамиздаги **25 та** худди шундай даргоҳлардан бири саналади. Муассаса ўтган йили ўзининг **80** йиллик тўйини нишонлади. Бу давр мобайнида "Меҳрибонлик уйи"да минглаб ўғил-қизлар тарбия олиб, вояга етишди. Уларнинг энг каттаси **87** ёшда бўлса, энг кичиги **5** ёшда. Бу ерда тарбия олиб чиққанлар орасида шоир, бастакор, олим, врач, фан номзодлари бор. Улар бугун турли жабҳаларда элу юрт манфаати йўлида меҳнат қилмоқдалар.

"Меҳрибонлик уйи" раҳбари **Вера опа** ушбу муассасанинг бугунги ҳаёти билан таништирар экан, бу ерда тарбияланаётган бугунги болалар ҳам эртага халқ корига ярайдиган инсонлар бўлиб вояга етишларига ишондим. Боиси, уларнинг етук инсонлар бўлиб камол топишлари учун бу ерда барча шароит, имконият яратилган.

Болаларнинг барчаси Вера опани Хоразм шевасида "ана", яъни она деб чақирар эканлар.

"Кечқурун ишдан чиқиб уйга қайтишим жуда қийин кечади, — дейди Вера Борисовна. — **Биласизми, болалар ортимдан эргашиб чиқишади, "эртага келмай қолмайсизми, эртароқ келинг" деб хайрлашиб қолишади. Улардан ажрагим келмагани сабабли уйга боришдан кўра бу ерда қолиб кетишим кўпроқ бўлади. Болалар ҳаммаси талашишади, ҳаммаси ўз хонасига тортқилайди, "онажон, мен билан ётинг" дейди. Улар тонгга қадар бошини силаб суҳбатлашиб чиқишимни сўрашади, улар меҳр исташади. Улар билан эрталабга довур ҳам суҳбатлашиб тўймайман, уларга бутун меҳримни беришга ҳаракат қиламан. Биласизми, болалар кундузи ўйин билан, биз эса турли юмушлар билан андармон бўламиз. Кечаси ўринга ётгачгина болалар хаёлга берилади. Кимлигини ўйлайди. Бир меҳрибон қўл бошини силашини, эртаклар айтиб беришини ёхуд кўнглидаги сирларини кимгадир сўзлаб беришини истайди. Шундай пайтда уларни ўкситмаслик керак. Уларни тинглаб, уларга сирдош бўла билмоқ зарур, шундагина болалар кўнглига йўл топасиз."**

Вера опа нафақат болаларнинг, барчанинг кўнглини топа билиш қобилиятига эга. Юзларидан нур ёғилиб турувчи, ҳамиша кулиб турадиган, ўзбек тилининг Хоразм шевасида равон ва ширали сўзловчи бу аёлни бир кўришдаёқ кўнглимизда унга нисбатан ҳурмат уйғонади.

"Ўзбекча жуда яхши гапирар экансиз", дейман Вера опага. "Албатта, яхши биламан-да, бу тилни, ахир, шу юртнинг қизиман-ку, — дейди Вера опа кулиб, — шу ерда туғилдим, шу ерда ўқидим, шу ерда бахтимни топдим. Менга бахт берган бу Ватанга жонимни бахш этсам ҳам оз".

Вера опадаги болажонлик фазилатини, меҳрибонлик уйида яратилган шароитни кўриб, бир ривоят эсга тушади. Ровийлар шундай ривоят қиладилар.

Қадимда бир юртга ёв ҳамла қилибди. Юрт аҳли ҳар тарафга қочибди. Одамлар орасида бир ҳомиладор аёл ҳам бўлиб, йўлда уни тўлғоқ тутибди. Элдошларидан орқада қолиб кетган аёл тинка-мадори қуриб, зўр-базўр бир чашма яқинига етибди ва кўзи ёрибди. Ҳолсиз, мажолсиз она фарзандини ҳам кўролмай, азобдан жон таслим қилибди. Чақалоқ ҳам йиғлай-йиғлай томоғи қақраб, ҳолдан кетибди. Бу кимсасиз жойда бирон кимса бўлсаки, ёрдам қўлини чўзса. Воқеанинг ягона гувоҳи бўлган чашма, шунда аста-секин чайқалиб, гўдак томон сузиб келибди. Сувсизликдан, ҳолсизликдан дармонсизланган гўдак чашма сувидан шимиб жонлана бошлабди. Сут ўрнига чашма сувидан ичиб ўсибди, улғайибди. Шундан буён бу мўъжизакор чашма "Меҳр чашмаси" деб улуғланар экан.

Бугунги кунда ота-онасиз қолган, нажот истаган болаларни ўз бағрига олган меҳрибонлик уйлари ҳам ана шундай меҳр чашмаларидир. Халқимиз азал-азалдан саҳоватли, болапарвардир. Бу элда етим, боқувчисиз болалар ҳеч қачон эътиборсиз қолмаган, уларга ўзига хос меҳр-шафқат кўрсатиш расм бўлган. Уларга ғамхўрлик қилиш барча учун фарз ҳисобланган ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Давлатимизнинг оқилона сиёсати туфайли қаровсиз ва етим болаларнинг ҳам осойишта ҳаётини, уларнинг бекаму кўст унибўсишларини таъминлашга ҳаракат қилинмоқда.

Хоразмнинг меҳр чашмасига айланган Хива шаҳридаги 20-"Меҳрибонлик уйи" ҳам ўтган давр мобайнида ва ҳозир ҳам қанчадан-қанча ўксик қалблар дардига малҳам бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Пак муассасага 1985 йилдан буён раҳбарлик қилиб келади. Вера Борисовна тажрибали педагог, меҳрибон мураббий, талабчан раҳбар ҳисобланади. Унинг раҳбарлигида муассаса намунавий даргоҳга айланди ва республикада ўзига хос ўрни ва нуфузига эга бўлди. Тадбиркор, ташаббускор, изланувчан мудиранинг раҳбарлигида тарбияланувчилар иштирокида тузилган "Шодлик" ва "Юлдузлар" бадиий гуруҳлари шаҳар, вилоят ва республика кўрик-танловларида ғолиб бўлиб, катта муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Турли тадбир ва сайилларда ўз концерт дастурлари билан иштирок этиб келмоқда.

Вера опа корейс миллатига мансуб. Унда ўзбек халқига нисбатан бўлган ҳурмат-эҳтиром эса, жуда юксак. Шу боис, у, бизнинг миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни беҳад қадрлагани ҳолда, ҳамиша эзгу ва савоб ишларнинг бошида туради. Вера опанинг елиб-югуришлари, ҳомий ташкилотларнинг беғараз ёрдамлари туфайли бу ерда мучал тўйи, суннат ва никоҳ тўйлари мунтазам ўтказиб турилади.

Вера Пак халқ таълимини ривожлантиришга, баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳиссасини қўшиш билан бирга, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси аъзоси, шаҳар кенгаши депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходимидир. Оиласи, уч нафар фарзанди, невараларидан ортиб, Вера опанинг режалаштирган ишлари, орзу-ўйлари кўп. Ота-онасиз, бошпанасиз қолган болаларни ўз бағрига олган она уларнинг келгуси ҳаёти учун ҳам қайғуради. Уларнинг ҳар бирини ўз фарзандидай кўриб, уларни ўқишга, ишга жойлаштиради, доимо холларидан хабар олиб туради. Шу боис ҳам, бу ерда ўсиб-улғайган болалар бу гўшани асло ёдидан чиқармайдилар. Онасини кўргани уйига ошиқаётган фарзанддай бу гўшага соғинч билан қадам қўядилар. Бу ердаги болаларни ўз укалари, сингилларидай билиб, уларга совғасаломлар кўтариб келадилар. Вера опанинг "Мен, наинки Хивада, балки бутун воҳада энг серфарзанд она бўлсам, ажабмас", дея ҳақли равишда фахрланишига асос бор. Вера опага бу фарзандлари жондай азиз. У, фарзандларининг униб-ўсишларини, камол топишларини истайди. Улар улғайиб, Ватан, халқ корига ярайдиган чинакам инсонлар бўлиб шаклланинлар, шу билан "ана"сини, меҳрибон тарбиячиларини фахр-ифтихор туйғуларидан баҳраманд этсинлар. Вера опанинг энг юксак орзуси шу.

Ҳа, юртимизда шундай фидойи, заҳматкаш инсонлар кўп. Улар фаолиятини бир мақолада таъриф этиш имкондан хориж, бутун бир роман битсангиз-да оз. Улар халқимизнинг чинакам қаҳрамонларидир.

Икром БЎРИБОЕВ

Азиз устоз ва мураббийлар! Қадрли ҳамкасблар!

Биз сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин юракдан мубораклаб этиб турганимиздан бахтиёрмиз.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги бугунги ёш авлод қўлида. Ёш авлодни шунга муносиб тарзда тарбиялашдек масъулиятли вазифа эса устоз ва мураббийлар зиммасидадир. Мамлакатимиз ҳукумати ва халқи бизга юксак ишонч билдиргани ҳолда, таълим тизимига ўтган эътибор қаратмоқда. Бу ишончни оқлаш барчамизнинг шарафли вазифамиздир.



Ушбу қутлуғ кунда мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларининг масъулиятли ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини яна бир бор тилаб қоламиз.

Мукимий номидаги Кўқон Давлат педагогика институти жамоаси

Mehmonxona

Бугунги меҳмонимиз таниқли шоир ва адиб Омон Мухтор кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Қирқ йиллик ижодий фаолияти давомида унинг ўнлаб шеърий, насрий асарлари жуда кўплаб нусхаларда нашр этилган.

Ўзбекистон санъат арбоби, «Дўстлик» ордени соҳиби, "Шарқ юлдузи" журналининг бош муҳаррири Омон Мухтор истиқлол йиллари қатор романлар ёзиб, чоп эттирди. Ўтган йили "Шарқ" нашриёт-матбаа концерни томонидан ёзувчининг "Минг бир қиёфа", "Кўзгу олдидаги одам" ва "Тепаликдаги хароба" романларидан ташкил топган "Тўрт томон қибла" трилогияси нашрдан чиқди. Омон Мухтор романлари ҳар гал китобхонлар томонидан қизғин кутиб олинади ва адабий жамоатчиликда баҳс-мунозаралар уйғотади.

Айни кунларда адиб ўзининг олтмиш ёшини кутиб олаётир. Адабиётимиз равнақига ўзининг беминнат хизмати билан ибратли ҳисса қўшиб келаётган фаол адибимизни кўпминг сонли муштарийлар, ўқитувчилар ва мураббийларимиз номидан қутлуғ ёшлари билан табриклаб, унга янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Омон МУХТОР:

МИННАТДОР БЎЛИБ ЭСЛАЙМАН

— Омон ака, ҳар қандай киши ҳам олтмиш ёки етмиш ёшни қоралаганда ҳаёти давомида босиб ўтган йўлига бир қайрилиб қараса, улар мазмунини сарҳисоб қилса керак. Ижозатингиз билан бугунги суҳбатимизни умрнинг пошшолик—болалик даври хотираларидан бошласак. Зеро, ёшликда олинган билимни тошга ўйилган битикка ўхшатишади. Эслайсизми, биринчи ўқитувчингиз Сизда қандай таассурот қолдирган? Илк бор хат-саводни ўрганган дамларингизни хотирлаганда кўпроқ кимлардан миннатдор бўласиз?

— Мен илк бор хат-саводни отам Сулаймон хўжадан ўрганганман. Маълум муддат бизнинг болалигимиз қутлуғ бир жойда — Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳида ўтган. Отам уламо киши — мударрис эдилар. Мен биринчи синфга шу ердаги, яъни Баҳоуддин қишлоғидаги мактабга борганман. Афсуски, биринчи синфда ўқитган ўқитувчимнинг исмини эслай олмайман, у шаҳардан мотоциклда қатнаб бизни ўқитарди. Ўша хотираларни бир ҳикоямда ишлатганман. Кейин шаҳарда — Бухородаги 6-ўрта мактабда ўқиганман. Анча вақт, қишлоқдан келганим туфайлими, бир оз қийинчиликларга дуч келганман. Шундан кейин жуда олийжаноб муаллимлар қўлида ўқиш менга насиб этди. Уларнинг астойдил ўқитганлари боис биргина бизнинг синфимиздан таниқли инсонлар етишиб чиқишди. Бахтиёр Ихтиёров, Муҳаммад Рафиқовлар, тағин бир неча олимлар, арбоблар шулар жумласидандир.

Оддий касб эгалари бўлган синфдошларимиз ҳам истеъдодли йигит, қизлар эди. Ҳадия, Раҳима дейсизми, Сулаймон, Теша, Усмон — булар ҳар бири ўз фикрига эга, ҳаётда ўз ўрнини топган шахс эди. Ҳар қайсиси одамий бир шартлар ҳақида ўйлайдиган, шунга амал қиладиган болалар, қизлар эди. Биз 5—6-синфларда шеърлар ёзар, драмаларни саҳнага қўяр, ҳаттоки учувчилик тўгаракларида қатнашар эдик. Менинг бу гапларимни айтишимдан мақсад шуки, бизнинг кўпчилик муаллимларимиз ўзлари бутун шахслар эди. Синф раҳбаримиз Мунира Азимова шундай бир самимий, олийжаноб, ҳар жиҳатдан инсоний гўзал бир опамиз эди. Адабиёт муаллимимиз Ҳикмат Абдуллаев ўз фанига фидойилиги билан бизни ҳайратда қолдирарди.

Уруш йилларида учувчи бўлиб хизмат қилиб, шуҳрат топган Неъмат Қурбонов деган муаллимимиз бизнинг ҳар биримизга алоҳида меҳр кўрсатар, ўзини бизга тенг тутиб муомала қиларди. Мен ўша пайтдаги ўқитувчиларимни эсласам, кўнглимда уларнинг ҳар бирига алоҳида миннатдорлик ҳиссини туяман.

— Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллиги зўр шодиёналар билан нишонланди. Истиқлол йиллари, шубҳасиз, Сизнинг ижодий фаолиятингизда ҳам ғоятда баракали йиллар бўлди. Табиийки, ижод эркинлиги, барча ёзувчи, шоирлар қатори Сизда ҳам беҳад улкан ижодий рағбат уйғотди, десак янглишмаймиз...

— Ўтган ўн йил ичида, Яратганнинг марҳамати билан, очиғи менинг ижодим ҳам яхши юришди. Шу давр мобайнида саккизта янги романим ёзилиб, эълон қилинди. Шу билан бирга шеърлар, ҳикоялар, мақолалар ёздим. Албатта, гап фақат меҳнатда эмас. Ижодкор учун муҳими руҳий бардамлик. Яқин ўтмишда, ҳатто одамлар хаёлига келтиришга қўрқадиган гапларни, мана, бемалол ёзиш имкони туғилди. Ҳатто асарларни ҳар хил шаклда қуриш ҳам энди ижодкорнинг ўз ихтиёрида. Олдинлари, худди ҳамма бир хил фикрлаб, бир хил гапирганидек, ёзилган асарлар ҳам маълум даражада бир хил шакл касб этарди. Албатта, ўша даврда ёзилган асарларнинг ҳам ўз ўрни бор, бироқ ижодда мазмун қай даражада муҳим бўлса, шакл ҳам шу даражада муҳим. Инсон — мазмун бўлса, шакл унинг кийими. Кийимга эътибор бермай бўладими?! Муҳими, одамларимиз тафаккури шу қадар кенгайдики, буни эндиликда биз тугал акс эттиришга бурчлимиз.

— Кейинги йилларда эълон қилинган романларингиз адабий жамоатчилик, кенг китобхонлар оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Улар ҳақида айтилган кўплаб фикр-мулоҳазалар орасида шундай икки хил нуқтаи назар ҳам бор. Омон Мухторнинг романлари ўзбек халқ қиссаларига яқин; унинг романлари янги услубда ёзилган, уларда Маркес асарларининг шабадаси яққол сезилиб туради. Бу ҳақда ўзингиз нима дейсиз?

— Романларим ўқувчиларга кундан-кунга кенгроқ етиб бораётганидан хурсандман. Шу йилларда-ги биринчи, иккинчи романларим чиққанда ўқувчи сал ётсираб турганди. Лекин давр илгари босар экан-да. Ҳозир олий ўқув юртларида, илм даргоҳларида бу асарлар устида тадқиқотлар олиб борилаяпти. Мен ўқувчи билан бақамти қадам босишга уринганимдан ҳам суюнишим керак.



Энди Ғарб адабиёти, Ғарб тафаккурини ҳам ўрганмаслик мумкин эмас. Бугун бизнинг мамлакатимиз номи бутун дунёда янграяпти. Дунё билан бўйлашадиган замонлар келаяпти. Шу билан бирга мен ўз халқимнинг ижодкориман. Ўзбек халқи расм-русумлари, феъл-атвори, умуман, ҳаёт тарзи мени қизиқтиради ва мен уни акс эттираман. Умуман, Шарқ олами шеърларим, ҳикояларимдан тортиб, ёзган романларимга-ча, ҳар ҳолда, ўз аксини топаяпти, деб ўйлайман. Уларни Ғарб ўлчовига солиш, аксар ҳолларда асарни ўқимай у ҳақда сўз юритиш натижасидир. Айрим адибларимиз, мунаққидларимизнинг деярли китоб ўқишмаётгани мени ўкинтиради. Гап фақат менинг асаримни ўқимай, фикр билдирилишида эмас, умуман, жаҳон адабиётидан — бутун Ғарбу Шарқдан бехабар юриб, яна менинг фикрим чинакам фикр деб кўксига уриш, менимча, унчалик яраш-майди. Бу кунги инсон, бизнинг замондошимиз маданияти шу қадар юксак, тафаккури шу қадар кенг ва нозикки, биз унинг диди, савиясига қараб иш тутишга мажбурмиз.

— Мактаб партасида ўтирган пайтларингизда ёзувчи, шоир бўламан деб ўйлаганмидингиз? Адабиётдан мактабда олган сабоқларингиз балки Сизда бу соҳага ҳавас уйғотгандир? Бугунги кунда ёшларга адабиётдан берилаётган сабоқлар, адабиётни ўқитиш, унинг тарғиботи Сизни қониқтирадими?

— Дунё ғаройиб экан. Илк болалик чоғимда мен адабиётга умуман қизиқмаганман. Олтинчими, еттинчи синфда ўқирдим. Мактабимизда бир адабий тадбир ўтказилган, муаллимлар бизга ҳар хил саволлар беришган. Биз жавоб қайтарганмиз. Кутилмаганда мен ғолиб чиқиб, чиройли бир китоб билан тақдирланганман... Болалик қизиқ-да. Совға қилинган китобни бағримга босиб, йиртилиб-титилиб кетгунча бир неча марта ўқиб чиққанман. Шундан сўнг адабиётга қизиқиб, яқинлашган бўлсам керак.

Яна бир ҳикоят бор. Болалигимда қаноти қайрилиб, ҳовлига тушган бир полапонни қувиб томга чиққанман. Томда лойга беланиб ётган бир китобга кўзим тушган. Полапон билан чалғиб. китобни олмаганман. Кейин уни эслаб, неча бор томдан қидирдим, топмадим. Топилмаган шу китоб мен учун дунёдаги энг гўзал китобдир.

Бугунги кунда адабиётдан сабоқ берилганда, адабиётни ўқитганда унинг қиёси йўқлигини ўқувчиларга юқтириш керакмикан, демоқчиман. Ўқувчи, умуман, инсон болаликдан адабиётнинг ноёб бир дўст эканига ўрганиши, унда шу туйғу тарбияланиши керак. Бугун адабиёт кечагидан буткул фарқ қилади. Тарғибот шакллари ҳам фарқланади. Ҳаёт тарзининг ўзи ҳам. Муҳими, адабиётга меҳр сўнишининг олдини олишга алоҳида эътибор бериш, бу ишга жиддий қараш зарур, деб ўйлайман.

— Романларингизда инсон эрки, унинг ўзини англаб етиши, шахс сифатида шаклланиши билан боғлиқ муаммолар етакчилик қилади. Айни пайтда таълим-тарбия соҳасида ёш авлоднинг ўз қарашига, ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ўқувчиларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантириш масаласи жиддий қўйилган. Бу вазифаларни ҳал этишда адабиётнинг хизмати нечоғли?

— Авлоддан авлод кескин фарқ қилади. Эсланг, биздан олдинги авлодларнинг ҳам бирортаси бир-бирига ўхшамайди. Албатта, давомийлик бор, таълим-тарбия бор, халқнинг ўз удумлари, ўзига хосликлари бор. Шунга қарамай, ана, мустақиллик даврида шаклланаётган авлодни олдингиларига қандай ўхшатасиз. Адабиёт давр билан ҳамнафас бўлиши керак, деган гапни мен баландпарвоз гап деб тушунмайман. Ижодкор фақат ўзидан олдин ўтганлардан, ўзидан катталардан ўрганиб қолмай, келаётган янгидан-янги авлодлардан ҳам нималарнидир ўрганиб бориши шарт. Бугунги авлод тафаккури, унинг ҳаётидаги кўплаб муаммоларга муносабати, фикр тарзи бутунлай бошқа, янгича. Ёзувчи даврдан орқада қолиб кетмаслиги учун ҳам улар билан маслақдош, ҳамфикр бўлиши керак.

— Яқинда улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган иккинчи — "Буюк фаррош" романингиздан парча эълон қилинди. Кўп йиллардан бери Навоий ҳаёти ва ижодиёти билан жиддий шуғулланиб келаётган адиб сифатида буюк алломамиз асарларининг ўқитилиши, мактаб ва олий ўқув юртлари учун мўлжалланган қўлланмалардаги талқини ҳақида қандай фикрдасиз?

— "Ишқ аҳли" романимнинг ўзида ("Шарқ юлдузи", 2001 йил, 1-фасл) Навоий ҳақидаги бу каби саволларга етарлича жавоб бор. Улуғ шоиримизга нисбатан бугунги муносабат мени жудаям суюнтиради. Айниқса, бу йил Навоий бобомизнинг 560 йиллиги нишонланаётган йилда унинг ҳаёти ва ижодига яна янгидан қайта-қайта мурожаат қилдик. Кўп янги гаплар юзага чиқди, жумладан, менинг асарларимда ҳам. Шунинг баробарида Навоий асарларини ўқиш, унинг ижодидан юксак нуқталарни англаш, шахсини чуқурроқ ўрганиш ҳам келажакнинг иши. Мактаб ва олий ўқув юртлари қўлланмаларида маълум даражада эски бир қарашлар сақланиб келаяпти. Кўплаб илмий китобларда ҳам ярим-ёрти тасаввурлар акс этган. Менимча, ёшлар, талабалар, ўқувчилар Навоийни алоҳида бир меҳр билан ўрганишлари керак. Улуғ алломамизнинг ижодий мероси ҳали узоқ келажакка ҳам хизмат қилиши тайин.

— Албатта, муштарийларни ижодий режаларингиз қизиқтиради. Ҳозир қандай асар устида ишлаяпсиз?

— Ёзилмаган ёки чала ҳолда турган асар ҳақида гапириш қийин. Шунга қарамай, бошлаб қўйилган ва айни пайтда ёзилаётган уч романдан матбуотда парчалар эълон қилинди. Булардан бири "Буюк фаррош" романи. Бу асарда мен Алишер Навоийнинг шахсий ҳаётидаги айрим нуқталарга батафсилроқ тўхталаяпман. Кейингиси "Ватан фарзандлари" номли роман воситасида Ўзбекистон мустақиллигига, халқимизнинг бу кунларга етиб келишига бағишланган. Баъзиларга жўн туюлар, лекин бу оғир, машаққатли қонли йўл. Озод ҳаётга, эркин фикрга осонликча етиб келишнинг умуман иложи ҳам йўқ. Мен шу жараённи акс эттиришга уринаяпман. Охиргиси "Денгиз тубида" деб номланган роман. Ҳаётдаги теран бир манзаралар ва тушунчалар, муҳаббатнинг улуғворлиги ҳақида бу асар.

— "Маърифат" муштарийларига, "маърифатчилар"га қандай таклиф, тилакларингиз бор?

— Аввало, бу газетанинг номи менга ёқади. "Маърифат" бор жойда жаҳолат чекинади, хурофот чекинади. Бизнинг халқимиз маърифат йўлида узоқ замонлар курашганини биласиз. Қанча қурбонлар берилган. Бугун ҳам ўзбек халқи чинакам маънода маърифатли бўлишга жиддий саъй-ҳаракат кўрсатаяпти.

Газетага ҳурматим жуда баланд. Мана, неча йилдирки, у ўз вазифасини ҳалол, эътиқод билан бажараяпти. Мен "Маърифат" газетасини бундан сўнг ҳам халқимизнинг жон-дили бўлиб қолишини тилайман. Бир пайлар устоз Айний ўз даврида-ги маърифатпарвар кишилар ҳақида гапириб: "Бизнинг ниятимиз халқнинг қўлига бир чироқ тутиш эди" деган эди. Газета халқни шундай олдинга бошлайдиган бир куч бўлиб қолишини тилайман.

Суҳбатимиз қутлуғ кун: 1 Октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами арафасида бўлаяпти. Фурсатдан фойдаланиб, мен барча заҳматкаш муаллимларимиз, устоз ва мураббийларимизни табриклайман, уларнинг шарафли фаолиятларида фақат зафарлар ёр бўлишини тилайман.

— Ташаккур.

Суҳбатни Аҳмад ОТАБОЕВ олиб борди.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша завқли ва машаққатли томонлари бўлгани каби ўқитувчилик, тарбиячилик ҳам ўзига хос касбдир. Муаллим бу касбда билимдон бўлмоғи, ўқувчи қалбига илму шуур билан бирга, эзгулик ва меҳру муҳаббат нурларини ҳам олиб кирмоғи шарт.

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашга ўз ҳиссасини қўшаётган муаллим ва мураббийларни, олиму фузалоларни 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" билан муборакбод этади.

Байрамингиз қутлуғ ва файзли бўлсин!

УСТОЗ, СИЗ ҲАММАДАН ЯХШИСИЗ!

Шарқнинг буюк маърифатпарварларидан бири Абдулқодир Нурий ал-Барзанжий "Муқтатафоти адабиййа" ("Одобга оид термалар") асарида устозларни ҳурматлаш баёнида шундай фикрларни айтади:

"Ҳар бир инсон ўз муаллимини ва устозини эъзозлаши, ҳурмат ва эҳтиромини адо қилиши шартдир. Негаки, бу зотлар ҳар бир инсоннинг руҳини тарбиялайди, маънавий бойлик билан тўлдиради, ҳар қандай руҳий ва маънавий камчилик ва иллатлардан поклайди, жаҳолат деган буюк айбдан холи ва озод қилади.

Муаллим ва устоз шундай зотки, у инсониятни илм безаги билан зийнатлайди, уларга чиройли ва ёқимли фазилатлар билан чирой ва оро беради, тушунтириш билан фойдасиз нарсалардан одамни халос этади, инсонни ҳақиқий комил инсонлик даражасига етказувчи билим хазинасини уларнинг қалбларига жойлайди".

Дарҳақиқат, устоз ҳақида қанчалик кўп гапирсак, уларни қанчалик кўп эъзозласак ва ҳурмат қилсак шунча оз. Сабаби, энг с[illegible]да нарсалардан тортиб энг буюк кашфиётлар сабабчиси ҳам энг аввало оддий муаллим, мактаб ўқитувчисидир.

Яқинда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси "Оналар ва болалар йили", "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" муносаб[illegible]ти билан халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчи аёллар, ёш муаллималар ва халқ таълими тизимининг илғор ходималари билан "Аёл — она, аёл — муаллима, аёл — касаба уюшмаси аъзоси" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбати Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси ташаббусига кўра, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда таълим соҳасида бир неча йиллардан буён камтарона хизмат қилиб келаётган, заҳматли касбни улуғлаб яшаётган муаллима — аёлларни тақдирлаш, касаба уюшма ташкилотининг долзарб масалалари ва ечимини топиши лозим бўлган муаммолар ҳақида эркин, дўстона фикрлашиб олиш мақсадида ўтказилди.

Республикамизнинг барча вилоятларидан ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 50 нафардан ортиқ ҳам аёлликни, ҳам муаллималикни, ҳам касаба уюшмаси аъзолигини уддалаб келаётган, вақти келганда минг биринчи жонини ҳам фарзандига, ўқувчисига, ҳамкасбига фидо қилаётган аёллар ўзларини қувонтирган, қизиқтирган, ўйлантирган мавзуларда суҳбатлашишди.

Тадбирда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари Марказий Қўмитаси раиси Зоир Қодиров қатнашиб, устозларни байрам билан қутлар экан, жумладан шундай деди:

"Биз мазкур тадбирни ўтказиш учун жуда кўп тайёргарлик кўрдик. Сабаби, аёлни, муаллимани, онани қанчалик кўкларга кўтарсак, уларни ижтимоий муҳофаза қилсак, соғлиқлари тўғрисида қайғурсак, бизнинг ишимизда унум, меҳнатимизда барака бўлади. Ҳеч қайси давлатда ёки халқда муаллимлар, оналарга бу қадар юксак эътибор бўлмаган, деб ўйлайман. Марказий қўмита аёллар ва болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтирди. Аёлларга қўшимча таътил бериш, уларнинг бепул дам олишларини таъминлаш мақсадида ибратли ишларни амалга оширмоқда. Кўпчилик касаба уюшмаси деганда фақатгина, оромгоҳларга, дам олиш уйларига йўлланма берадиган ташкилотни тушунади.

Биз ходимларимизни, ҳар бир касаба уюшмаси аъзосини ҳуқуқий томондан ҳимоя қилиш ниятида ҳам турли дастурлар, режалар ишлаб чиқмоқдамиз".

Кечада халқимизнинг севимли санъаткорлари Анвар Санаев ва Умида Мирҳамидовалар иштирок этиб, устозларни қутлуғ айёмлари билан муборакбод этдилар ва ўз қўшиқлари билан даврага файз киритдилар.

Шунингдек, байрам тадбирида Халқ таълими вазирлигининг бошқарма бошлиғи Зокиржон Холматов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Элёр Ёқубовлар ҳам қатнашиб, мураббий, оқила ва доно аёлларни касб байрамлари билан табриклашди, уларга соғлиқ-саломатлик, ишларида ривож тилашди.

Ҳар бир касбнинг ўзига яраша завқли ва машаққатли томонлари бўлгани каби ўқитувчилик, тарбиячилик ҳам ўзига хос касбдир. Муаллим бу касбда билимдон бўлмоғи, ўқувчи қалбига илму шуур билан бирга, эзгулик ва меҳру муҳаббат нурларини ҳам олиб кирмоғи шарт. Тадбирда сўз олган халқимизнинг севимли шоираси, "Саодат" журналининг бош муҳаррир ўринбосари Қутлибека Раҳимбоева муаллимлар меҳрнинг, муҳаббатнинг бир бўлаги, деб таърифлади, устоз ҳақидаги энг гўзал шеърларини йиғилганларга ҳавола этди.

Бола қалби беғубор шаҳар,
Сизлар энг ишончли соқчисиз.
Кунлар доим келтирсин зафар,
Устоз, сиз ҳаммадан яхшисиз!

Давра суҳбатида сўз олган ҳар бир аёл-муаллима ўз касбидан ғурурланишини, мурғак гўдакларга тарбия беришда нималарга кўпроқ аҳамият бериш кераклигини, ҳар бир масалани аёлларга хос назокат ва нафосат билан ҳал қилиш мумкинлигини айтиб ўтишди. Айниқса, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 216-тарих фанига ихтисослашган мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Мавжуда Воҳидованинг "Бир жойда, аёлнинг бесаводлиги улуснинг бесаводлигидир, деган фикрларни ўқиб қолдим. Биз муаллима- аёлларга бошқа касбда меҳнат қилаётган аёлларга қараганда, яъни уч карра кўпроқ масъулият юкланган. Ҳар бир инсон бир қадрият сифатида туғилади. Аёл оқила, билимли бўлсагина ана шу қадриятни улғайтиради, унинг кўнглига Ватан, миллат, эл-юрт деган тушунчаларни жо қилади. Муаллима-аёл иккинчи она сифатида улуснинг, халқнинг фарзандларини маърифат сари етаклайди. Биз ўқитувчи аёлларга ўз шогирдимизнинг бир марта "онажоним" деб бағримизга талпинганлигининг ўзиёқ ҳар қандай дуру жавоҳир, бойликлардан ортиқ шодлик келтиради", деган гаплари барчани тўлқинлантирди.

Тадбир ниҳоясида барча фаол аёллар Марказий Қўмитанинг Фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Меҳмонлар тушликдан сўнг шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилишди. Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган катта концерт дастури эса йиғилганларнинг қалбида бир умр ўчмас из қолдирса керак.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
"Маърифат"нинг махсус мухбири
Б.РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

КОМИЛЛИККА УНДАР ҲАМИША

Болалик. Инсон қалбига бир умр муҳрланган қадрдон фасл. Уни қандайдир энтикиш, эврилишлар билан эслайсан киши. Болаликни, боғбон миришкор нақадар тотли фасл, дейиши тайин. Шифокор эса ўғил-қизларнинг илигини мустаҳкамлайдиган давр, дея ўз хулосасини айтиши аниқ. Деҳқон бобо бу — болани меҳнатда пишитиш, чиниқтириш даври, деб ҳисоблайди.

Албатта, булар ҳар хил касб нуқтаи назаридан айтиладиган фикр, хулосалардир. Шуниси аниқки, болалик билан хаёлан мулоқот қилинганида киши онгида кўп қизиқарли воқеалар, мактаб ҳаёти билан боғлиқ таассуротлар жонланади. Мен ҳам Амударё туманидаги Садриддин Айний номидаги мактабни соғинч билан, ажиб бир туйғу билан бот-бот ёдга олиб тураман. 1965 йилнинг илк сентябрь тонгида онамнинг мени қўшни болаларга қўшиб мактабга жўнатгани ҳали-ҳануз эсимда. Биринчи сабоқ хаёлимдан кўтарилган бўлса-да, мактаб яқинида яшовчи болаларнинг синфга аллақачоноқ кўникишиб улгуришгани ва олдинги парталарни эгаллаб олганлари ёдимда.

Бошланғич синфда Қодир Раҳимов (жойи жаннатда бўлсин!) отли ҳамқишлоғимиз сабоқ берганлар. У болаларнинг тилини, дилини яхши тушунарди. Кези келганда, болаларга қўшилиб футбол ҳам ўйнаб кетарди. Менимча, болани тушуниш учун катталар ҳам улардек соф бўлиши керак, назаримда.

Яқин қариндошимиз, география фани ўқитувчиси Ўрозбой Олламберганов (жойи жаннатда бўлсин!)нинг дарс олиб бориши, янги мавзуни бошлаш усулига қойил қолардик. Мавзуни яхлит композиция шаклида ўғил-қизлар онгига кўргазмали қурол воситасида жойлашни дўндирарди. Шу боис унинг дарслари ҳамиша қизиқарли ўтарди.

Хуллас, мактаб йилларидаги ҳаётни, устозларнинг болалар билан муносабатини эслаш, синфдошлар мулоқотини соғиниш, умуман, болаликка қайтиш хайрли, шу билан бирга эзгу, ибратга молик ишдир. Келинг, шу маънода ҳар хил ёшдаги маърифатли замондошларимизнинг фикрларига қулоқ тутайлик-а, улар мактаб даврини, азиз муаллимларини қандай эслашар эканлар:

Мурод Шарифхўжаев, Тошкент Молия институти ректори, академик:

— Менга билим бериб, гўзал ҳулқ эгаси бўлишга ундаган сиймолар жуда кўп эди. Мактабда ўқиб юрган йилларимда Имомбоев, Афанасьев деган ўқитувчиларга айниқса, ихлосим баланд бўлган. Кейинчалик Ўзбекистон молия-иқтисод институтига кириб, талабалик даврини бошдан кечирганимда, "Саноат иқтисоди" фанидан бизга дарс берган домла Аркадий Худковский ҳам эсимда. Бу киши Республика саноатининг паст-баландини жуда яхши билар, талабалар билан баҳслашишдан чарчамасди. Бир-икки баҳсларда у кишининг мендан "енгилгани" ҳам хотирамда. Агар ҳаққоний гап бўлса, домла мардларча тан берарди.

Аслида мени илмий иш билан шуғулланишга ундаган инсон ҳам Худковский домла эди. У кишининг маслаҳати билан аспирантурадаги фаолиятим бошланиб кетди. Илмий ишлар бўйича проректор Шенгелдан ҳам кўплаб маслаҳатлар олиб туришимга тўғри келарди. Борабора бу киши билан ота-боладай бўлиб кетдик. Дунёга машҳур олимга шогирд тушишим, илмий даражага эришишим ва бошқа муваффақиятларим, айниқса, у кишининг шифохонада ўлими олдидан мени ёнларига чақиртириб видолашишлари худди кино лентасидек кўз ўнгимда...

Менга илм бериб, маслаҳатларини дариғ тутмаган кишиларнинг ёрқин хотираси олдида бош эгаман... Уларнинг охиратлари обод бўлишини яратгандан сўрайман.

Восил ҚОБУЛОВ, ЎзФА замонавий информацион технологиялар илмий-техникавий маркази бош директори маслаҳатчиси, кибернетиклар мактабининг асосчиси, академик:

— Кун тунга уланиб, умр ўтаверар экан. Ёшингга ёшнинг қўшилиши эса ақлу тажрибангни бойитаверади. Мактаб, университет таҳсилларида менинг юрагимга кириб борган устоз-мураббийлар, афсуски, бугун орамизда йўқ. Ўрта Осиё давлат университетида улуғ сиймолар — Қори Ниёзий, Саримсоқовларнинг дарсларини ниҳоятда интиқиб кутардим. Ўзбекистонда илм-фан тараққиётига ўзларининг салмоқли улушларини қўшган бу зотларнинг сабоғи бутун умрим мобайнида асқотди. Уларнинг чеҳраларида минглаб талабаларга нисбатан талабчанлик акс этиб турарди. Бу қатъийликни биз шафқатсизлик деб билмасдик, аксинча уларнинг бундай муносабати келажагимиз учун жуда муҳим эканлигини англардик.

Уруш, урушдан кейинги йиллар... Муҳаммаджон Ўрозбоев, Эшон Одилхўжаевлар ҳам мени қўллаб-қувватлаб турувчи инсонлар бўлишди.

Бу дунёда ҳамма меҳмон. Ёруғ оламни тарк этаркансан, сен ҳақингдаги яхши хотиралар қолса, демак умринг беҳуда ўтмабди.

Иброҳим БОБОХЎЖАЕВ, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги Охунбобоев номли мактабнинг собиқ ўқитувчиси, нафақахўр муаллим, уруш қатнашчиси:

— 1938 йил. Тошкентдаги 41-мактабнинг 6-синфида ўқирдим. 23-24 ёшлардаги Fиёс ака Хўжаев деган она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берувчи ўқитувчимиз бор эди. Ўша пайтларда менинг тасаввуримда дунёда энг маданиятли, энг билимли, энг кўркам кийинадиган ҳамда энг барно бўлган йигит ҳам худди шу Fиёс акамиз эдилар. Бизлар Fиёс аканинг дарсларини сабрсизлик билан кутардик, у кишининг доно ва ширин сўзларини жонқулоғимиз билан тинглардик.

Кейинчалик кўплаб йигитлар қатори Fиёс ака ҳам иккинчи жаҳон урушида мардларча ҳалок бўлганларини эшитдим...

Мана, ярим асрдан кўп вақт ўтиб кетди, ҳамон устозимиз раҳматли Fиёс акани унутолмайман. Бунинг боиси шундаки, Fиёс ака ўз ўқувчилари бўлмиш бизларга меҳр тўла кўз билан қарар, бизни ўз жигаргўшаларидек эъзозлар эди.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист:

— Биз урушдан кейин мактабга борган ўқувчилар Абдураҳмон ота Алимовнинг сабоқларини бир умр унутмасак керак. Қишлоғимиздаги энг ғайратли, энг фидойи муаллимлардан бири шу инсон эдилар. У кишининг "Жонсиз табиат" дарслари шу қадар завқли, жозибали ўтардики, устознинг сўзлари она табиатга меҳр бўлиб қалбларимизга сингарди.

Оч-юпун эдик ҳали. Лекин кексалар, ота-оналар ҳам болаларга алоҳида меҳр-шафқатли эдилар. Мен дафтар тўрвасини елкасига олиб, қалин қорда ёлғиз-оёқ йўлдан тийғана-тийғана мактабга бораётган болага йўл берган мўйсафидни кўрганман. Ташқарида, деразанинг ортида соатлаб туриб, ўқитувчимиз Тойирхўжа Абдураҳмоновнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини жон қулоғи билан эшитган қиз-жувонларга кўзим тушган. Укасининг дарслигини титкилаб, ўзи савод чиқариб, кейин институтга имтиҳон топширган қўшнимиз катта олим бўлиб кетганини биламан. Ўқишга иштиёқ шунчалик кучли эди. Илм сеҳри, унинг жодуси шунчалик жозибадор эди...

Физика ўқитувчимиз Саидвали Алиев электр токи ҳосил қилишни тушунтириб берганидан кейин тиришқоқ ўқувчи Маҳамадамин мактаб ёнидан оқиб ўтувчи анҳорда электр станцияси қуриш мумкинлигини исботлаганди. Ўқитувчимиз унга ёрдам бериб, тун-кун физика лабораториясида ишлади. Ниҳоят, анҳорда енгил чархпалак ўрнатишди. Маҳамадамин мактаб ҳовлисига баланд ёғоч тиклаб, битта лампочкани осиб қўйди. Кечқурун теварак-атроф чароғон бўлиб кетди...

Муаллим...

Устоз...

Улар оёқ қўйган заминга таъзим...

Умида АБДУАЗИМОВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири, шоира:

— Болалик оламимга кирган, одам қилган, ҳаётга, муҳаббатга ташна этган мураббий-устозларим бир-бир кўз ўнгимдан ўтади. Fани ака Қодиров узоқ йиллар бизнинг мактабда директор бўлиб ишладилар. Урушда орттирган азоблари-дан баъзан икки ойлаб чўзилган пахта пайкалларида оқсоқланиб қолсалар-да, бизни, қировларда олов ёқиб исиниб, пахта терган мурғак ўқувчиларни ташлаб кетолмаган.

Алишер Навоийнинг тўрт ёшида шеър ёзганини тушунтира бошлаган Музаффар ака Тўлагановнинг дарсида беихтиёр мен ҳам шеър ёзгим келиб кетди... Музаффар ака "шеъримни" ажиб ҳаракатлар билан таъсирли қилиб синфдошларимга ўқиб берган эдилар.

— Болалар, — дедилар қувноқ кайфиятда улар, — бу шеърни синфдошингиз, бўлажак шоира ёзибди. Ўқиган кўзни қувонтирадиган қилиб ёзибди. Сизлар унинг биринчи ўқувчиларисиз энди...

Яна нималар дедилар, ёдимда йўқ. Аммо "ўқувчиларисиз" деган жумла синфдошларимнинг кўнглида ҳавас уйғотгани рост. Ўша кундан ўн кун ҳам ўтмай, синфдаги 26 ўқувчининг қарийб йигирма нафари шоирликка берилиб кетди. Бир-биримиз билан маслаҳатлашиб, китоб ўқишга киришдик, кўплаб шеърларни ёд олдик, болалик орзуларимизни оқ қоғозга туширишга уриндик...

Ustoznoma

Мақсудахон ФОЗИЛОВА, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 3-ўрта мактаб ўқитувчиси:

Ўқитувчи, устоз — бу номнинг олдида
Не азиз инсонлар эгадилар бош
Унинг муҳаббати чексиздир бизга
Қалбларни ёритар мисоли қуёш.

Мен ўқитувчиман, устозман. Бу сўзни тилга олар эканман, шу кунларга етишимда менга устозлик қилган инсонлар олдида ҳамиша таъзимдаман.

Мени илк бора мактаб остонасида кутиб олиб, саводимни чиқарган биринчи муаллимим Мўътабар опа Шерматова, яна дорулфунунда ҳаёт дарсини ва билимнинг мураккаб қирраларини ўргатган илмли ва олим устозларим, ўқитувчилик фаолиятимнинг остонаси бўлмиш 3-мактабнинг тажрибали мураббийларидан миннатдорман.

Улар инсонни илм безаги билан зийнатлайдиган, уларга чиройли ва ёқимли фазилатлар билан гўзаллигу оро берадиган, тушунтириш билан зарарли нарсалардан одамни халос этадиган, инсонни ҳақиқий комил шахс даражасига етказувчи, билим хазинасини уларнинг қалбларига жойлайдиган, жаҳолат ва илмсизликдан қутқарадиган, яхши фазилатлар сари йўл кўрсатадиган улуғ зотлардир.

Бу улуғ зотлар инсоннинг унибўсиши, камолотга эришиши, илм-маърифат чўққиларини забт этишига кўмаклашади. Ўз умрини, қалб қўрини, ақл-идрокини, тажрибасини ва билимини сарф этади. Ютуғини кўриб қувонади, муваффақиятсизлигидан ғам-андуҳ чекади, куйиб-ёнади. Мен уч йиллик фаолиятим давомида муаллим санъаткор бўлиши лозимлигини, шундагина у болалар меҳрини қозона олишини, меҳнатдан чарчамаса, болаларни чин дилдан яхши кўра олса, изланиш, ўрганишдан бўйин товламасагина кўзланган мақсадига эришишни тушуниб етдим.

Дорулфунунни тамомлаб, мени мустақил ҳаётга йўллаган мактабимга ўқитувчи бўлиб ишга келдим. Ўқитувчилик касби остонасида мени устоз мураббий, талабчан раҳбар Умарали Асқаров, бошланғич таълим устаси Сафурахон Аҳмедовалар кутиб олишди. Менга шундай устозлар қўлида ишлашни раво кўрган тақдиримга яна бир бор шукроналар айтдим. Шу ўринда ўзимнинг ҳақиқий мураббийим, 3-мактабнинг бошланғич синфлар бўйича илмий мудири Сафурахон опа Аҳмедова ҳақида ўз дил сўзларимни изҳор қилишни ўринли деб биламан.

"Иш боши интизом" деган мақол бор халқимизда. Бу мақол бежиз айтилмаганлигини мен Сафурахон опа тимсолида кўрдим. У ҳар бир ишнинг ўз вақтида, ўз ўрнида тартибли бўлишини ёқтиради ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилади. Мен Сафура опадан ўқувчилар билан ишлайдиган турли услубларни, уларнинг қалбларига йўл топиш маҳоратини ўргандим. Шу билан бирга иш фаолиятимда ўқувчиларни мустақил ишлатишга, уларни ижодий фикрлашга, ўз фикрларини онгли, равон баён қила олишга ўргатиш, ўқувчиларни ўз иқтидорларини намоён эттириш лозимлигини тушуниб етдим ва ўз олдимга келажакда ана шу устозимдек бўлишни мақсад қилиб қўйдим. Қисқаси, ҳар тонг синф хонасида мени қора кўз болажонлар кутиб олади. Уларнинг кўзларига қарар эканман, ўзимнинг уларга керак эканимдан ҳузурланиб кетаман ва бутун бир синфни менга ишониб топширган жамоанинг, ҳар бир гапимни қонундек кўрувчи жажжи ўқувчиларнинг юрагидан жой олишга астойдил интиламан.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ тайёрлади.

Гарчи 15 май дам олиш куни сифатида белгиланмаган бўлса-да, бу кунда барча ўқувчилар ва талабалар ўз устозлари ва муаллимларини айём билан қутлаб, қизил чиннигуллар тақдим этишади.

Маълумки, бугунги кунда республикамизда турли давлатлар элчихоналари фаолият кўрсатмоқда ва давлатимиз билан барча соҳаларда сезиларли даражада ҳамкорлик қилмоқда.

Биз таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамкорликлар, бошқа давлатларда ўқитувчилар ва мураббийлар куни қандай тарзда нишонланишини билиш мақсадида Ўзбекистонда ўз дипломатик корпусини очган, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидан бири саналган Жанубий Корея Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Чанг Хунга ўз саволларимиз билан мурожаат қилдик.

Чанг ХУН:

«МУАЛЛИМЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИ ТЎХТАБ ҚОЛМАСИН»

Мана бир неча йиллардан буён Ўзбекистонда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Шундай байрам Сизнинг давлатингизда ҳам борми?

— Мен Сизнинг газетангиз орқали барча ўқитувчилар ва мураббийлар, тарбиячиларни умумхалқ байрами билан табриклашга муваффақ бўлганимдан жуда хурсандман. Ўқитувчи ва тарбиячи бўлиш жуда масъулиятли иш. Устозлик кўп меҳнат, билим, юксак хоҳиш ва қалб қўрини талаб қилади. Мен муаллимларнинг ижодий жараёнлари тўхтаб қолмаслигини истардим. Шунингдек, республикангизнинг барча ҳудудларида фаолият олиб бораётган мураббийларга, тарбиячиларга сабр-тоқат, ўз устида ишлаш ва албатта, ушбу касб йўлида зафарлар тилайман.

Бизнинг давлатда ҳам бундай байрам бор. У 15 майда нишонланади. Гарчи 15 май дам олиш куни сифатида белгиланмаган бўлса-да, бу кунда барча ўқувчилар ва талабалар ўз устозлари ва муаллимларини айём билан қутлаб, қизил чиннигуллар тақдим этишади. Ўқувчи ва талабалар ўз ҳурмат ва эҳтиромини ифодалаш мақсадида турли совғалар билан устозлар кўнглини шод этадилар.

Ўзбекистонда фаолият бошлаганингизда давлатимизнинг мураббий ва таълим ходимларига бўлган юксак эътиборни кўриб, кўнглингиздан нималар кечган?

— Корея республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси сифатида Ўзбекистонда фаолият юритар эканман, барча жабҳаларда сезиларли даражада ўзгаришлар бўлаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибман. Президентингиз И.Каримов ташаббуси билан ўқитувчилар, устозлар ва мураббийлар меҳнатига ва умуман таълим соҳасига алоҳида эътибор берилаётганлигини ва шу орқали кўплаб ислоҳотлар муваффақиятли тарзда амалга оширилаётганини, қоларверса, таълим ва касбга тайёргарлик соҳасида ўсиб келаётган ёш авлодни турли соҳалардаги малакали мутахассислар қилиб тайёрлаш борасида дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлагим келади.

Ҳар икки давлат ўртасида таълим соҳасида олиб борилаётган ҳамкорликлар самарали йўлга қўйилганми?

— 1992 йилда бизнинг давлатимиз билан дипломатик алоқалар йўлга қўйилганидан буён кўпгина соҳалар бўйича ҳамкорлик ришталарини боғлаганмиз. Ҳар икки давлат ўртасида турли лойиҳаларни ишлаб чиққанмиз.

Мана шундай лойиҳалардан бири Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида корейс тили хонасининг техник асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигидир. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси Университети ва Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети корейс тили аудиториялари ва ЎзМУ компьютер синфи ҳам техник жиҳозлар билан таъминланди. "Brother's Brother Foundation" жамғармаси томонидан 1-Тошкент Давлат тиббиёт институтига янги адабиётлар топширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида халқаро иқтисодиёт бўйича кореялик эксперт туркум маърузалар ўқиди. Ўтган йиллар давомида KOICA курсларида 50 нафардан зиёд ўзбекистонлик мутахассислар ўз малакаларини оширдилар.

Оммавий ахборот воситалари Жанубий Кореядан умуматълим соҳаси ҳамда автомобилсозлик, радиоэлектроника, электротехника соҳалари учун 7 200 000 минг АҚШ доллари миқдорида жиҳозлар келтирилганлиги тўғрисида ёзишган. Жами эса 35 млн. АҚШ доллари миқдоридаги жиҳозлар келтирилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари ушбу техник воситалардан ўқитувчиларнинг самарали фойдаланишлари учун мутахассис-педагоглар, таълим муассасалари раҳбарларини Корея республикасида малака ошириб қайтишларига кўмаклашмоқдамиз.

1999 йилда Халқаро Ҳамкорлик бўйича Корейс агентлиги (KOICA) техника, солиқ, иқтисодиёт лицейларига 50 минг доллар миқдорида компьютер ва принтерлар ажратди. Бу йил эса ЎзДЖТУ ҳамда Тошкент Давлат шарқшунослик институтида корейс тилини ўргатиш мақсадида аудиторияларни жиҳозлаш кўзланмоқда.

Шунингдек, Корея республикасидан KOICA ташкилоти орқали жўнатилган кўнгиллилар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети ҳамда Ўзбекистонинг айрим вилоят марказларидаги, масалан: Бухоро, Фарғона, Нукус олий ўқув юртларида корейс тили ва компьютер саводхонлиги ўқитувчилари сифатида фаолият юритишмоқда. Бу йил сентябрь ойида эса мен Самарқанд Давлат чет тиллар институтида корейс филологияси факультетининг тантанали очилиш маросимида қатнашиш шарафига муяссар бўлдим.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистон Республикасининг барча ўқитувчилари ва мураббийларини байрам билан яна бир бор чин дилдан табриклайман, уларга соғлиқ-саломатлик ва барча эзгу ниятларни тилайман.



МАКТАБГА ЮНЕСКО СОВҒАСИ

Избоскан туманидаги 12-ўрта мактаб 1996 йил 19 январда ЮНЕСКОнинг бирлашган мактаблари таркибига кирган эди. Ўтган йиллар давомида мактаб жамоаси мазкур нуфузли ташкилотнинг кўплаб моддий ва маънавий ёрдамларини олиб келмоқда. Мазкур ташкилот томонидан мактаблар учун тақдим этилаётган турли китоблар, журналлар, кўргазмали қуролларда жаҳон тарихига оид кўплаб янгиликлар, таълим соҳаси, болалар ҳуқуқлари бўйича қизиқарли маълумотлар бор. Мактаб муаллимлари жамоаси ҳамда ўқувчилар ушбу қўлланмаларни зўр қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Ўтган йили ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги Миллий Комиссияси қарорига асосан мазкур мактабда ЮНЕСКОнинг жамоатчилик таълим маркази тармоғи очилди. Таълим марказининг очилишидан асосий мақсад янги педагогик технологияларни жорий қилиш, ёшларни турмушга тайёрлаш ҳамда уларнинг касб-ҳунар эгаллашларига кўмаклашиш, компьютер саводхонлигини шакллантиришдан иборат.

Яқинда мактабга ЮНЕСКО совғалари — 4 дона "Pentium-3" компьютери, телевизор ва видеомагнитофон топширилди. Шунингдек, "Бирлашган Миллатлар Ташкилотини биласизми?" номли брошюралар, услубий қўлланма ва турли мавзулардаги журналлар ҳам совғалар таркибидан жой олган.

— Мактабимизга берилган ЮНЕСКО совғаси муаллимлар жамоасини, ўқувчиларни ва отаоналарни ҳам беҳад мамнун қилди, — дейди мактаб директори Саодатхон Ғозиева. — Ушбу туҳфалар ўйлаймизки, болаларимизнинг жаҳон андозалари даражасида билим олишларига кўмак беради.

О.СИДДИҚОВ

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ақлий, жисмоний камол топишлари, уларда ижодкорлик, мустақиллик, эркин фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бугун қўлига мойбўёқ олиб нимадир чизишга чоғланган болакайнинг қалбидаги нозик ҳис-туйғулар сўнмасин! Зеро, бу ҳам баркамол авлод яратиш йўлидаги эзгу ишдир.

МЕҲМОНЛАРИМИЗ УСТОЗЛАРИ ҲАҚИДА

Ўткир ҲОШИМОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси:

— Ўқитувчи, мураббий ёки устоз деган ибора мен учун, ҳеч қандай муболағасиз муқаддас тушунча бўлиб келган. Агар эътибор берган бўлсангиз, жуда кўп асарларимда ҳам ўқитувчи образи бор. "Икки эшик ораси", "Баҳор қайтмайди", "Нур борки, соя бор", "Дунёнинг ишлари" каби ижодий ишларимнинг деярли барчасида буни кузатиш мумкин. Бу атайлаб қилинган нарса эмас. Чунки ўқитувчиларсиз ҳаётни тасаввур қилиб бўлмайди.

Иброҳим ҒАФУРОВ, атоқли адиб, адабиётшунос олим ва моҳир таржимон:

— Сабр-тоқатли, меҳрибон одамлар эдилар биринчи муаллимларимиз. Гоҳо, яқинларимиздан кўрмаган меҳрни муаллимларимиздан кўрардик. Бизга ота-онамиз, акаларимиздан сўнг энг яқин кишиларимиз — муаллимларимиз эди.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ, Ўзбекистон халқ артисти:

— Бир куни мактабдан қайтаётиб, кўчада от-от ўйнаётганимизда бир одам келиб, қулоғимни шунақа чўздики, назаримда, ҳали ҳам қўлининг изи тургандай қулоғимда. Бу Рашид домламиз эди. "Нега уйга тезроқ бориб, дарс қилиш ўрнига кўчада ўйнаб юрибсизлар", деганди ўшанда. Бу воқеани уйдагиларга айтолмаганман. Чунки, ўқитувчи сиймоси қадрли ва табаррук эди.

"Домла" сўзи санъатда ҳам ишлатилади. Маннон Уйғур, Етим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаевларни домла, деймиз. Ёш бўлсин, сенга бирор нарсани ўргатдими, демак, у устоз саналади.

Икром ОТАМУРОД, шоир:

— Менинг муаллимга муносабатим айрича, хил-хил эмасди. Мен муаллим деганда, биринчи ўқитувчим Очил Аслоновни билардим. Ва ҳамма ўқитувчиларга шу иззатдан келиб чиқиб қарардим. Зотан, Ҳазрат Алишер Навоий айтадиларки:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Султонмурод ОЛИМ, адабиётшунос, публицист:

— Камина учун Навоийнинг мезони - мезон: "Шогирд агар шайх ул-ислом, агар қозидур, агар устоз андин розидир — Тангри розидир" ...

Ортиқ ОТАЖОНОВ, ўзбек хонадонларининг суюкли ҳофизи, Ўзбекистон, Туркманистон, Қорақалпоғистон халқ артисти:

— Ривоят қилишларича, бир йигит уста кулолга шогирд тушибди. Кулолнинг дўконида сопол лаганлар тайёрланар экан. Йигит жуда ҳам меҳнаткаш, тиришқоқ экан. У бу касбнинг сир-асрорларини пухта эгаллай бошлабди. Орадан икки йил ўтибди, йигит тайёрлаган кулолчилик буюмлари жуда маҳорат билан тайёрланганлиги сезилиб турар, аммо устози тайёрлаган лаганлардек жилоланмас экан. Шунда йигит устозидан бунинг сирини сўраганида устози шундай жавоб қилган экан:

— Эй ўғлим, сен тайёрлаган лаганларнинг ҳам шунақа чиройли бўлиши учун "пуф" дейиш етмаяпти, бундан кейин тайёрлаган буюмларингни қўлингга олгин-да, қуёш тафтига тутиб "пуф" дегин, шунда сеники ҳам меникига ўхшайди, — деган экан.

Демоқчиманки, барча соҳада устозсиз йўл топиш қийин. Устозлик масъулияти мактабда бўладими, ҳунарда бўладими, санъатда бўладими, фарқи йўқ. Гўёки устоз-шогирд — бир дарёнинг икки қирғоғидир.

"ҒАЛЛАБАНК"

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Юртимиз таълим муассасаларида янги авлод тарбияси билан шуғулланаётган минглаб заҳматкаш устоз ва мураббийларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан қутлайди!

Ўзбекистондаги ҳар бир хонадонда осойишталик, фаровонлик ҳукм суришини тилаган ҳолда, "Ғаллабанк" ҳамма ишларни ўзаро манфаатдорлик асосидаги ҳамкорликка чоғлайди.

"Ғаллабанк"нинг кенг турдаги хизматларидан фойдаланинг. Бизда барча турдаги банк операциялари, шунингдек, чет эл валютасида банк операцияларини амалга оширишингиз, таълим кредитларини олишингиз, омонат қўйишнинг турли шаклларидан фойдаланишингиз мумкин.

"Ғаллабанк" хонадонингизга барака келтирсин!



Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 36-уй. Телефон/факс: (3712) 136-70-60, 133-44-66

Эргаш КАРИМОВ, кулги устаси, Ўзбекистон халқ артисти:

— Санъатга меҳр уйғотган муаллиму устозларимга ҳар қачон таъзимдаман. Мен етакчилик қилаётган "Телеминиатюралар театри"нинг бош вазифаси ҳам тарбия. Ҳажв, сатира танқид қилади, кулдиради. Лекин унинг асосий мақсади тарбияга йўналтирилган. Шу маънода ўзимни ҳам ўқитувчиларга ҳамкасб деб биламан. Ҳамкасб ўз касбдошига нима дейди? "Ҳорманг, саломат бўлинг!" дейди. Яна бир тилагим — кулиб юринг, табассум қилинг! Хўмрайганларни худо ҳам хуш кўрмас экан. Зеро, кулгига ошно кишиларнинг умри ҳам узун бўлармиш.

Абдуҳолиқ МАМАРАСУЛОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Ўқитувчиларим ҳаётда ҳалол ризқ-насибани топиб ейишга ўргатган, илм-фандан хабардор қилган буюк шахслардир.

Мактабда ўқитган ҳар бир ўқитувчи устоз саналади. Фалакнинг гардиши кенг. Ўқитувчининг қалби эса ундан-да кенг. Улар бизга билим ўргатиш билан бирга инсонийликни ҳам ўргатади. Ўқитувчи бамисоли бир мевали дарахт, мевалари эса шогирдларидир.

Шароф БОШБЕКОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, драматург:

— Мактабда Марям Галиуллина деган ажойиб адабиёт ўқитувчим бўларди: "Бир ишга қўрқмай ёпиш, қўрқиб турганингни билса, иш ҳаддидан ошади", "Ҳеч қачон эгилиб юрма, ерга қараб гапирма, чунки эгилган одам фақат ерни кўради, тик гапир, кўп жойни кўрасан. Сениям кўришади" дер эдилар. Институтда Абдурашид Раҳимов деган домлам биринчи ёзган драмамни ўқиб:

"Драматург билимли бўлиши керак. Сенда билим бор, лекин ўзбек драматурги ўзбекча фикрлаб, ўзбекча гапирадиган бўлиши шарт", деган фикрни билдирган.

Шу сатрларни ёзаяпману, юрагим тубидан худди ғашманинг милдираган кўзидан оқувчи оби-ҳаётдай бир шаффоф туйғулар руҳиятимни ғулғаб олди. Ўйлаб қарасам, комиллик манзили ҳақида Сизчалик қайғурувчан, Сизчалик безовта, Сизчалик жонсарақ, Сизчалик фидойи зот йўқ экан!

ЮРАКДАГИ ВАТАН МАНЗАРАСИ

Биз хорижликларга кўпинча ҳавас қиламиз. Гўёки улардаги ҳаёт мукаммалдек туюлади. Ҳаттоки чет давлатларда хизмат сафари билан ёки таълим олиб қайтаётганларга нисбатан ҳам эътиборимиз бошқачароқ.

Лекин аслида АҚШ, Англия, Японияда ҳам худди бизга ўхшаган одамлар яшайди. Уларнинг юракларида ҳам ўз Ватанларининг манзараси бор. "Умид" жамғармаси грантини қўлга киритган талабалардан бири Алишер Зуфаров ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

— 1998 йил... Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети талабаси эдим.

"Умид" жамғармаси совриндорлиги учун ўтказилган синовлардаги натижам юқори бўлди.

"Umid" — yangi avlod

Ўша йили ўқишимни АҚШнинг Индиана университетида давом эттириш учун отландим.

Бошқа шаҳар, бошқа дунё... Янги муҳитга мослашгунча қийналишимга тўғри келди.

Таълим жараёнидаги юқори технологиялар, талаба ва ўқитувчи муносабатидаги хоҳиш-ироданинг ўта эркинлиги мени бир жиҳатдан лол қолдирса, бир жиҳатдан ўйлантирарди.

Ўқув дастурларининг чекланганлиги ва чуқурлаштирилганлиги талабалар имкониятини ҳам кенгайтирарди. Балки бу бир томондан маъқулдир.

Америкадаги ҳаёт билан хайрлашиб, мана, Ўзбекистонга келдим. Мен англаб етган ҳақиқат шу бўлдики, инсоннинг бошқа юртга вақтинчалик юборилиши унинг юрақдаги ўз Ватани манзараларини яна ҳам бўрттирар экан. Гоҳ мактабда, гоҳ университетда, гоҳ оилада устозларим бу ҳақда бот-бот таъкидлашарди. Менга энг инсоний туйғуларни ўзининг сўзи, хатти-ҳаракати, ишлари билан "юқтира" олган устозларимни байрам билан қутлаб, уларнинг омон бўлишини, узоқ-умр кўришини тилаб қоламан.

БАЙРАМИНГИЗ БИЛАН, МУАЛЛИМЖОН!

Сен ҳали ўқиш нималигини, ёзиш нималигини, меҳр нима-ю, Ватан нималигини англаб улгурмаган, кўчаларни чангитиб юришдан, қўғирчоқ ўйнашдан бўлак машғулотни билмаган чоғингда юзларидан нур ёғилиб, сўзларидан бол томиб турувчи бир улуғ зот қўлингдан тутиб, сени маърифат нури таралиб турган ёруғ кўчаларга бошлайди. Шунда сен барча инжиқликлару хархашаларингни, ўжарликларингни-да унутиб, беихтиёр унинг ортидан эргашасан. Унинг юзларидаги беқиёс меҳр, ширингина сўзларидаги сеҳр сени тамоман ўзига ром этади. Бу буюк зот ўша — сенга илк бора оқ билан қорани ажратиб берган, ҳаётни, дунёни танитган Биринчи муаллим.

Биринчи муаллим! Ўқувчилар қалбидан бир умр чуқур жой олувчи буюк сиймо. Дилрабо Муҳамедова ҳали ёш бўлишига қарамай аллақачон ўқувчилари қалбидан ана шундай муносиб ўринни эгаллашга улгурган. Ёш, изланувчан, истеъдодли бу муаллима Бухоро шаҳридаги 28-мактабда бошланғич синф ўқувчиларига таълим-тарбия бериб келмоқда.

— Биринчи ўқитувчи бўлишнинг ўзи бир бахт, бироқ унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор, — дейди ёш муаллима. — Ҳар бир ўқувчи қалби кашф этилмаган олам. Бу оламнинг сирларини очиш менга завқ бағишлайди.

Суратда: Дилрабо Муҳамедовани ўқувчилари касб байрами билан қутлашмоқда.

МАКТАБДА КЕЛАЖАК ЯШАЙДИ

УНИ ЯРАТУВЧИ ЭСА ЎҚИТУВЧИДИР

Куррайи заминни юксак ақлзаковат эгаси — инсоният бошқаради. Момо Ер эса тинмай нафас олади, баъзан ҳансирайди, гоҳо гуркирайди. Одамзот яратувчи, бунёд қилувчидир. Зеро, Она Ер ва инсоният абадий ҳаракат ва муносабатдадир. Туғилиш бор экан, яшаш учун интилиш бор. Ҳаёт ширин, мароқли... Бизга гўзал ва завқли туюлган ҳаёт аслида бир денгиз бўлса, одамлар ана шу денгизда сузиб юрган ўткинчи бир кемалардир.

Бу ҳаётдаги яхшилик ва ёмонликни, савоб ва гуноҳни, ҳасад ва ҳавасни, муҳаббат ва нафратни, хиёнат ва диёнатни, хасислик ва сахийликни, дилозорлик ва ширинсуханликни бир-биридан фарқлашга ўргатувчи зот бор. Чиройли таърифда уни "Устоз" дея атаймиз. Ўзаро мулоқотларда, йиғинларда эса уни "Ўқитувчи" дея кўкларга кўтарамиз, қуллуқ қиламиз.

Мактаб деган маконда **келажак** яшайди.

Таъбир жоиз бўлса, унинг улкан таянчи ўқитувчидир. Ҳар қандай мамлакатнинг келажаги мактабларда улғайиб, камол топади. Чунончи, барчамизнинг киндик қонимиз тўкилган Ўзбекистонда ҳам минглаб мактаблар бор. Ана шу мўътабар макон ҳар тонгда келажакни кутиб олади.

Таълим-тарбия деган улуғ вазифа мустабид тузум даврида асосан, мактаблар зиммасида бўларди. Ўз эркини, мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон бу вазифани эндиликда нафақат мактабларда давом эттириш, балки оиладан, болалар боғчаларидан бошлаш кераклигини ҳам ҳис этди.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббусларининг самараси ўлароқ, "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида **узлуксиз таълим** тизими барпо этилмоқда.

Мақсад битта: **баркамол авлод.** Ана шундай авлодгина юрт истиқболи учун қайғуради, зарур бўлганда жонини фидо қилади.

Оиладан бошланган **келажак** боғчага, мактабга ўтади. Сўнгра академик лицей ёки касб-ҳунар коллежларига. **Келажак**нинг давоми ишлаб чиқаришга, бир қисми эса олий таълим муассасаларига кўчади.

Баркамол авлодни ким вояга етказади? Бу жуда оддий ҳақиқат. Умумхалқ, умумдавлат орзусини рўёбга чиқаришга қодир ва масъул ўқитувчиларнинг жуда катта армиясига эгамиз. Агар республикамизда 6.742 та болалар боғчаси, 9661 умумтаълим мактаблари, 306 та янги турдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, 61 та олий ўқув юртлари мавжудлигини ҳисобга олсак, улардаги тарбиячилар, устоз-мураббийлар, профессор-ўқитувчилар сони жуда салмоқли эканлиги маълум бўлади. Улар ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни бажаришга ҳаракат қилишаяпти. Вазифалар эса шу қадар кўпки, барчасининг замирида **баркамол авлод** яратиш мақсади бор.

Аслида Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, инсоният билим ва тарбият вазифасини биринчи ўринга қўйган. Пайғамбаримизнинг Ҳадиси шарифларидаги таъкидни эсланг: **"Бешикдан то қабргача илм ўрган"**. Ўз даврининг закий педагоги Абдулла Авлоний "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида ёзадилар: "Ҳука-молардан бири: "Ҳар бир миллатнинг саодати, давлатларнинг тинч ва роҳати ёшларнинг яхши тарбиясига боғлиқдир", демиш". Авлоний домла бу фикрнинг мантиқий давоми сифатида шеърий мисра битганлар:

Ҳар кишининг дунёда
ороми жони тарбият.
Балки охирида эрур
доруломони тарбият.
Тарбият ҳамроҳ этадур
ҳур ила рузвонлара.
Гар десам бўлмас хато
жаннат макони тарбият.
Эй оталар! Жонларингиздан
сучук фарзандингиз.
Ғайрат айланг ўтмасун
вақт-замони тарбият.
Мояи зилли хумодур
тарбиятнинг сояси.
Бизда анқо тухмидек
ошёни тарбият.

Бинобарин, комил инсонни яратиш орзуси барча замонлар учун хос бўлган.

Қадимдан маълумки, кишилар ўз зурриётларини устод қўлига топширар эканлар, "Эти сизники, суяги бизники" деб қўйишган. Эт деганда улар тарбияни назарда тутишган, суяк сўзида эса ота-она томонидан фарзандининг бино қилинишига ишорат бор. Демак, устодга нисбатан қуллуқ қилиш, унга ҳурмат бажо келтириш бизда азал-азалдан мавжуд эди.

Хўш, бугунги кунда ҳам устодни ардоқлаш, унинг қадрини ошириш, хизматини тақдирлашга эътибор қандай? Давлат миқёсида оладиган бўлсак, ўқитувчи-мураббийларга нисбатан иззат-икромнинг ёрқин кўринишларига гувоҳмиз. Йил тақвимида уларнинг байрами торгина доирада эмас, балки умумхалқ миқёсидаги тантана сифатида нишонланиши Президентимизнинг махсус фармони билан мустаҳкамлаб қўйилди (1997 йил).

Ҳар йили уларнинг маълум қисми давлатимизнинг энг нуфузли орден ва нишонлари билан тақдирланишмоқда. Бу касб эгаларидан уч нафари энг юксак унвон — "Ўзбекистон Қаҳрамони"дир.

Қолаверса, уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, улар коммунал хизмат турларида, электр энергиясидан фойдаланганда имтиёзли тўловларга эгадир.

Туронзамин нафақат жаннатмакон юрт, балки минг-минг йиллик инкор этиб бўлмас қадриятларни ҳам ўзида мужассам этган Ватандир. Бу ердаги тарбиявий илдизлар ниҳоятда бақувват, уни ҳеч қандай куч йўқотиб ёки қўпориб ташлай олмайди. Авлодлардан авлодлар қонига ўтаётган анъаналар, урф-одатлар, расм-русм ва таомилларда ҳам аслида, устоз деган зотнинг буюк хизмати бор. Энг буюк устоз даражасида тан олинган имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Умар аз-Замаҳшарий, Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Яссавий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Кошифий... Бу рўйхатнинг адоғи йўқ.

Ehtirom

Табаррук сиймоларнинг аксарияти биз билан сиз тавалуд топган она заминда умргузаронлик қилишди... Улардан бизга қолган катта мерос бор. У ҳам бўлса, инсонни комиллик манзили сари ундовчи шоҳ ва мумтоз асарлардир. Шу нарса аёнки, алломалар, авлиёлар, мутафаккиру файласуфларнинг таълимотини ёшлар онгига сингдирувчи ҳам устод деган беназир зотдир.

...Илк бор мактаб остонасига ярим ҳадик, ярим қувонч билан ҳатлаб кирган мурғак қалбни кутиб олувчи, унинг вужудига ширин каломлари ила тафт берувчи муаллимим, сизнинг шаънингизга яна қандай ҳамду саноларни айтайин?

Шу сатрларни ёзаяпману, юрагим тубидан худди чашманинг милдираган кўзидан оқувчи оби-ҳаётдай бир шаффоф туйғулар руҳиятимни чулғаб олди. Ўйлаб қарасам, комиллик манзили ҳақида Сизчалик қайғурувчан, Сизчалик безовта, Сизчалик жонсарақ, Сизчалик фидойи зот йўқ экан! Шу боис Сиз ҳақингизда гап кетса, ҳар бир киши ҳурмат ифодаси сифатида нимадир айтишга чоғланади.

Сиз ҳар тонг болалар боғчаси деб аталган гўшага шошиласиз. Сизни минглаб мактабларда миллионлаб қора-кўзлар кутмоқда. Сизнинг дарсларингизга мунтазир янги авлоднинг жуда катта қисми янги турдаги таълим муассасаларидадир. Сиз мустақил ҳаётни бошлаган кўп сонли талабаларга нафақат илму маърифатдан, ҳаёт мактабидан ҳам сабоқ берувчи азиз ва мукаррам бир инсонсиз.

Эрта-индин сизнинг байрамингиз! Сиз ҳам ширин сўзга, эзгу тилакларга ташнасиз! Юрак тўридан чиқариб айтиладиган тилакларимизни жамлаб, шундай дегимиз келади: "Сиз шогирд қалбини ёритувчи, ҳаётига мазмун бағишловчи маёққа айланинг! Бу йўлда Сизга сабот-матонат ва омонлик ёр бўлсин!"

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

БОЛАЛАРИМИЗ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

Izhor

— Ойижон, нега бугун боғчага олиб бормаяпсиз? — сўраб қолди қизим Нилуфар.

— Бугун якшанба. Боғча опаларнинг дам оладиган куни, — деб тушунтирдим унга.

Катта қизим Феруза ҳам бот-бот шундай саволни бериб турарди. Шундан кейин ўйланиб қолдим...

Кунларнинг бирида эрта тонгда она боғчага боришни истамай, йиғлаётган ўғлига гоҳ ялиниб, гоҳо эса уришиб, тезроқ юр, ишга кеч қоляпман, деб боғча томон судрарди. Ўғил эса ерга ўтириб олди. Она жигарбандини даст кўтариб, боғча томон ошиқарди...

Ана шу воқеанинг гувоҳи бўлганим боис, дастлаб, тўғриси, фарзандларимни болалар боғчасига беришга чўчиган эдим.

1997 йили Ферузани Акмал Икромов туманидаги 411-болалар боғчасига жойлаштирдим. Феруза боғчага ўрганиб қолди. Болажон тарбиячилар қизим билан тезда "тил топишиб" олишди. Уйга келгач, боғчадаги ўртоқлари, боғча опаларининг кун давомида ўргатган ўйинлари, машғулотларини тўлиб-тошиб сўзлаб берарди:

— Ойи-чи, ойи, бугун бизага қўғирчоқ театри кўрсатишди... Бугун эса... ўзбекча рақс ўргандик.

Болалар гулшанида Ферузанинг тарбиячиси Зуҳра Аҳмедова ҳамда мусиқа раҳбари Нина Тамилина бошчилигида ўтказилган "Хайр боғча, салом мактаб!" эрталигида биз — ота-оналар иштирок этиб, фарзандларимизнинг санъаткорлардек рақсга тушиб, қўшиқ ижро этаётганликларини кўриб беҳад қувониб кетдик. Нуридийдаларни меҳр ила тарбиялаган боғча опалар кўзларида қувонч ёшлари билан болаларни мактаб қучоғига кузатиб қолдилар.

Тарбиячилар болаларни мактаб таълимига тайёрлаш билан бирга уларга хамир қоришдан тортиб, салат тайёрлашгача ўргатишди. Феруза 228-мактабнинг 1-синфига борганига ҳали кўп бўлмаса-да, ўқитувчисидан намунали хулқи ва аъло ўқигани учун раҳмат эшитяпмиз. Бунда, албатта, тарбиячиларнинг, айниқса Зуҳра опасининг муносиб ҳиссаси бор.

Кичик қизим Нилуфарга Наталья Градецкая ва Марита Григорьян таълим-тарбия бераётир. Ўн етти йилдирки, улар хушмуомалалик, бағри кенглик билан мурғак қалбларнинг кўнглига йўл топиб, комил инсон бўлиб вояга етишларида тинмай меҳнат қилмоқдалар. Болалар боғчасига борганимизда, улар доимо ранг-баранг, қизиқарли машғулот билан машғул эканликларининг гувоҳи бўламиз. Кичкинтойлар масканидаги тартиб-қоида, тарбиячиларнинг ижодкорлиги, изланувчанлиги, таълим-тарбиянинг намунали йўлга қўйилишида боғча мудираси Дилором Акромхўжаеванинг ҳам роли катта.

Фарзандларимиз болалар боғчасига жон деб бориб, хурсанд қайтаётганликларидан биз турмуш ўртоғим билан хотиржам ҳолда давлат ишларига бориб келмоқдамиз. Боғча опалардан беҳад миннатдормиз. Уларни 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни айёми билан дил-дилдан қутлайман. Болаларимиз бахтига ҳар доим соғ бўлиб, мустақил Ўзбекистонимизга маънавий пок, жисмонан соғлом авлодни вояга етказишда ҳеч қачон чарчашмасин!

Гавҳар ЗУФАРОВА
Акмал Икромов тумани

Бугуннинг ёшлари... Ҳавас қиласан уларга... Билим олиш ва касб-ҳунар эгаллашга қанчадан-қанча имкониятлар яратилмаяпти улар учун! Кутубхонага кириб, улар нафақат китоб варақлаши, балки бошқа қитъадаги институт ёки университетнинг нурхонаси билан боғланишлари мумкин. Шубҳасиз, бундай қулайликларга эга ёшлар Ўзбекистонни буюк давлатга айлантиришга ҳисса қўшадилар.

ХАДЯ

Savob

Савобнинг катта-кичиги, эрта-кечи бўлмайди. Инсоният ер юзида пайдо бўлибдики, савоб билан гуноҳ ёнма-ён юради. Яхшиликни ҳар куни ва ҳар доим қилишга улгурган инсонлар мудом ҳурматдадир.

... Ўшанда домла Шоислом Шомуҳаммедовнинг ўз шахсий кутубхонасидаги дурдоналардан бир қисмини институтга топшириш истагини эшитиб, айримлар ажабланишганди. Бу билан кутубхонасидаги китоблар камайиб қолишини домла жуда яхши англарди. Аммо улардан ўз вақтида фойдаланиб, ўзи учун керакли билимни олди. Кимлардир совға қилган ёки харид этган китоблардан энди минглаб талабаларнинг фойдаланиши домлага маъқул туюла бошлади. Ахир, бу — элга маърифат тарқатишнинг бир кўриниши.

Шундай қилиб, кутубхона ходимлари машина билан домланинг уйига отланишди ва у кишининг уйларидаги энг ноёб жавоҳирларни кўриб ҳайратда қолишди. Жаҳон адабиётининг асл нусхалари, қомусий ва илмий китоблар... Буларни бирма-бир варақлаб чиқишга домла қачон, қандай улгурди экан? Китоб жавонларига қараган кишининг кўзлари тиниб кетарди, эҳ-ҳе, бу ерда не бир китоблар бор эди...

Домла форс-тожик адабиётига дахлдор Низомий, Хисрав Деҳлавий, Жомий, Фирдавсий, Рудакий, шунингдек, Навоий, Бобур, Зебуннисо, Увайсий, Машраб ва шу каби мумтоз адабиёт вакилларининг асарларини жавондан саралаб-саралаб, ходимларга узатаверди.

Китобларни машинада икки марта олиб кетишларига тўғри келди. Кутубхона директори Марғуба Йўлдошева жами 600 номдаги 15 минг нусха шахсий кутубхона бойликларини нурхонага келтиргач, уларги қаерга жойлаштириш ташвишига тушди. Яхшиси, домла ҳадя қилган китобларни алоҳида бўлма сифатида очиб, "Шоислом Шомуҳаммедов кутубхонаси" деб номлаш керак.

Таклиф барчага маъқул тушди. Мана, шарқшунос олим, халқаро Фирдавсий мукофотининг лауреати, етук таржимон, закий ва камтарин инсон Шоислом Шомуҳаммедов кутубхонаси минглаб талабалар хизматида. Тошкент Давлат шарқшунослик институтида таҳсил олаётган талабалар бу ерда Шарқ адабиёти бўйича домланинг ўзидан дарс тинглайдилар, китоб мутолаа қиладилар.

Устозларнинг ибрати, савоб иши, ҳиммати ва хизмати ҳақида ёзмоқ, уларга қуллуқ қилмоқни байрам кунлари, айниқса, жоиз деб билдик.

Ҳ.ТЎЙМАНОВА

УСТОЗ-ШОГИРД АНҲАНАСИ



Қадимда хотин-қизларимиз зардўзлик, каштачилик билан машғул бўлган бўлсалар, ота-боболаримиз, эр-йигитларимиз устачилик, косибчилик, темирчилик, чилангарлик каби ҳунарлар билан шуғулланишган. Афсуски, ана шу миллий ҳунармандчилигимизни маълум даврларда йўқотишга минг бор уриниб кўрилди. Қуёш юзини булут қопласа-да, у барибир, ўз нурини оламга ҳадя этаверганидек, халқимизнинг қадимий ҳунарлари ҳам бугунги кунга келиб, қайта юзага чиқмоқда. Бир неча асрлардан буён сақланиб келган халқимизнинг бу нозик ва мураккаб ҳунарлари жаҳон аҳлини лол қолдириб келмоқда.

ТЎЙЧИ ПОЛВОН АВЛОДЛАРИ

Тўрақўрғонда Тўйчи полвон Сиддиқов номидаги миллий кураш мактаби бор. Республикада ягона ҳисобланган ушбу мактабдан сўнгги 7-8 йил ичида 35 нафардан зиёд республика чемпиони учирма қилинди. Эътиборлиси, уларнинг барчаси мамлакатимиз олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиниб, ўз маҳоратларини юксалтирдилар. Наманганнинг Тўрақўрғонини дунёга машҳур этган мазкур мактаб директори ўтган йили Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами арафасида "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвонига сазовор бўлган Неъматилла Тўйчиев билан танишувимиз Жиззахда ўтказилган "Баркамол авлод" спорт мусобақалари кунларида бўлиб ўтган эди. Ўшанда устоз мазкур спорт ўйинларида миллий кураш тури бўйича қатнашаётган Наманган терма жамоаси аъзоларининг деярли барчаси тўрақўрғонлик ёшлар эканлиги, шогирдлари 7 та вазн тоифаси бўйича мусобақага тушиб, уларда 6 нафар ўқувчиси ғолиб бўлганлигини мамнуният билан айтган эди.

Шунингдек, Неъматилла аканинг сўзларидан Тўрақўрғон миллий кураш мактабида айни кунда 20 нафардан зиёд мураббий фаолият кўрсатиши, Турон якка кураши бўйича 5 нафар, миллий кураш (катталар ўртасида) бўйича эса 7 нафар полвонлар Ўзбекистон терма жамоасида иштирок этишаётганлигини билиб олдик.

Домла шуни яна алоҳида таъкидлаган эдики, вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов вилоят кураш федерацияси президенти сифатида спортнинг ривожига, кураш билан шуғулланувчи наманганлик ёшларга жуда катта ғамхўрлик кўрсатиб, жумладан, қарийб 5,5 миллион сўмлик кураш учун махсус татами гиламини харид қилишда айрича жонбозлик кўрсатди.

Мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйи арафасида Тўйчи полвон Сиддиқовнинг яна бир авлоди — Тўрақўрғон агроиқтисодиёт коллежи жисмоний тарбия ўқитувчиси Қодиржон Тўйчиев "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси" унвонига сазовор бўлди. Қодиржон ака коллежда кураш тўгарагини ташкил этиб, унга 40 нафардан зиёд ёш йигитлар қатнашишмоқда.

Ким билсин, балки бугунги ана шундай коллеж талабасидан юртимиз довруғини оламга ёядиган машҳур спортчилар етишиб чиқар. Бутун тўрақўрғонликлар бунга астойдил ҳаракат қилишларига ишониб қоламиз.

Нурлан УСМОНОВ,
"Маърифат" мухбири

Кам таъминланган оила фарзандлари учун ҳомий ташкилот ва корхоналар томонидан 3590000 сўмлик ва ўқув қўлланмалари олиб берилди.

ВОҲАНИНГ ЧАҚНАЁТГАН ЮЛДУЗЛАРИ

Шаҳноза ХОЛМАТОВА 1990 йил 12 июлда тавваллуд топган. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Шаҳнозада ижодий фикрлаш кучли. Мустақил равишда иншолар, шеърлар ижод қилади. Унинг Шаҳрисабз шаҳар телевидениесида чиқишини эса нафақат кичкинтойлар, ҳатто катталар ҳам зўр қизиқиш билан томоша қилишади. Унинг истеъдодига қойил қолишади.

Шаҳнозанинг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, у она тилидан ташқари инглиз, рус тилларини ҳам мукаммал ўзлаштирган. Ҳозирда ёш истеъдодли шоира Шаҳрисабз туманидаги 102-ихтисослашган мактабнинг 7-синфида таҳсил олмоқда.

* * *

Гулҳаё ЭРГАШЕВА 1990 йил 25 майда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Истеъдодли бу қизалоқ ўз иқтидорини жуда эрта намоён этди. У мактабда аъло ўқиши, намунали интизоми ва жамоат ишларида фаоллиги билан доимо ўз тенгдошлари ўртасида ажралиб туради. Шу билан бирга Гулҳаё ижодкор ҳамдир. Унинг ёзган шеърлари тез-тез республика ва вилоят газета-журналларида чоп этилиб келинади. Бундан ташқари изланувчан қизалоқ бўш вақтларида Шаҳрисабз шаҳар телевидениесида ташкил этилган "Кичкинтой" кўрсатувининг бошловчиси бўлиб, у тайёрлаган кўрсатувларни бутун вилоят болалари интиқлик билан қарши олишади.

Гулҳаё Эргашева 2000 йилда давлатимизнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этган Зулфия номидаги олий мукофотига сазовор бўлди.

* * *

Шаҳбоз АҲАТОВ 1990 йилда Қарши шаҳрида туғилган. У ҳозирда 3-мактабнинг 4-синф ўқувчиси. Бўш вақтларида спортнинг каратэ тури бўйича шуғулланиб, икки карра Ўзбекистон чемпиони, бир карра Марказий Осиё чемпиони номига сазовор бўлган. 11 та олтин, 6 та кумуш, 2 бронза медали соҳиби.

* * *

Сардор МУРОДОВ Қарши шаҳридаги 34-мактабнинг 9-синф ўқувчиси. Иқтисодиёт, тарих, инглиз тили, математика фанларини қизиқиб ўқийди. Келажакдаги орзуси юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиш. Шу боис, ҳозирда кўпроқ ўқиб-ўрганишга бел боғлаган. Республика миқёсида ўтказилган "Иқтисодиёт сабоқлари" сиртқи мактаб танловида фахрли 1-ўринни эгаллаган.

* * *

Зулфия РАЖАБОВА 1985 йилда Қарши шаҳрида тавваллуд топган. 23-ўрта мактабнинг аълочи ўқувчиларидан. 11 ёшидан бошлаб шахмат бўйича ўтказиб келинаётган нуфузли мусобақаларда қатнашиб келади. Халқаро турнирларда Ўзбекистон терма жамоаси сафида дона суради.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМИ УЛКАН ИСТИҚБОЛЛИ МАСКАН ИҚБОЛИ

ҲАР БИР ЎҚУВЧИГА ДАРСЛИК

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув қўлланмалар билан таъминлашни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорини бажара бориб, Қарши туман ХТБ таълим муассасаларида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилди. Туман ҳокимининг "Туман умумий таълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тўғрисида"ги қарорига асосан кам таъминланган оила фарзандлари учун ҳомий ташкилот ва корхоналар томонидан 3590000 сўмлик дарслик ва ўқув қўлланмалари олиб берилди. Бу хайрли ишда "Ипак йўли" жамоа хўжалиги (раҳбари Султонов Ш.) 700000 сўм, С.Раҳимов номли жамоа хўжалиги (раҳбари С.Абдиев) 660000 сўм, Ю.Хушвақтов номли жамоа хўжалиги 600000 сўмлик дарсликлар олиб бериб, намуна кўрсатишди. Бундан ташқари А.Хоразмий, Машраб, Амир Темур номидаги мактаблар 150000 сўмлик бюджетдан ташқари топилган маблағ ҳисобидан кам таъминланган оила фарзандларига дарсликлар олиб беришди. Ушбу олинган ҳар бир дарслик ва ўқув қўлланмалар мактаб кутубхонаси жамғармасига кирим қилинди. Шунингдек, дарсликлардан авайлаб фойдаланиш, уларнинг умрини узайтириш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш имкониятларини яратиш мақсадида, аввалги йилларда нашр қилиниб фойдаланилган, бу йил ҳам қўлланишга тавсия этилган дарсликлар аниқ ҳисобга олиниб, уларни ўқувчилар ўртасида, ўзаро айирбошлаш, арзонлаштирилган нархларда сотиш ишлари ташкил этилди.

Эътиборлиси, Қори-Ниёзий номидаги мактабнинг 8-синф раҳбари Н.Бозоров ўз синфи ўқувчиларини ижтимоий меҳнатга жалб қилиб, топилган маблағ ҳисобидан ўқувчиларни тўлиқ дарсликлар билан таъминлашга эришди.

Туман халқ таълими бўлими ҳам 500000 сўм айланма маблағ топди ва шу маблағга дарсликлар сотиб олиниб, арзон нархларда ўқувчиларга сотилди.

Мактабларнинг кўпчилиги қишлоқ жойларда, туман шаҳар марказларидан узоқда жойлашганлиги сабабли, аҳоли зич жойлашган ҳудудларда 15 та дарслик ва ўқув қўлланмалари билан савдо қилувчи дўконлар ташкил этилди.

Ўйлаймизки, юқорида амалга оширилган ижобий ишлар ўз натижасини берди. Ҳозирги кунда туман ўқувчилари 80 фоиз дарслик ва ўқув қуроллари билан юз фоиз таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

С.НАСИМОВ,
ВХТБ кутубхона мутахассиси



Мамлакатимиз мустақиллиққа эришгач, аввало, барчамиз учун энг олий мақсад — ўз Ватанимизни куч-қудратли, тенглар ичра тенг, буюк келажакли давлатга айлантириш имконига эга бўлдик. Юртбошимизнинг истиқлолнинг илк йилларида ишонч билан айтган ушбу гаплари эзгулик сари юзланган йўлимизни қатъий белгилаб берган эди: "Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким, ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан, Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди ортга йўл йўқ. Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур".

Шу ниятда республикамизда барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар ва улар натижаси бўлмиш — янгиланишлар маъно-мазмунида маънавий покланиш, юксалиш ҳал қилувчи омил сифатида яққол кўзга ташланмоқда. Бу эса, нега таълим-тарбия соҳаси давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди, деган саволга амалий жавобдир.

Ҳозирги кунда фаолиятимизнинг асосий мезони ва йўлчи юлдузига айланган, Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бошчилигида ишлаб чиқилган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг иккинчи босқичи ижросига киришилди. Бу эса биринчи галда ушбу дастурнинг илк босқичида амалга оширилган ишларни бир сидра таҳлил қилиб олиб, галдаги вазифаларни янада ойдинлаштириб олишимизни талаб этар эди. Шу йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган республика ўқитувчиларининг биринчи конференцияси бу борада умумлаштирувчи, йўналтирувчи восита бўлиб хизмат қилди. Унда кўтарилган муаммолар, қўйилган вазифалар бевосита вилоятимизга ҳам тааллуқли эди.

Аввало мактабгача таълим тўғрисида гапирадиган бўлсак, вилоятимизда 1997 йилда мавжуд 344 та мактабгача таълим муассасаларига 28095 нафар, яъни шу ёшдаги болаларнинг 7,3 фоизи жалб этилган бўлса, бу кўрсаткич 2000 йилга келиб 12,1 фоизга кўтарилди. Бироқ бу рақамлар вилоятимизда ҳали таълимнинг бу турига бевосита жалб қилинмаган мактабгача ёшдаги болалар сонининг салмоқли эканлигини кўрсатиб турибди. Шу мақсадда болаларни мактабга тайёрлашнинг турли шаклларини жорий қилмоқдамиз. Жумладан, оилада қисқа муддатли гуруҳлар, якшанбалик мактаблари, саводхонлик марказлари мана шу кемтикликни тўлдиришга ҳисса қўшмоқда. ЮНИСЕФ дастури бўйича бу борада Деҳқонобод, Чироқчи туманларида тажриба-синов олиб борилмоқда.

Мактабгача таълим тури самарадорлигини янада оширишимиз ҳамда унинг қамровини кенгайтиришимиз учун вилоятдаги мавжуд, бироқ ҳозирда турли сабабларга кўра ёпиб қўйилган яна 13 та боғча фаолиятини таъмин этишимиз керак бўлади. Шунингдек, мудиралар таркибини олий маълумотли мутахассислар эвазига шакллантириш ҳам кун тартибидаги масалалардан бири.

Бугунги кунда умумий ўрта таълим муассасаларида 583934 ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Умумий ўрта таълим мактаблари шу даврда 20 тага кўпайиб, уларнинг сони 1078 тага, мактабдан ташқари муассасалар 2 тага кўпайиб, уларнинг сони 66 тага етди. Ўтган 3 ярим йил мобайнида мактабларнинг йўналишлари такомиллаштирилди. 7 та лицей, 3 та гимназия ташкил этилди. Вилоят мактаб ўқувчиларининг 25,4 фоизи чуқурлаштирилган дастур асосида ўқимоқдалар. Вилоят миқёсида 15 та тарих фанига ихтисослашган мактаблар ташкил этилди. Вилоят мактабларида 48493 нафар ўқитувчи ўқув-тарбия ишлари билан шуғулланадилар. Уларнинг 33376 нафари олий, 1310 нафари тўлиқсиз олий, 13870 нафари ўрта махсус маълумотлидир. Сўнгги тўрт йилда 4821 дан зиёд ёш педагоглар сафимизга келиб қўшилдилар.

Барча халқ таълими бўлимларида 95 та педагог синфлар ташкил этилиб, мазкур синфларда 2549 нафар ўқувчилар педагоглик касбига йўналтирилмоқда. Бу ҳол етишмаётган 732 нафар ўқитувчиларнинг ўрнини тўлдиришга кўмаклашади, деб ўйлаймиз.

Маълум бир таълим тури мазмуни билан боғлиқ ишлар натижаси асосан истеъмолчининг ундан кейинги таълим турига ўтганлигида яққол кўзга ташланади. Шу маънода кейинги йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан олиб борилаётган таҳлиллар республикамиз вилоятларининг таълим соҳасидаги ўрнини белгилаб бермоқда. ДТМнинг 2000 йилги хулосасига кўра, бизнинг вилоятимиз ўқувчиларининг билим самарадорлиги бўйича республикада 5-ўринга қадар кўтарилди. Абитуриентларнинг ўқув юртларига ҳужжат топшириши жиҳатидан вилоят иккинчи ўринда туради.

ДТМнинг таҳлилига кўра вилоят мактаб ўқувчиларининг билим самарадорлиги она тили ва адабиёти, математика, физика,

Yangi turdagi ta'lim maskanlarida

Чироқчи тумани марказида жойлашган академик Т.А.Саримсоқов номли лицей-интернати остонасини ҳатлаб ўтарканмиз, кейинги икки йилда мактабда жуда катта ижобий ишлар амалга оширилганлигининг гувоҳи бўлдик. Заллар, барча фан хоналари қайта жиҳозланган бўлиб, илм масканида компьютер ва тил ўрганиш хоналари, шунингдек, қатор фанлар бўйича амалиёт хоналари ташкил этилибди.

— Туманимиздаги узоқ қишлоқлардан келган иқтидорли болаларнинг кўпчилиги ушбу даргоҳда ўқишади, — дейди лицей-интернат директори Рузиқул ака Сафаров, — Бу йил математика, химия, биология ва тиббиёт йўналишлари бўйича 4 та синфда 88 нафар бола қабул қилдик. Сизга айтсам, Чироқчида иқтидорли болалар жуда кўп. Бу қуйидаги кўрсаткичларда ҳам намоён. 1999 йилги битирувчиларимизнинг 80 фоизи, 2000 йилги битирувчиларимизнинг 81 фоизи айни кунда республикамизнинг турли олий ўқув юртларида таҳсил олишмоқда.

Ҳозирда илм масканида 36 нафар устоз-муаллим бир мақсад, яъни келажакда комил, Ватанга содиқ, баркамол авлодни тарбиялаш йўлида тинимсиз изланишда. Яқинда оммавий ҳашар йўли билан узоқдан қатнайдиган болалар учун 60 ўринли ётоқхона ташкил этиб, жиҳозладик. Ётоқхонада яшовчи болалар учун керакли шарт-шароитлар яратилди. Улар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 3 маҳал иссиқ овқат ташкил этилди.

Янги ўқув йилидан бошлаб илм масканимизда 210 нафар иқтидорли ўқувчилар таълим-тарбия олишади. Уларни ўқитишнинг ўзига хос оғир томонларидан бири шундаки, бундай ўқувчиларга билимли ва тажрибали муаллимлар сабоқ бериши керак. Шу боис илм масканларида ишлаётган муаллимларнинг ўзлари ҳам тинимсиз ўрганишлари талаб қилинади. Худди шунинг учун ҳам илм масканида муаллимларнинг ўқуви, уларнинг ўз устида мустақил ишлаши аниқ режалар асосида йўлга қўйилган. Бу йўлда мактабнинг услубий ва илмий бирлашмалари фаол иш олиб боради.

Академик Т.А.Саримсоқов номидаги лицей-интернатда тарбиявий ишларга бош масала сифатида қаралаётганлигидан хурсанд бўлдик.

Илм учоғида ёшларимизни шу азиз Ватанимизга содиқ фарзандлар қилиб тарбиялашда турли тарбиявий усуллардан фойдаланиляпти.

— Ўтган ўқув йилида "Мустақиллик — менинг тақдиримда", "Она тилим — доно тилим", "Қомусим — бахтим", "Ватанимни ҳимоя қиламан", "Наврўз ўйинлари", "Алла айтинг, онажон", "Темурий шаҳзодалар", "Қашқадарё табиати" каби мавзуларда кўриктанлов ва баҳслар, шунингдек, боболаримиз Алишер Навоий, Бобур ҳамда замонамизнинг таниқли кишилари ижодларига бағишланган адабиёт кечаларини ўтказдик, — дейди лицей интернат директорининг маънавият ишлари бўйича муовини Сайёрахон Файзуллаева.

Ўтган ўқув йилида илм масканининг ўқувчилари "Табиат инъомлари" анжуманида Чироқчи туманида 1-ўринни, Қашқадарё вилоятида эса 2-ўринни эгалладилар. "Тумарис ўйинлари" мусобақасининг вилоят бос-қичида эса лицей-интернатнинг уч нафар ўқувчи қизларининг фаол иштирок этиши ва юқори кўрсаткичларга эришиши ҳам илм масканида оммавий, тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

— Янги ўқув йилида ранг-баранг тарбиявий мавзуларда танловлар ўтказишни режалаштиряпмиз, — дейди Сайёрахон Сайфуллаева. — Бизнингча, уларнинг ноанъанавий тарзда бўлгани маъқулдир. Режалаштирган "Чироқчимни алишмайман оламга!" деб номланувчи баҳс танловимизни олиб қарасак, унда туман тарихи, фидойи инсонлари, истиқлол муносабати билан туманда амалга оширилаётган ижобий ишлар, туман табиати хусусида баҳс кетади...

Абдували ОБИДДИН

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА

ИМКОНИЯТ

кимё, тарих ва немис тилидан юқори бўлгани ҳолда биология, география, инглиз тили ва француз тилидан пастдир. Албатта, бу хулосалар вилоятимиз мактабларида таълим мазмуни, ўқитилиши ва кадрлар масаласини ўйлаб кўришимизни тақозо этади.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мос тарзда шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизимида умумий ўрта таълим тури ўрни ва аҳамияти катта. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 1999 йилда тасдиқланган умумий ўрта таълим давлат таълим стандартлари таълим мазмунига аниқлик киритишда ҳамда унинг турлари ўртасидаги узвийликни таъмин этишга асос бўлди. Бугунги кунда вилоятдаги барча ўқитувчилар қайси синфда дарс беришидан қатъи назар ДТС ва ўқув дастурини ўрганиб олган. Шунингдек, бу борада ота-оналар университетлари ташкил этилиб, уларда очиқ машғулотлар ўтказилди. Уларда ота-оналар ДТС талаблари билан таништирилди.

Янги педагогик ва ахборот технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этишга вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти 1992 йилданоқ киришган эди. 1997 йилда Ғузор туманида, 1998 йилда Касби, 1999 йилда Китоб, 2000 йилда Қарши ва Чироқчи туманларида таълимда янги педагогик ва ахборот технологиялари қўлланишига бағишланган анжуманлар ўтказилди.

Институтнинг кафедра тизимида фаолият юрита бошлагани унинг илмий потенциалини янада яхшилади. Ҳозирги кунда малака ошириш курсларида 6 нафар фан доктори, 18 нафар фан номзоди илмий даражасига эга бўлган олимлар машғулотлар олиб бормоқдалар.

Методика хонаси методистлари ва институт олимлари ҳамкорлигида Шаҳрисабз туманида 16 та, Қарши шаҳрида 11 та, Ғузор туманида 10 та, Касби, Косон туманида 8 та, Китоб туманида 9 та, Чироқчи, Қамаши туманида 7 та Нишон, Қарши туманларида 6 тадан, жами 100 га яқин методик тавсиялар яратилди ва кўпайтирилиб, фан ўқитувчиларига етказилди.

Таълимга чет эл сармояларини киритиш ҳамда халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ўтган йиллар давомида "ТАССИС" дастури асосида грантлар ютиб олинди. Вилоят халқ таълими бошқармаси, Шаҳрисабз халқ таълими бўлими, 32-100-мактабларга бепул замонавий компьютерлар берилиб, интернет тизимига уланди.

Осиё ривожланиш банки ва ВПХМОИ малака ошириш тизимини такомиллаштириш дастури асосида ишламоқда. Шу мақсадлар учун минитипография, кўпайтиргич аппаратлари, компьютерлар ажратилди.

АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти томонидан инглиз тили, тарих ва ҳуқуқ фанлари ўқитувчиларининг танлови ўтказилмоқда. Ҳозирга қадар ушбу танловда ғолиб чиққан 4 нафар инглиз тили ўқитувчиларининг мактаблари 2 минг АҚШ доллари қийматига эга бўлган ўқув жиҳозлари билан тақдирландилар.

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да белгиланган 1-босқичдаги вазифалар деярли амалга оширилган бўлса-да, таълим муассасаларининг молия-вий-моддий шароитларини яратиш, педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни таъминлаш ҳамда кадрлар малакасини ошириш жараёнини замон талабларига жавоб берадиган даражага кўтаришдек доимий эътибор талаб қиладиган жиҳатларни янада ривожлантиришга интилишимиз керак бўлади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг вилоятимизга ташрифи, айниқса, таълим муассасалари аҳволи билан танишгани ўқитувчию мураббийларимизни қувонтирди. Улар, аввало, ўзларига ва фаолият юритаётган қутлуғ даргоҳларига ҳукуматимизнинг, шахсан Юртбошимизнинг эътибор ва эҳтиромини яқиндан ҳис этишди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Президентимизнинг таълим муассасаларига ташрифи ва билдирган таклиф ва тавсияларига таянган ҳолда қарор қабул қилди. Унда вилоятдаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-моддий базасини такомиллаштириш бўйича вилоят ҳокимлигининг ҳаракат дастури қабул қилинди. Асосан авария ҳолатидаги ҳамда қурилиши тугалланмай қолиб кетган мактаблар биноларини тугаллаш ва уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш масаласи аниқ муддат ва масъуллар билан киритилган ушбу дастур ҳозирда олдимиздаги вазифаларни бир қадар ойдинлаштирди.

Ўқув-моддий базани яхшилаш мақсадида 2001 йилда қаттиқ мебель, жиҳозлар сотиб олиш учун бюджетдан 453 млн. сўм, таълим муассасаларини ялпи таъмирлаш учун эса 315 млн. сўм маблағ ажратилди. Авария ҳолатидаги мактабларни 2003 йилгача тўла қайта қуриш, зилзиладан зарар кўрган мактабларни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари ҳам асосан 2001-2002 йилларда амалга оширилади.

Ҳар бир ҳудуднинг иқтисодий аҳволи ўша жойда қолган барча соҳа ва йўналишлар аҳволини белгилаганидек, таълим-тарбия, илмий салоҳият ҳам бу ўринда белгиловчи аҳамиятга эга. Шу боис биз — таълим-тарбия соҳаси ходимлари зиммасида ҳам улкан масъулият бор. Буни сезган ҳолда, ҳар бир қилаётган эзгу ишимиз оқибатда вилоятимиз, республикамиз нуфузини ҳар томонлама оширишга ҳисса бўлажагини унутмасдан фидойиларча меҳнат қилиш бурчимизга айланиб қолади.

Раҳматилла МУСУРМОНОВ,
Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи

Maktabdan tashqari ta'lim

ҲАММА МАСКАНЛАРДА БОЛАЛАР ГАВЖУМ

Ғузор туманида мактабдан ташқари таълим тарбия ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда болалар тарбиясига, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Туманда фаолият кўрсатаётган болалар техник ижодиёти марказида 17 турда 136 та тўгарак фаолият юритмоқда. Бу тўгаракларда 1377 нафар ўқувчи ўз вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар. Болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази эса 11 турда 92 та тўгарак 927 нафар болани ўз бағрига олган. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳам доимо ўқувчи-болалар билан гавжум бўлади. Чунки мактабда 5 та спорт тури бўйича 55 та тўгарак мунтазам фаолият кўрсатади ва 855 нафар ўқувчи бу тўгаракларнинг доимий аъзоларидир.

— Бу масканлардан ташқари туман мактабларининг барчасида 521 та фан, 395 та турли йўналишдаги тўгараклар ташкил этилган. Бу тўгаракларга 25042 нафар ўқувчи жалб қилинган, -деди, биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудири Х.Нуриддинов. Шуниси қувончлики, болалар ўртасида ўтказилаётган ҳар бир мусобақа, кўрик-танловлар бесамар кетмаяпти. Май ойида ўтказилган "Олимпиада умидлари" спорт мусобақасининг вилоят босқичида ғолиб чиққан туманимиздаги Беруний номли 18-ўрта мактаб (директори Улаш Қораев) ўқувчилари республика босқичига Жиззах, Андижон, Хоразм, Сурхондарё вилоятлари вакилларини мағлубиятга учратиб ғолибликни қўлга киритишди.

Тумандаги 25 та мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ўртасида "Соғломжон-полвонжон", "Болажонлар стартга" мусобақаларининг ўтказилишида ота-оналарнинг иштирок этиши мусобақаларнинг оммавийлигини таъминламоқда.

Туманда мактаб ўқувчилари ўртасида "Яшил чироқ" мусобақасининг ўтказиб борилиши анъанага айланиб қолган. Бу мусобақаларнинг вилоят ҳамда республика босқичларида мактабларимиз ўқувчилари фаол иштирок этишмоқда. Мазкур мактабларда йўл-ҳаракати қоидаларини ўргатилишига жиддий эътибор қаратилган. Замон талабларига жавоб берадиган йўл-ҳаракати хавфсизлиги хоналари ташкил этилган.

Ҳар бир бола бир ирмоқ. Унинг ўз ўзанини топиб олиши, йўл солиб катта дарё ва денгизларга қўшилиши учун биз катталар ёрдам беришимиз керак.

Шарифа МУРОДЖОН қизи

ВОҲАНИНГ ЧАҚНАЁТГАН ЮЛДУЗЛАРИ

Бобур АЛИҚУЛОВ 1985 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Шарқ якка кураши бўлган каратэ машғулотларида 1998 йилдан буён иштирок этмоқда. Бир неча марта вилоят, шаҳар биринчиликлари ғолиби. 2000 йил Қарши, Тошкент, Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган республика биринчиликларида барча рақибларини мағлуб эта олган. Андижон шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирда эса фахрли 3-ўринга лойиқ топилиб, бронза медали совриндори бўлган бўлса, 2001 йил ёз фаслида ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида 1-ўринни эгаллашга муваффақ бўлган.1-ДАН, қора белбоғ соҳиби.

* * *

Насиба ҲАСАНОВА 1986 йилда туғилган. Спортнинг каратэ тури билан 1998 йилдан буён мунтазам шуғулланиб боради. У 1999 ҳамда 2000 йилларда ўтказилган халқаро турнирларда қизлар ўртасидаги баҳсларда қатнашиб 1-ўринни, 2000 йил март ойида бўлиб ўтган республика чемпионатида 1-ўринни қўлга киритган. Яшил белбоғ соҳибаси.

* * *

Жаҳонгир ФАЙЗИЕВ 1993 йилда Қарши шаҳрида туғилган. Айни пайтда 9-ўрта мактабнинг 3-синфида ўқийди. Спортга бўлган қизиқиши боис 5 ёшидан бошлаб Қарши шаҳридаги спорт комплексида спортнинг каратэ тури билан шуғулланиб келади. 1998 йилдан буён вилоят, республика ҳамда халқаро майдонларда ўтказиб келинаётган спортнинг мазкур тури бўйича мусобақалар иштирокчиси. Ҳозирда жами 9 та олтин, 2 та бронза медаллари соҳиби.

* * *

Жавлон МАҲМУДОВ Қарши шаҳридаги 1-гимназиянинг 7-синфида ўқийди. 7 ёшдан бошлаб спортнинг каратэ тури билан шуғулланади. Нуфузли мусобақаларда биринчи маротаба 1998 йили каратэ бўйича Қарши шаҳрида ўтган Ўзбекистон чемпионатида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллаган. 2000 йилда эса мазкур спорт туридан Венгрияда ўтказилган халқаро мусобақада кумуш медали совриндори бўлган.

* * *

Аббос БЎРИЕВ Қарши шаҳридаги 35-мактабнинг 7-синф ўқувчиси. Спортга бўлган қизиқиши уни спортнинг оммавийлашиб бораётган каратэ тури билан шуғулланишга ундади. Албатта, бунинг натижаси ўлароқ, ёш спортчи турли нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. "Осиё — 2000 йил" чемпиони.

«ЭРТАК»НИНГ ЭРКАТОЙЛАРИ

Муборак туманидаги "Эртак" болалар боғчаси мустақиллигимизнинг илк гунчаларидан биридир. Болалар гулшанидаги 6 та гуруҳда 113 нафар жажжи ўғил-қиз таълим-тарбия олаяпти. Ширинтойларнинг маънан пок ва жисмонан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шароит яратилган. Дилбандларнинг соғлиқларини мустаҳкамлаш, чиниқтириш тадбирлари намунали ташкил этилган. Улар билан "Денгиз суви" муолажаси қўлланилаяпти. 4-6 яшар болажонлар юқори нафас йўллари шамоллашининг олдини олиш мақсадида нуқтавий уқалашни мустақил бажараяптилар. Шунингдек, болалардаги ясситовонликнинг олдини олиш учун профилактика тадбирлари ташкил этилгани туфайли (тошли гиламча, нотекис тахтачалардан фойдаланиб) ясситовонлик 1998 йилда 24 боладан 2001 йилда 18 нафарга камайган.

Физиотерапия хонасида, УВЧ, электрофарез, дерсенвал сингари муолажа асбоблари болалардаги сурункали касалликларни даволашда катта ёрдам бераётир. Ҳар бир дардни даволашдан кўра, унинг олдини олган маъқул. Шу боис боғчада тиш даволаш хонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мавжуд фитобарда доривор гиёҳлардан шифобахш дамламалар тайёрланиб, нуридийдаларга берилаётир.

— Муассасамизда тиббий муолажа хонаси ташкил этилган, — деди болалар боғчаси мудираси, "Дўстлик" ордени совриндори Гулсум Содиқова. — У болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг боғчага ўрганиш вақтини қисқартириш ва бу даврда бола онаси билан 4-5 соат давомида бирга бўлиши, боланинг ҳаяжонланиш ҳолатидан ўйин ҳолатига ўтишида ёрдам бермоқда. Ёқимли куй, севимли ўйинчоқлар ёрдамида бола дам олади, онаси билан мулоқотда бўлади.

Муассасамизда соғломлаштириш ва чиниқтириш тадбирлари намунали ташкиллаштирилгани учун "Соғлом авлод учун" вилоят кўрик-танловида иккинчи бор I-ўринни эгаллашга муваффақ бўлдик.

Масканда мурғак қалбларни маънан ва жисмонан соғлом ривожлантириш учун спортга оид анжомлар билан жиҳозланган спорт зали мавжуд. Жисмоний тарбия раҳбари Зулфия Ҳусаинова машғулотларда болаларнинг қадди-қоматига, тўғри ривожланишга алоҳида аҳамият беради. Шунингдек, гуруҳларда ҳам қўшимча жисмоний тарбия машғулотлари учун жиҳозлар ўрнатилган. Ҳовлидаги спорт майдончаси болажонлар хизматида.

Болалар боғчасида ёш авлодга миллий қадриятларимизни ўргатиш, халқимиз тарихи, урф-одатлари билан яқиндан таништириш мақсадида миллий бурчак ташкил этилган.

Болаларга ўйин орқали ахлоқли, ажойиб хислат, юксак фазилат эгаси бўлишга, Ватанни, халқини севиш, эъзозлаш ўргатилади. Кичкинтойларнинг мустақил фаолиятлари учун саҳна қурилган. Саҳналаштирилган ўйинлар, халқ қўшиқлари, рақслар орқали болаларда эстетик дид шакллантирилади.

Мухбиримиз

ТАБРИКЛАР!

Қадрли устозлар! Ҳурматли ҳамкасблар!

Сизларни мамлакатимизнинг умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан қутлаймиз.

Ҳукуматимизнинг юксак эътибори ва Сизнинг фидокорона меҳнатингиз туфайли республикамиз таълим тизимидаги, хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими соҳасидаги ислоҳотлар улкан самаралар бериши, шубҳасиз.

Барча устоз ва мураббийларга, ҳамкасбларимизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, Ватанимиз равнақи йўлидаги фидокорона меҳнатларига зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.

Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси



ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида жойлашган Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқ хўжалиги соҳаларига мутахассис кадрлар тайёрлаб келаётган замонавий илм масканларидан биридир. Айни кунда бу ерда молия, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортиш, банк иши ва ҳуқуқшунослик йўналишларида йигит-қизлар касб-ҳунар эгаллашмоқда.

Мазкур саҳифада коллеж жамоасининг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади.

Мамлакатимизда мустақил ривожланиш ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш йўлининг танланиши таълим тизими олдига республикамиз фуқароларида янгича иқтисодий қарашларни шакллантириш вазифасини қўйди. Айни кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидан шу нарса яққол намоён бўлмоқдаки, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирмасдан туриб, тўкин ва фаровон ҳаёт кечириш мумкин эмас.

Бугунги кунда ўқувчи-ёшларга иқтисодий билимлар бериш баробарида уларда кичик ва ўрта бизнес ҳақидаги кўникмаларни такомиллаштиришимиз зарур. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, иқтисодий фанларга динамик нуқтаи назардан ёндашиш керак. Ҳозирги пайтда иқтисодий фанларни ўқитишнинг аксарият ҳолларида иқтисодий ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида ахборот берилганда, уларнинг таърифи ва хусусиятларини очиб бериш билангина чекланиб қолиш ҳоллари учрамоқда. Аслида эса назарий билимларни ҳаётнинг иқтисодий моделлари орқали тадқиқ этишга ўргатиш лозим.

Иккинчидан, мавзуларнинг ёритилишида улар ҳаётий мисоллар билан бойитилиб, назариянинг амалдаги татбиқини кўрсатишга эришиш даркор.

Учинчидан, мавзуларнинг моҳиятини очиб беришда қўлланилувчи статистик маълумотлар сифатида имкон қадар мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳақиқий маълумотларидан фойдаланиш зарур. Чунки, айнан шу тадбир орқали биз ўқувчиларга мамлакатимизда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар тўғрисида тўлароқ тасаввур бериш имкониятига эга бўламиз.

Тўртинчидан, ўқитувчиларимиз ўқитишнинг фаол шаклларини ривожлантириши, уларнинг ўқувчиларга ижодий ёндашувларини кучайтириш, оммавий ахборот воситалари, информацион технологиялар, интернет билан ишлаш қобилиятларини шакллантириш муҳимдир. Имкон қадар мавзунинг моҳияти, талабалар қобилияти, сони ва бошқа шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда оддий маъруза, муаммоли маъруза, мулоқотли маъруза, давра суҳбати, қизиқарли ишбилармонлик, мусобақа ўйинлари асосидаги дарс машғулоти кўринишида билим беришни ташкил этиш самарали бўлади.

Бешинчидан, фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш соҳаси мутахассислари иштирокида доимий илмий-амалий, услубий семинарлар ташкил этиб турган маъқул.

Шунингдек, иқтисодиёт соҳасидаги етук хорижий адабиётларни ўзбек тилига таржима қилишга зудлик билан киришиш керак. Жумладан, 1960 йилдан шу даврга ча 11 марта қайта-қайта нашр этилган, Европа, Америка, Осиё давлатлари илм масканларида фойдаланиб келинаётган, республикамиз савдо дўконларида бир неча йиллардан бери фақат рус тилидаги нашри сотиб келинаётган К.Р.Макконелл ва С.П.Брю муаллифлигидаги "Экономикс" китобининг ўзбек тилида нашр этилиши ўқитувчи ва талабаларимиз учун айни муддао бўлар эди.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида бўлғуси мутахассисларга иқтисодий билим ва кўникмалар бериш самарасини ошириш борасидаги барча илмий, услубий йўналишдаги саъй-ҳаракатларимиз мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасининг янада юксалишига, мустақиллигимизнинг келажакда янада барқарор бўлишига қўшган ўзига хос ҳисса бўлади.

Улуғбек ИНОЯТОВ,
Тошкент молия ва иқтисодиёт коллежи директори

ТАҲЛИЛ СИФАТНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Маълумки, ўқув жараёни кенг қамровли бўғин бўлиб, у таълим ва тарбиянинг мутаносиб ҳолда олиб борилишини тақозо этади. Уни намунали ташкил қилишда, аввало, ўқув муассасасининг ташкилий тузилмаси қанчалик мукаммал бўлиши, тузилма таркибининг мақсад ва вазифалари аниқ белгиланганлиги муҳимдир.

Ўқув жараёни сифатининг юқори бўлишида ЎМКҲТ Марказ томонидан ишлаб чиқилган Низомга биноан амалга киритилган ва яхши самара бериб келаётган кафедралар ҳамда факультетлар фаолияти ҳам аҳамиятлидир. Улар ўқув юрти нуфузини оширибгина қолмай, ўрта махсус ва олий таълим ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга ҳам ёрдам беради. Ўрта махсус таълим муассасаларининг педагогик салоҳияти, илмий-услубий имкониятларини юзага чиқаришда кафедралар хизмати, улар фаолиятини уйғунлаштириш, ўқув жараёнини намунали ташкил қилишда эса факультетлар ўрни каттадир. Айниқса, дарс машғулотлари, ўқув амалиёти, ишлаб чиқариш таълими ва диплом ишлари (давлат аттестациялари)нинг бир-бири билан узвий боғлиқлигини таъминлаш каби вазифаларни кафедра ва факультетлар иштирокисиз бекаму кўст амалга ошириш қийин.

Янги турдаги ўқув муассасалари нафақат ўзларининг замонавий информацион ва педагогик технологиялар билан жиҳозланиши, педагог-ўқитувчилар савиясининг юқорилиги билан, балки тайёрланаётган мутахассисларнинг меҳнат бозорида ўз ўрнини аниқ топиши билан ҳам ўзига хосдир. Хусусан, собиқ ўрта махсус ўқув юртларидан фарқли ўлароқ, янги турдаги ўқув муассасаларида ихтисосликларнинг аниқ йўналтирилганлиги, бўлажак мутахассисларнинг бир вақтнинг ўзида 5 тагача бир-бирига яқин соҳаларни эгаллай олиш имконияти кадрларни меҳнат бозори талабларидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётларининг келгусида мутахассис фаолият кўрсатиши кўзда тутилган корхоналарда ўтиши берилаётган билимлар ва касбий кўникмаларнинг сифат даражасини оширади.

Таълим ахборот ва таҳлилни тақозо этиши аниқ. Бу борада коллеж ва академик лицейларда ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими жорий этилгач, берилаётган билим ҳамда касбий кўникмаларнинг сифат кўрсаткичларини тезкор ва аниқ ўрганиб чиқиш ҳамда таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлди ва ундан барча ўқитувчиларимиз самарали фойдаланишмоқда.

Бахтиёр РАҲМАТОВ,
ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари

МУҚАДДАС ҚЎРҒОН МАЛИКАЛАРИ

Шарқда оила қадимдан муқаддас қўрғон ҳисобланган. Хусусан, ўзбек оилаларининг серилдизлилик хусусияти қадим-қадимдан ва ҳозир ҳам бошқа миллат кишиларида ҳам ҳайрат, ҳам ҳурмат ҳиссини уйғотиб келаяпти. Ушбу қўрғоннинг бекаму кўст соҳибаси, соғ-лом авлод яратувчиси — оналардир.

Қуръони Каримда, ҳадисларда аёл-Онани улуғлаш кераклиги ҳақида кўплаб ибратли кўрсатмалар бор. Дунёга янги келган фарзанд учун оила тарбия маскани бўлса, она шу тарбия маскани, шу муқаддас даргоҳнинг маънавий-ахлоқий муҳитини яратувчи мўътабар зотдир.

Аёл сўзининг маъносига назар ташласак ҳам бу сўз "оила" калимаси билан ўзакдош эканлигига гувоҳ бўламиз. Коллежимизда ҳам айнан шу масала, яъни АЁЛ, ОИЛА ва унинг ҳаётимизда тутган ўрни, бўлажак уй бекалари, оила соҳибларини ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш масаласи доимо диққат-эътибордадир. "Нафосат" қизлар клуби фаол ишлаб турибди. Оналар ва болалар йилига бағишлаб бир қанча тадбирлар ўтказилди. Мисол тариқасида "Она меҳр булоғи, фарзанд ҳаёт чироғи" мавзусидаги семинарни, "Коллеж маликаси", "Ҳаётга тайёрмисан, қизгина?" кўрик-танловлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Рихсия ҲАСАНОВА,
махсус фан ўқитувчиси,
коллеж хотин-қизлар қўмитаси раисаси

МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИ

Коллежимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгига Ватан туйғусини сингдириш ва билимларини мунтазам равишда бойитиб бориш мақсадида турли хил мавзу ва йўналишлардаги маънавий ва маърифий ишлар кенг кўламда олиб борилмоқда. Мустақиллик ва Билимлар кунига бағишлаб ўқув йили бошланиши билан алоҳида тадбирлар ўтказилди. Шу байрам муносабати билан коллежимиз талабалари сафига янги ўқувчилар, яъни 1-курс талабаларини тантанали равишда қабул қилиш маросимлари ҳам анъанавий тус олган бўлиб, бунда талабалар ўзларининг янги ўқув юрти, устозлари ва шу ўқув юртидаги тенгдошлари билан танишиш шарафига мушарраф бўладилар. Шу куни улар коллеж маъмурияти ва ота-оналари олдида қасамёд қиладилар.

Ўқув йилининг биринчи куни талабаларимиз мустақиллигимиз ва мустақиллик йиллари мамлакатимиз тараққиёти йўлида олиб борилган буюк ишлар, олдимизда турган муаммолар ҳақида баҳс юритиб, турли мавзу ва йўналишлардаги мустақиллик дарсларини тинглайдилар.

Мустақиллик дарсларидан ташқари ҳар хил сиёсий мавзулар асосида ўтказиб келинаётган махсус курсларни ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу талабаларимизнинг доимий огоҳ бўлиши ва мунтазам равишда атрофимизда бўлиб ўтаётган сиёсий ўзгаришлар билан танишиб боришлари учун имконият яратмоқда.

Талабаларнинг бўш вақтлари ота-оналар билан биргаликда доимий назорат қилиб борилиши эътиборлидир. Коллеж ота-оналар Кенгаши ўз фаолияти билан таълим-тарбия жараёнида коллеж маъмуриятига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Коллеж талабалари ҳаётида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг коллеждаги шохобчаси — "Ишонч" бўлими ташкил этилишининг ҳам аҳамияти беқиёс дўлди.

Шунингдек, талабаларимизнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун коллежимизда спорт тўгараклари доимий фаолият кўрсатиб келмоқда. Анъанага айланиб қолган, спортнинг 28 турида ўтказиладиган коллеж спартакиадаси ҳам диққатга сазовор тадбирлардандир. Коллеж талабалари ва мураббийларини керакли ахборотлар билан таъминлаш ва уларнинг танаффус вақтида мароқли дам олишини ташкил этиш учун "Коллеж тароналари" радиоси фаолиятини алоҳида айтиб ўтиш жоиз.

Абдуқаюм ХУШВАҚТОВ,
маънавият ва маърифат ишлари бўйича директорнинг биринчи ўринбосари

Ўзбек фарзандларининг қобилият ва зеҳн-заковат борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.

ИЖОДИЙ ИЗЛАНИШЛАР ДАВРИ

Мустақиллик йилларида рўй бераётган ислоҳотлар жараёнида Қўқон шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли таълим муассасаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Шаҳар халқ таълими бўлими мудираси Маҳфуза РАҲИМОВА бизга ҳудуддаги бугунги таълим жараёни хусусида сўзлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси ўзи танлаган мустақиллик йўлидан дадил қадам ташлаб бормоқда. Айнан, шунинг учун ҳам маънавий ва маърифий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонларни тарбиялаш, таълим-тарбияни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодларни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шаҳар халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумий ўрта таълим мактабларида буни тўғри англаган ҳолда иш олиб боришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"га мувофиқ умумтаълим мактабларининг ўқитилиш дастурларини ислоҳ қилиш, тўққиз йиллик умумий ўрта таълимнинг сифат жиҳатдан янги тизимини яратиш, унинг ўрта махсус таълим билан давомийлигини ва узвий боғлиқлигини таъминлаш мақсадида ва Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарорига асосан "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик "Ташхис маркази" ўз ишини давом эттирмоқда.

Марказ мутахассислари болаларни мактабларга қабул қилиш чоғида ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчиларни назоратга олиб, тиббий ёрдам бермоқдалар. Нуқсонли болалар ҳозирги кунда 4, 5, 9-сонли мактаб-интернатларда таълим олмоқдалар. "Ташхис маркази" орқали ўқувчиларнинг қизиқишларини, қобилиятларини аниқлаш мақсадида "Қизиқишлар харитаси" методикаси бўйича тест синовлари ўтказилди. Натижада 5642 нафар ўқувчи аниқ фанларга, 4517 нафар ўқувчи ижтимоий фанларга қизиқиши аниқланди.

1997-2001 ўқув йиллар давомида 2760 нафар мактаб, мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, фан ўқитувчилари, боғча тарбиячилари республика ва вилоят малака ошириш институтларида қайта тайёрловдан ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлиги, ВХТБ томонидан чиқарилган буйруқ ва қарорларни ўз вақтида бажарилиши Мониторинг бўлими томонидан назоратга олинмоқда.

Фанлар бўйича ўтказиладиган олимпиадаларни таҳлил қилсак, вилоятда умумий якунга кўра 2000-2001 ўқув йилида 2-ўринни эгалладик. Шаҳримизнинг 7 нафар ўқувчилари чет элларда таҳсил олиб қайтди. 21-мактаб ўқувчиси Дилноза Азимова чет эллик ҳамкорлар билан ишлаб, ҳозирги кунда Таиландда малака оширмоқда. Ўзбек фарзандларининг қобилият ва зеҳн-заковат борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ.

АҚШ-Ўзбекистон аълочилик дастури бўйича ўтказиладиган республика кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган бир гуруҳ ўқитувчиларимиз АҚШдаги малака ошириш конференциясида қатнашдилар.

2-мактаб ўқитувчиси Альфия Иштуганова ижодкор ўқитувчилар танловида қатнашиб, Англия илмий дарслик чиқариш компанияси билан ҳамкорликда дарслик ёзмоқда. Шаҳримизда кейинги пайтларда қатор янги турдаги таълим муассасалари очилди. Нутқида нуқсони бор болалар учун 140 ўринга мўлжалланган 39-мактабгача таълим муассасаси, ясси оёқли болалар учун 52-болалар боғчаси, 3-болалар ва ўсмирлар ижодкорлик маркази, 2, 17, 22, 26-мактабгача таълим муассасалари қошида хонадон боғчалари ташкил қилинди.

Ҳозирги кунда шаҳримиз мактабларида 112 та иқтидорли синфлар ташкил қилинган бўлиб, унда 3259 нафар иқтидорли ўқувчилар таҳсил олмоқда.

Истеъдодли, изланувчан ўқитувчиларни танлаш, уларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, оммалаштириш мақсадида ўтказиб келинаётган "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида шаҳримизнинг устоз-мураббийлари ҳам фаол қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

"Маънавият - ҳаёт чироғи", дейдилар. Ўқувчи ёшларнинг маънавий тарбияси борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. "Маънавият ва маърифат" кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда кўплаб кўрик-танловлар ўтказилмоқда.

Шаҳримиз мактабларида "Оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги" концепцияси бўйича ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда.

Маҳаллаларда, мактаб билан ҳамкорликда "Ибратли оила", "Мафтункор қиз" ва "Намунали ўғил" мавзуларида баҳс-мунозаралар ўтказилди. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш боғча ёшидаги болалардан бошланади. Шу боис 4, 22, 24, 26, 27-боғчаларда 210 нафар тарбияланувчилар инглиз тили, компьютер сабоқлари, иқтисодий билим асослари бўйича таълим олмоқдалар. 14 та мактабгача таълим муассасаларида физкабинетлар, фитобарлар, "Таэквандо" ва "Каратэ" гуруҳлари очилди.

Барча мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг қобилияти, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда 23 турдаги тўгарак машғулотлари олиб борилмоқда.

Бугунги кун ўқитувчиси ва тарбиячиси зиммасида улкан масъулиятли вазифалар турибди. У ўз устида тинмай ижодий изланиши, янгиликлар яратиши, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиши зарур.

И.БЎРИБОЕВ
ёзиб олди

Қўқон шаҳар халқ таълими бўлими жамоаси барча ҳамкасбларини, устозларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади!

Ўзбекистон Республикаси ўқитувчилари ва мураббийларини касб байрамлари билан самимий қутлайди!

Сизларнинг машаққатли, аммо шарафли меҳнатингиз демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, шунингдек, унинг буюк ва ёруғ келажак сари дадил одимлаши йўлида катта самаралар беради. Мамлакатни гуллаб-яшнатиш йўлидаги ана шу хайрли ишларингизда мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, тинчлик ва хотиржамлик, янги-янги муваффақиятлар тилаймиз!

Ҳар бир кун Сизга шодлик ва омад олиб келсин, хайрли режа ва орзу умидларингиз рўёбга чиқсин!

Сизларга мамнуният билан маълум қиламизки, республикадаги энг йирик ва ишончли банклардан бири бўлган "Ўзсаноатқурилишбанк" Сиз учун қулай, кенг кўламдаги замонавий банк хизматларини кўрсатади. Жамғармангизни ишончли асрайди ва кўпайтириб беради.

"Ўзсаноатқурилишбанк" омонатларида сақланаётган пулларингиз мамлакат иқтисодиёти ва сизнинг турмуш фаровонлигингизга хизмат қилади. Зеро, банк омонатига қўйган маблағингиз мўмай даромад келтиради. Банкимизнинг республика минтақаларида жойлашган 46 та филиали қошидаги 156 та омонат кассалари Сизнинг хизматингизда. Улар Сизнинг омонат жамғармаларингизни чекланмаган миқдорда қабул қилиб олиш учун доимо тайёрдирлар. Мижозларимиз ва барча аҳолини мавжуд банк хизматлари бўйича ўзаро фойдали ҳамкорликка чақирамиз! Токи,маблағингиз қўлингизда бекор ётмай, бойлигингизга бойлик қўшилишига хизмат қилсин.

Шунингдек, Сизларга яна бир фойдали харидни таклиф этамиз:

"Ўзсаноатқурилишбанк" акцияларини сотиб олинг! Ҳар бир акциянинг номинал қиймати - 1500 сўм. Жалб этиладиган дивиденд ставкаси — йиллик 50 фоиз(2000 йил якуни бўйича). Йилнинг ҳар чорагида дивиденд ажратилиши ва тўлаб борилиши "Ўзсаноатқурилишбанк" акцияларини маблағларингизни кўпайтириб берадиган энг ишончли ва фойдали омонатга айлантиради.

Дивидендларнинг ўз вақтида ва канда қилмай тўлаб борилиши, шунингдек, банк фаолиятида иштирок этиш имконияти — бу Сиз танлаган энг мақбул йўл бўлади.

Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар юзасидан 120-45-24, 120-45-09, 120-45-73, 120-45-76 рақамли телефонлар орқали ёки исталган бўлимларимизга бевосита мурожаат қилишингиз мумкин.

КОРХОНА БОҒЧА ҚУРДИ

Поп туманидаги "Пахта толаси" ҳиссадорлик жамияти 140 ўринли икки қаватли "Пахтаой" болалар боғчасини қуриб фойдаланишга топширди.

— Болалар боғчасида ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари корхона касаба уюшмасининг эллик фоизли имтиёзи билан тарбияланмоқда, — деди жамият раиси Валижон Ҳайдаров "Туркистон-пресс" мухбирига. — Кичкинтойларнинг озиқ-овқатига алоҳида эътибор бериляпти. Бунинг учун корхона ҳисобидан йилига олти миллион сўм маблағ сарфланади. Бундан ташқари ёрдамчи хўжалигимиз боғчани мева-чева, гўшт ҳамда балиқ маҳсулотлари билан доимий равишда таъминлаб турибди.

Наманган вилояти "Туркистон-пресс"

"ЁШ ОНАЛАР МАРКАЗИ"

Мактабгача таълим муассасаларига жалб қилинмаган болаларнинг ота-оналари фарзандларини ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш бўйича махсус маълумотга эга бўлишлари лозим. Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ва туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида Оналар ва болалар йилида "Она ва бола" Давлат дастурини амалга ошириш, бўлажак ва ёш оналарга болаларни парвариш қилиш, уларнинг малакаларини ошириш, болаларни соғлом ва ривожланган ҳолда мактабга тайёрлаш, уларга психологик ва услубий ёрдам бериш мақсадида "Ёш оналар маркази" ташкил этилди.

Марказда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Раҳимбердиева бошчилигида туман халқ таълими бўлими мактабгача таълим бўлими услубчиси, туман хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси, болалар боғчаси услубчиси ва руҳшуноси, маҳалла хотин-қизлар қўмитаси раисларидан иборат ишчи гуруҳи фаолият кўрсатаётир. Марказ йиғилишлари ҳар ойнинг иккинчи пайшанба кунлари ўтказилмоқда. Марказнинг ота-оналар иштирокидаги йиғилишлари маҳалла гузарлари, болалар боғчаларида ноанъанавий тарзда ташкил этилаётир.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Maktabgacha ta'lim

БОЛАЛАРИМИЗ ЗЎР ЎҚУВЧИ БЎЛИШАДИ

Мактабгача таълим муассасамизда илк ёшлилар гуруҳида таълим-тарбия янги педагогик технология — Монтессори услуби, эртак асосида ишлаш, жисмоний тарбия; кичик гуруҳларда ТРИЗ, экология бўйича йўналтирилган. Биоэкосан республика ёшларининг ўқув-услубий мажмуаси билан тузилган шартномага кўра янги ўқув йилидан кичик гуруҳларда инглиз тили ўқитувчиси Азиза Мавлонова "Экология ва бошланғич инглиз тили" бўйича иш олиб бораётир. Ўрта гуруҳлар Монтессори услуби ва иқтисодий тарбия; катта гуруҳлар экология; тайёрлов гуруҳлар иқтисод ва мактабга тайёрлашга йўналтирилган.

Муассасамизда инглиз тили, каратэ, футбол, шахмат-шашка, рақс, халқ амалий санъати намуналаридан кулолчилик, "Йўл қоидаси — умр фойдаси" шиори остида йўл ҳаракати қоидалари, юмшоқ ўйинчоқлар тўгараклари мунтазам фаолият кўрсатиб турибди.

Улдан Бойбулатова раҳбарлигида тайёрлов гуруҳи дилбандлари кулолчиликнинг ўзига хос нозик сирларидан воқиф бўлаётирлар. Улар дастлаб кулча нон ясашни, сўнгра турли хил мевалар, кўзача, лаганча ясашни ўрганмоқдалар. Зулхабира Дуржонова каштачилик тўгарагини бошқаради. У болажонларга игна ушлашни, игнага ип ўтказишни, рангли ипларнинг орасидан мосини танлаб кашта тикишни ўргатмоқда. Мазкур тўгаракка, ҳатто ўғил болалар ҳам қатнашаётир.

Боғчада очиқ сув ҳавзаси мавжуд бўлиб, нуридийдалар ёзнинг иссиқ кунларида мазза қилиб чўмилиб, чиниқадилар.

Ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама ривожланган шахс сифатида тарбиялаш ва мактаб таълимига тайёрлаш асосий мақсадимиздир. Шу боис, жисмоний тарбия хонасида кегли, нарвон, обруч, копток, мат бор. Бу ерда болалар ёшларига мос бўлган ҳаракатли ўйинларни, югуриш, сакраш, сафланиш, чаққон ҳаракат қилиш, чиниқтириш машқларини Баҳодир Боборахимов бошчилигида бажарадилар.

Масканимизда фитобар мавжуд. Болалар шифокори Шаҳло Абдувалиева тавсияси билан турли шифобахш гиёҳлар — наъматак, мойчечак, жўхори попуги каби витаминларга бой дамламалар тайёрланиб, график асосида ширинтойларга берилаётир.

Нозик қалб эгаларига миллий қадриятлар, одоб-ахлоқ ҳақида тушунча мурғаклик даврлариданоқ сингдириб борилмоқда. Саломлашиш одоби: саломлашишдан сўнг кўришиш, қачон саломлашилмайди; ака-ука, опа-сингилларнинг ўзаро муносабати, дастурхон атрофида ўтириш одоби; меҳмон кутиш, кийиниш одоблари шулар жумласидандир. "Қариси бор уйнинг париси бор", "Оила — мўътабар даргоҳ", "Меҳнатдадир кўп ҳикмат" каби мавзуларда суҳбатлар олиб борилаётир.

Кўп ухлаш, бесаранжом ўтириш — зарарли иллатдир, бир вақтнинг ўзида ҳам ўқиш, ҳам телевизор кўриш, ҳам овқатланиш мумкин эмаслиги кўргазмали қуроллар воситасида болаларнинг ёшларига мос тарзда тушунтириб борилмоқда.

Муассасамиз Оналар ва болалар йилига бағишлаб ўтказилган "Қўғирчоқ театри" ҳудудий кўрик-танловида биринчи ўринни олишга муваффақ бўлди. Тарбияланувчи Юлдуз Ашурова "Олтин ҳумо—2000" галаконцертда "Она Ватан" қўшиғини ижро этиб, ТХТБнинг Фахрий ёрлиғини олди. Ҳозирда Ю.Ашурова ва Успенский номидаги мусиқа мактабида таҳсил олаётир.

Маънавият ва маърифат хонасида Алишер Навоий, Фурқат, Чўлпон, Нодирабегим, Бобур каби буюк сиймолар портретлари ва улар ҳаёти ҳақида маълумотлар берилган.

Болалар боғчаси жамоаси 258-мактаб билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Бошланғич синф ўқитувчиси Ҳанифа Содиқова боғчага бот-бот ташриф буюриб, тайёрлов гуруҳи дилбандлари билан яқиндан танишиб, тарбиячиларига йўл-йўриқ бериб туради. Жорий йилда тарбиячи Дилбар Абдуллаева кам таъминланган оилаларнинг болалар боғчаларига жалб қилинмаган беш нафар фарзандларини "Учинчи минг йилликнинг боласи" таянч дастури асосида мактаб таълимига ҳозирлади. Айни чоғда кичкинтойлар мактабнинг 1-синфида таҳсил олишаётир.

Яқин кунларда ота-оналар ва жамоа билан келишилган ҳолда халқ амалий санъати намуналаридан заргарлик, наққошлик, миллий кураш тўгараклари фаолиятини йўлга қўйишни режалаштирмоқдамиз.

Болалар гулшанини таъмирлаш ҳамда режаларимизни амалга оширишда Ўзбекистон ва Малайзия қўшма корхонасининг автомобилларга ёғилғи қуйиш шохобчаси ва ота-оналар ҳомийлик қилмоқдалар.

Дилдора САЪДУЛЛАЕВА, Юнусобод туманидаги 133-"Орзу" болалар боғчаси мудираси

Суратларда: Юнусобод туманидаги "Орзу" болалар боғчаси фаолиятидан лавҳалар.

ШОВОТДА БЕПУЛ БОҒЧА, ҚАНДИНГНИ УР, ДЎМБОҚЧА!

Xushxabar

Шовот тумани "Гулистон" жамоа хўжалигида "Ойдин" фирмасига қарашли «Гўзалой" хусусий болалар боғчаси ишга тушди.

Ойдин Жабборова олий маълумотли ўқитувчи, боғча соҳасида ҳам анчагина тажрибага эга. Мустақиллик шарофати билан 1995 йилдан тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаган. У хусусий болалар боғчасини ташкил қилиш мақсадида, аввало, "Ойдин" хусусий фирмасини очди. Сўнгра маблағ топиб, боғча биносини қурдирди, жиҳозлади. Туман халқ таълими бўлими боғчани парта билан таъминлади. Боғча компьютерга ҳам эга. Туман ҳокими Бобохон Тожиевнинг бу борадаги ёрдами салмоқлидир.

Кам таъминланган ва оталарон оилаларнинг 30 нафар фарзанди мазкур боғчага жалб қилинди. Ҳозирча ота-оналар бадал пулларини тўламайдилар.

Кичкинтойлар масканида тўрт йўналиш бўйича таълим-тарбия олиб борилаётир. Компьютер сабоқлари, каратэ, инглиз тили, миллий мусиқа шулар жумласидандир. Болалар боғчасида 2 та — мактаб ва боғча ёшидаги болалар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Ойдин Жабборованинг ташаббуси ва амалга ошираётган ибратли ишларидан қишлоқ аҳолиси беҳад миннатдор.

Ғойиб ЁҚУБОВ, ўз мухбиримиз

У бошлаб берган "Тез ўқиш", "Чиройли ёз, ёзсанг хат", "Олтин тож", "Ким эпчил, ким чаққон?", "Мен сени севаман, дилбар Ватаним!" каби танлов ва баҳслар бугунги кунда барча бошланғич синфларимизда оммавий тарзда ўтказилаётир.

Қалбнинг оппоқ дафтари

ёхуд шўрчилик ёш муаллима Гулзебо Нормуродова хусусида



Сурхон воҳасининг такрори йўқ содда ва ўта самимий халқи бор. Улар ўзига бино қўйишдан йироқ. Яна битта гап. Улар кенгликларни ёқтиришади. Назаримизда, эгниларидаги уст-бошлари ҳам кенг-кенг тикилгандай. Фикримизнинг исботи сифатида айтадиган бўлсак, улар кўпроқ бир мақолни такрорлашади, "Излансанг олам сеники".

Шу тумандаги Жўра Хушназаров жамоа хўжалигининг Саутепа қишлоғида жойлашган Эгамберди Мавлонов номидаги 20-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Гулзебо Нормуродова ҳам бу нақлга доим амал қилаётган экан. Гулзебо Нормуродова билан мактабда олиб бораётган ишлари, мактабдан таш-қари ва кенг жамоатчилик орасидаги хизматлари, қолаверса, шу кунги таълим-тарбия борасидаги ишларимиздаги "оғриқли нуқталар" хусусида ҳам дилдан суҳбатлашдик. Камроқ гапириб, кўпроқ эшитишни хуш кўрадиган бу ёш иқтидорли муаллима Тошкент Давлат педагогика университетининг бошланғич таълим услубиёти факультетини тугатиб она қишлоғидаги қадрдон мактабга ишга келдию, кўп эмас атиги 2 йил ичида ўқувчию ўқитувчилар, ота-оналару туман муаллимлари орасида кўзга ташланди.

— Гулзебо қизимиз ўтган ўқув йилида мактабимизнинг "Энг яхши ўқитувчиси" деб топилди, — дейди мактаб директори Шодибой Норқобилов. —Гулзебо ростакамига тиниб-тинчимас муаллима. У бошлаб берган "Тез ўқиш", "Чиройли ёз, ёзсанг хат", "Олтин тож", "Ким эпчил, ким чаққон?", "Мен сени севаман, дилбар Ватаним!" каби танлов ва баҳслар бугунги кунда барча бошланғич синфларимизда оммавий тарзда ўтказилаётир. У ўтган ўқув йилида "Йил ўқитувчиси" кўрик-танловида мактабимизда фахрли 1-ўринни, Шўрчи туманида эса танловнинг туман босқичида қатнашган 58 нафар муаллим орасида фахрли 3-ўринни эгаллади...

Дарҳақиқат, Гулзебо Нормуродова муаллимлик касбини дилдан севади, уни ардоқлайди, ўз устида тинимсиз ишлайди, ўқийди, ўрганади.

— Мен ҳар бир ишимда ўзим билан бир сафда ишлаётган Ш.Норқобилов, К.Сафарова, Х.Исмоилов, А.Чоршанбиев каби тажрибали устозларнинг кўмагига таянаман, — дейди биз билан бўлган суҳбат давомида ёш муаллима. — Сизга ростини айтар бўлсам, асосий устозим отам Бобоқул Нормуродов бўладилар. Ҳозир ҳам ҳар куни отамдан ўрганаман.

Отам тажрибали тил-адабиёт муаллими, элда обрў-эътибори баланд. Мен отам билан фахрланаман ва у кишидек муаллим бўлишни орзу қиламан...

Муаллим ҳамма нарсани билиши керак. Керак бўлганда у актёр, зарур бўлса шифокор, керак бўлганда меҳрибон ота-она... Шўрчилик ёш иқтидорли муаллима Гулзебо Нормуродова ҳам ана шундай муаллим. Гулзебо ҳам жуда кўп нарсани билади, ҳамма нарсага қизиқади. У қўшиқ куйлайди, мусиқа санъати бўйича ҳам яхшигина мутахассис. Яна-чи? Яна у бинойидек спортчи. Бичиш-тикиш устаси. Бўш пайтларида турли-туман модел ва ўйинчоқлар ясашни ёқтиради. У гулларни севади, уйида ва мактабида анвойи гуллар ўстиради. У табиат шайдоси, қушлар парваришлашни ёқтиради... Энг эътиборлиси, у ўзидаги барча-барча ижобий хислатларни шогирдларига мунтазам сингдириб боради.

Гулзебонинг қалб дафтарида оппоқ орзулари қат-қат. У бутун илмини, бор куч-қувватини шу муқаддас Она юртига бахшида этиш орзусида яшаяпти. У шу улуғ ниият йўлида меҳнат қилаяпти. Инсон эса орзулари билан тирик.

Орзулари улуғ барча инсонларнинг, шулар қаторида Шўрчининг иқтидорли ёш муаллимаси Гулзебо Нормуродованинг ҳам оппоқ қалб дафтаридаги барча орзулари ушалсин!

Абдували ОБИДДИН,
"Маърифат"нинг
махсус мухбири

ЁШЛАР ИЗЛАНМОҚДА

Tadqiqot

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида билим олаётган йигит-қизлар орасида ўз тенгқурларидан нимаси биландир ажралиб турадиганлари анчагина. Улар ўз устоз-мураббийлари раҳбарлигида маълум ютуқларни қўлга киритишга улгуришган.

Ўзбекистон Миллий университети магистранти Дилфуза Юсупова олиб борган тадқиқот, маккажўхори ўсимлигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.

Бошоқли дон экинлари орасида маккажўхорининг ўрни беқиёсдир. Ундан тез ва енгил ҳазм бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Тасаввур қилмаган бўлсангиз керак, битта маккажўхори сўтаси 350-400 тагача дон тугиши мумкин экан.

Дилфуза устози ва илмий раҳбари Дамир Асомов кўрсатмалари асосида вирус билан зарарланган маккажўхорининг физиологик хусусиятларини ўрганди. Тажрибада икки хил шароитда экилган маккажўхорида икки хил ҳолат кузатилди. Биринчисида тупроққа ўсишни тезлаштирувчи модда — оксигумат моддаси аралаштирилди. Иккинчи шароит эса жайдари, яъни оддий усулда эди. Маккажўхорининг оксигумат қўшилган хилида касаллик 31 фоизга камайди. Сермаҳсуллиги ҳам чакки бўлмади. Оддий шароитдаги экин эса касаллик "қуршовида" қолди.

Дилфуза Юсупова бундай тадқиқотнинг юзага чиқишига кўмак берган устозларидан миннатдордир.

***

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида 21 та тил ўрганилади. Шулардан энг юқори ўринни инглиз тили ишғол этади. Чунки бу тил дунё миқёсидаги халқаро алоқа воситасидир. Ҳозирги вақтда бу тил орқали кўплаб сўзлар бизнинг нутқимизга ҳам кириб келмоқда. Кенг халқ оммасига бу сўзлар тушунарли бўляптими?

Университет магистри Моҳира Сулаймонова ўз олдига шундай сўзлар яъни, "Ҳозирги замон ўзбек оммавий ахборот воситаларига чет тилидан ўзлаштирилган сўзларнинг кириб келиши" луғатини яратиш вазифасини қўйди.

Моҳира луғат устидаги тадқиқотини аллақачон бошлаб юборган. У "Таъсис-Темпус"нинг Ўзбекистондаги филиали уюштирган танловда ғолиб чиқиб, Буюк Британиянинг Кембридж университетида малака ошириб қайтди.

Ўз устози Зулфия Тўхтахўжаева изидан кетаётган ёш ўқитувчи Моҳира Сулаймонованинг ютуқлари янада кўпайишига тилак билдириб қоламиз.

Фарҳод ЭРДОШЕВ

TDM "TOSHKENTDONMAHSULOT" TDM

OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

Муҳтарам устоз ва мураббийлар, касб байрамларингиз муборак бўлсин!

Сизларнинг сермашаққат меҳнатларингиз туфайли жаҳонда доимо илму маърифат жаҳолатдан устун келган, қанчадан-қанча жумбоқлар илм зиёси билан ҳал бўлган.

Ҳар йили республикамизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни - нинг нишонланиши ҳам ана шу машаққатли касбга, мамлакат келажаги бўлмиш ёшларни тарбиялашга бўлган жиддий эътибор намунасидир.

Сизларга Оллоҳ таолодан узоқ умр, мустаҳкам соғлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, хайру барака тилаб қоламиз!

Мамлакатни тараққий эттириш, илмли, зукко, салоҳиятли ёшларни тарбиялашдаги нурли йўлда омад ва зафарлар ёр бўлсин!

МЕҲРИНГИЗ

БЕҚИЁС,

МЕҲНАТИНГИЗ

ХОЛИС,

СЎЗИНГИЗ

НОНДЕК

АЗИЗДИР!

Болаларингизга дарслик китобларни ўз вақтида сотиб олишни унутманг!

Вилоят, туман халқ таълими бошқармалари ва мактаб директорлари ҳамда ота-оналар диққатига!

"O'ZDAVKITOBSAVDOTA'MINOTI" очиқ акционерлик жамияти 2001-2002 ўқув йили учун таълим-тарбия ўзбек ва қардош тилларда олиб бориладиган мактабларнинг 2—11-синфларига мўлжалланган дарсликларни таклиф этади ва республикамизнинг барча вилоятларига етказиб беради.
Улгуржи савдога 10-15 фоиз чегирма берилади.

ЎЗБЕК ТИЛИ

2-синф

Н.Бикбаева ва б.Математика (700 сўм.)
Н.Бикбаева ва б. Математика дафтари (№1-20 с. №2-20 с)
Х.Эгамов Ўзингиз қуринг ва ясанг (27с.)
К.Қосимова ва б. Она тили (387 с.)
А.Григорьянц ва б. Атрофимиздаги олам (389 с.)
Р.Толипова ва б. Русский язык (327 с.)
Қ.Абдуллаева. Ўқиш китоби (774 с.)
Х.Нурматов. Мусиқа (406 с.)
Х.Ғуломов. Ҳуснихат (103 с.)

3-синф

М.Умарова. Ўқиш китоби (510 с.)
Р.Толипова. Русский язык (456 с.)
С.Фузаилов ва б. Она тили (487 с.)
А.Григорьянц ва б. Табиатшунослик (685 с.)
Х.Нурматов. Мусиқа (496 с.)
Н.Бикбаева ва б. Математика (910 с.)
О.Ҳасанбоева ва б. Одобнома (490 с.)

4-синф

А.Григорьянц. Кундалик кузатиш дафтари (110 с.)
А.Григорьянц ва б. Табиатшунослик (1139 с.)
Н.Бикбаева. Математика (890 с.)
А.Шожалилова ва б. Ўқиш китоби (648 с.)
Р.Толипова ва б. Русский язык (538 с.)
Р.Икромова ва б. Она тили (692 с.)
О.Ҳасанбоева ва б. Одобнома (400 с.)

5-синф

Т.Пошшахўжаева ва б. Меҳнат таълими (24 с.)
У.Маҳкамов ва б. Ватан туйғуси (460 с.)
Ж.Икромов ва б. Математика (894 с.)
Р.Толипова ва б. Русский язык (771 с.)
Н.Каримов ва б. Адабиёт (721 с.)
Ў.Жўраев ва б. Жаҳон тарихидан ҳикоялар (1100 с.)
Ў.Пратов. Ботаника 5-6-синф (850 с.)
Б.Аҳмедов. Ватантарихидан ҳикоялар (539 с.)
Х.Неъматов ва б. Она тили (289 с.)
З.Шайхутдинов ва б. Немис тили (1424 с.)
Г.Мусаев ва б. Табиий география (476 с.)
Р.Рахимқориев ва б. Математикадан масалалар тўплами (487 с.)
А.Мансурова ва б. Мусиқа (471 с.)

6-синф

А.Кабиров. Жаҳон тарихи (940 с.)
Х.Неъматов ва б. Она тили (412 с.)
Р.Толипова ва б. Русский язык (770 с.)
А.Саъдуллаев ва б. Ўзбекистон тарихи (750 с.)
Қ.Йўлдошев ва б. Адабиёт (609 с.)
О.Мавлонов ва б. Зоология 6-7-синф. (1135 с).
А.Абулқосимов ва б. Материклар ва океанлар географияси (1280 с.)
Д.Шодиев ва б. Физика (592 с.)
Д.Икромов ва б. Математика (890 с.)

7-синф

А.Муҳаммаджонов ва б. Ўзбекистон тарихи (864 с.)
Н.Ғайбуллаев ва б. Геометрия (395 с.)
Т.Қурбонов ва б. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (789 с.)
П.Ғуломов ва б. Ўрта Осиё табиий географияси (454 с.)
О.Мўминов ва б. Ўзбекистон табиий географияси (658 с.)
К.Йўлдошев ва б. Адабиёт (782 с.)
С.Исломбекова ва б. Русский язык (624 с.)
Д.Шодиев ва б. Физика (574 с.)
Х.Неъматов ва б. Она тили (219 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (770 с.)
С.Тешабоев ва б. Анорганик кимё (595 с.)

8-синф

А.Каттабеков ва б. Ўзбек адабиёти (980 с.)
Н.Ғайбуллаев ва б. Геометрия (490 с.)
Э.Смирнова ва б. Инглиз тили (454 с.)
З.Акромов ва б. Ўзбекистон иқтисодий геог-рафияси (1035 с.)
Р.Фармонов ва б. Жаҳон тарихи (660 с.)
Б.Аминов ва б. Одам ва унинг саломатлиги (1030 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (950 с.)
Р.Толипова ва б. Русский язык (760 с.)
Х.Неъматов ва б. Она тили (280 с.)
Д.Шодиев ва б. Физика (850 с.)
М.Қаршибоев ва б. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (320 с.)

9-синф

Б.Тўхлиев. Ўзбек адабиёти (732 с.)
А.Каримова.Русский язык (73 с.)
Д.Шодиев ва б. Физика (850 с.)
С.Тешабоев ва б. Анорганик кимё (460 с.)
Ж.Раҳимов ва б. Ўзбекистон тарихи (1244 с.)
Ў.Жўраев ва б. Дунё динлари тарихи (790 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (880 с.)
М.Лафасов ва б. Жаҳон тарихи (1190 с.)
А.Ортиқбоев ва б. Геометрия (547 с.)
М.Қаршибоев ва б. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари (320 с.)
Тўплам. Конституциявий ҳуқуқ асослари (980 с.)

10-синф

Р.Толипова ва б. Русский язык (500 с.)
Т.Жалолов. Инглиз тили (600 с.)
А.Рафиқов ва б. Амалий география (700 с.)
Тўплам. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» (176 с.)
Тўплам. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (135 с.)
Б.Қосимов ва б. Ўзбек адабиёти (1014 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра ва анализ асослари (880 с.)

11-синф

Н.Шахмаев. Физика (124 с.)
Т.Жалолов. Инглиз тили (515 с.)
Н.Жўраев ва б. Ўзбекистон тарихи (1170 с.)

ҚИРҒИЗ ТИЛИ

2-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика дафтари №1 (45 с.)
Н.Бйкбаева ва б. Математика дафтари №2 (45 с.)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (45 с.)

4-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (748 с.)
А.Григорьянц. Дневник наблюдений (460 с.)

5-синф

Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с.)

7-синф

Н.Ғайбуллаев Геометрия (242 с.)

8-синф

А.Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (190 с.)
З.Акромов. География (265 с.)

ҚОЗОҚ ТИЛИ

2-синф

А.Григорьянц. Атрофимиздаги олам (190 с.)
М.Омаров ва б. Ўқиш китоби (785 с.)
М.Омаров ва б. Қозоқ тили (501 с.)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (680 с.)

5-синф

Ж.Икромов ва б. Математика (225 с.)
Ў.Пратов ва б. Ботаника (700 с.)

6-синф

П.Мусаев. География (265 с.)
Ў.Пратов ва б. Ботаника (700 с.)

7-синф

Н.Ғайбуллаев Геометрия (242 с.)

8-синф

А.Мамажонов. Анорганик кимё (113 с.)
Ш.Алимов. Алгебра (292 с.)
А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с.)

9-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с.)
Ш.Алимов. Алгебра (147 с.)

10-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (253 с.)

ТОЖИК ТИЛИ

2-синф

А.Григорьянц. Атрофимиздаги олам (165 с.)
Н.Бикбаева. Математика (759 с.)
Х.Сабоҳий ва б. Ўқиш китоби (915 с.)

3-синф

А.Воҳидов. Забони мадори (754 с.)
Н.Бикбаева. Математика (680 с.)

4-синф

А.Григорьянц. Кундалик кузатиш дафтари (190 с.)

5-синф

Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (521 с.)

6-синф

Ў.Пратов ва б. Ботаника (250 с.)
Ж.Икромов ва б. Математика (810 с.)

7-синф

Н.Ғайбуллаев. Геометрия (395 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (470 с.)

8-синф

А.Умронхўжаев. Техникавий графика асослари (100 с)
А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с.)
А.Мамажонов. Анорганик кимё (115 с.)
Ш.Алимов ва б. Алгебра (290 с.)

9-синф

А.Абдуқодиров ва б. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с.)

ТУРКМАН ТИЛИ

2-синф

А.Григорьянц. Атрофимиздаги олам (460 с.)
Қ.Абдуллаева. Ўқиш китоби (800 с.)

3-синф

Н.Бикбаева ва б. Математика (680 с.)

5-синф

Ж.Икромов ва б. Математика (225 с.)
Б.Аҳмедов. Ватан тарихидан ҳикоялар (453 с.)
Ў.Пратов ва б. Ботаника (910 с.)

7-синф

Ш.Алимов. Алгебра (74 с.)

8-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (73 с.)
А.Мамажонов. Анорганик кимё (113 с.)

9-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (108 с.)
Ш.Алимов. Алгебра (262 с.)

10-синф

А.Абдуқодиров. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари (286 с.)

РУС ТИЛИ

2-синф

В.Кожуховская и др. Путешествие в мир слов (1ч.-520 с., 2ч.-520 с)
Н.Бикбаева. Математика (910 с.)
А.Григорьянц. Окружающий нас мир(400 с.)
Сборник. В место со сольнишком (615 с.)
М.Тохтаходжаева и др. Русский язык (780 с.)
Р.Толипова и др. Узбекский язык (750 с.)

3-синф

Н.Бикбаева. Математика (910 с.)
А.Григорьянц. Дневник наблюдений (210 с.)
В.Кожуховская и др. Путешествие в мир слов (1-часть-720 с., 2-часть-724 с.)
А.Григорьянц и др. Природаведение (685 с.)
М.Тохтаходжаева и др. Русский язык (920 с.)
Р.Толипова и др. Узбекский язык (995 с.)

4-синф

А.Григорьянц и др. Природаведение (1139с.)
А.Григорьянц. Дневник наблюдений (215с.)
Н.Бикбаева. Математика (890 с.)

5-синф

Ж.Икрамов и др. Математика (683 с.)
П.Мусаев. Начальный курс физическое географии (655 с.)
Б.Аҳмедов. Рассказы из истории родины (550 с.)
Г.Шеглова и др. Литература (1250 с.)
С.Зинин и др. Русский язык (780 с.)

6-синф

Ж.Икрамов и др. Математика (810 с.)
О.Мавлонов. Зоология (1385 с.)
А.Саъдуллаев. История Узбекистана (750 с.)
Ў.Пратов и др. Ботаника (5-6-кл.) (1050 с.)
Р. Толипова. Узбекский язык (1230 с.)

7-синф

В.Андрянова и др. Литература 1-часть (1050 с.)
Д.Шодиев и др. Физика (574 с.)
Ш.Алимов и др. Алгебра (770 с.)
А.Муҳамаджанов. История Узбекистана (768 с.)
С.Тешабоев. Анорганик химия (595 с.)

8-синф

В.Варфоломеев Литература (1-ч.-835., 2-ч.-870 с.)

9-синф

В.Зеленина. Русский язык (795 с.)
Ж.Раҳимов. История Узбекистана (1020 с.)
Сборник. Конституционное право Республики Узбекистан (875 с.)

10-11 синф

Сборник. Правоведение (790 с.)

Ҳисоб-китоб накд ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Мурожаат учун бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Телефон: 8-(372) 144-81-40, 144-53-77 Факс: 144-23-94

Урганч шаҳри: 8-(362-22) 4-32-71

Навоий шаҳри: 8-(436-22) 5-44-57

Самарқанд шаҳри: 8-(366-2) 29-53-86

Бухоро шаҳри: 8-(365-22) 31-44-7

Қарши шаҳри: 8-(375-22) 56-12-7, 57-34-7

Термиз шаҳри: 8-(376-22) 31-104

Андижон шаҳри: 8-(374-2) 46-27-08

Наманган шаҳри: 8-(369-22) 62-110

Фарғона шаҳри: 8-(373-2) 24-56-90

Марғилон шаҳри: 8-(373-2) 33-55-83, 33-36-83

Нукус шаҳри: 8-(361-21) 5-30-69

Гулистон шаҳри: 8-(367-2) 25-03-88

Жиззах шаҳри: 8-(372-22) 4-18-41

ЎРТА БЎҒИНГА – ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз таълим тизимининг ҳар бир бўғини ўқув муассасалари учун янги ўқув адабиётлари, дарсликлар ва қўлланмалар яратила бошланди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими бундан мустасно эмас. ЎМКҲТ Марказидан олинган маълумотларга кўра, янги 2001-2002 ўқув йилида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун қатор дарсликлар чоп этилган. Бугун ана шу янги китобларнинг айримлари билан таништирамиз.

Қодиров С., Ҳошимов Д., Маҳмудов Ғ., Ҳошимов А. "TICO" автомобили. Тузилиши, носозликларни аниқлаш ва таъмирлаш.

Китобда "Тико" автомобилининг тузилиши, конструкциясининг ўзига хос томонлари батафсил ёритилган. Қўлланмада автомобиль ҳамда унинг алоҳида агрегатларида юзага келиши мумкин бўлган носозликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш, автомобиль қисмларини ечиш-йиғиш, ростлаш ва таъмирлаш масалаларига, айниқса, катта эътибор берилган.

Китоб касб-ҳунар коллежи, ҳайдовчилар тайёрловчи автомактаб талабаларига ва ўқитувчи ходимларга мўлжалланган бўлиб, ундан автомобиль транспорти соҳасида таҳсил олаётган олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари ҳам фойдаланишлари мумкин.

***

Икромов Т., Қўчқоров Ў. Чорва, парранда ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси.

Мазкур дарслик Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, касб-ҳунар коллежларининг "Чорвадор фермерлар хўжаликларини ташкил этиш ва юритиш" йўналишидаги талабаларга тааллуқлидир.

Рисола "Гўшт ва гўшт маҳсулотлари", "Сут ва сут маҳсулотлари технологияси", "Балиқ ва балиқ маҳсулотлари технологияси" бўлимларидан иборат. Бу бўлимлар бир қанча мустақил боблардан ташкил топган. Дарслик имкони борича соддалаштирилган ҳолда ёзилиб, унда бир қанча расм, схема ва кўрсатув воситалари тавсия этилган.

AMERICAN COUNCILS
FOR INTERNATIONAL EDUCATION
ACTR ▲ ACCELS

Азиз ва муҳтарам Устозлар!

Сизларни 1 октябрь — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" умумхалқ байрами муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Мана шундай шукуҳли кунларда барчангизга ижодий камолот, фаолиятингизга равнақ тилашга ижозат бергайсиз. Ўзаро ҳамкорликда амалга ошираётган эзгу амалларимиз бундан буён ҳам ривожланаверсин!

ХАЛҚАРО ТАЪЛИМ БЎЙИЧА

Америка Кенгашлари АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

accels — U.S.-Uzbekistan Awards for Excellence in Teaching

"Ўқитишдаги аълочилик мукофоти" дастури
Инглиз тили ўқитувчилари диққатига!

Агар Сиз

- 2002 йилнинг ёзида АҚШнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюриш, америкалик ўқитувчилар билан учрашиш, инглиз тилини такомиллаштириш, компьютерда ишлашни мукаммал ўрганиш, АҚШ тўғрисида ва унинг ўқитиш методикалари билан танишиш имкониятини берадиган 7 ҳафталик малака ошириш семинарида қатнашишни...
- Синфингиз ва мактабингиз учун мукофот (компьютер, принтер, нусха кўчириш машинаси, аудиомагнитофон, инглиз тили дарсликлари, кассеталар, луғатлар ва ҳоказо) ютиб олишни...
- Республикада энг яхши инглиз тили ўқитувчиларидан бири бўлишни истасангиз,

у ҳолда АКСЕЛСнинг қуйидаги шаҳарларда жойлашган офисларидан анкета олиб тезда тўлдиришингиз ва 2002 йил 15 январгача топширишингиз керак.

АКСЕЛС, 700031, Тошкент ш., Конституция кўч., 68.
Тел: (371) 152-12-81, 152-12-86 accels@actr.bcc.com.uz

742000, Нукус ш., Сараев кўч. 1,2-қават (361) 222-89-57, 222-88-67 accels@actrnuk.bcc.com.uz	705018, Бухоро ш.,Эшоний Пир кўч., 2.(36522) 4-22-46 accels@bukhara.silk.org
703000, Самарқанд ш.,Университет кўч., 15, СамДУ, 11 хона (3662) 31-18-16, 31-22-08 accels@actrsam.bcc.com.uz	716000, Наманган ш.,А.Хўжаев кўч., 54, Наманган Давлат Университети (36922) 6-27-50 accels@actrnam.bcc.com.uz

Қатнашиш шартлари:

- *Инглиз тили ёки АҚШ мамлакатшунослиги ўқитувчиси бўлиш;*
- *Ҳозирги пайтда ўрта мактаб, лицей ёки гимназияда дарс бераётган бўлиш;*
- *Кейинги икки ўқув йили давомида мактабда ишлаш ниятига эга бўлиш;*
- *Камида 3 йиллик ўқитиш тажрибасига эга бўлиш;*
- *Сўнгги беш йил ичида Америка Хукумати томонидан ҳомийлик қилинган дастурларда қатнашиб, АҚШда 1 ойдан кўпроқ яшаган бўлмаслиги;*
- *Сўнгги 3 йил давомида ушбу дастурнинг 2-давра ғолиби бўлмаслиги керак*

Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти ҳомийлик қилади.

accels — PiE Partners in Education

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти маориф ходимлари диққатига!

«Таълимда ҳамкорлик» дастури

Халқаро Таълим бўйича Америка Кенгашлари АКСЕЛСнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси фуқарошуносликни ўқитишга қизиққан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ва маъмурий ходимлари, педагогика институти, олий ўқув юрти педагогика факультетлари ўқитувчилари учун мўлжалланган янги дастурнинг очилишини эълон қилади. Танловнинг 10 та ғолиби АҚШ мактаби ва университетида 7 ҳафта давомида малака оширадилар.

Анкеталар 2001 йил 14 декабргача қабул қилинади.

Анкета ва қўшимча маълумот учун қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишингиз мумкин: АКСЕЛСнинг офислари:
Тошкент, 700031, Конституция кўчаси, 68-уй, Тел: 152-12-81, 152-12-81 e-mail: general@actr.bcc.com.uz.
Нукус, 742000, Сараев кўч., 1. Тел: (361) 222 8957, 222 8867

Номзодлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиши ва Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилоятида яшаши;
- Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилоятининг ўрта таълим муассасаси ўқитувчиси ёки маъмурий ходими, педагогика институти, олий ўқув юрти педагогика факультети ўқитувчиси лавозимида 2 йиллик иш тажрибасига эга бўлиши;
- Дастур тугатилгандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилояти мактаби ёки олий ўқув юртида камида яна 2 йил давомида ишлаш нияти бўлиши керак.

Ушбу дастурга АҚШ Давлат Департаменти ҳомийлик қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ишдан ажралган ва ажралмаган ҳолда 2001 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича аспирантура ва докторантурага

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Докторантура: ҳозирги миллий адабиёт.

Аспирантура: филология фанлари — ҳозирги миллий адабиёт, адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, фольклоршунослик, журналистика, миллий тиллар, герман тиллари, роман тиллари, умумий тилшунослик, қиёсий-тарихий типология ва чоғиштирма тилшунослик, таржима назарияси.

Педагогика фанлари: педагогика тарихи ва назарияси, ўқитиш назарияси ва услубиёти.

Аспирантурага кирувчилар олий ўқув юртлари дастури ҳажмида қуйидаги танлов кириш имтиҳонларини топширадилар:

1. Мутахассислик бўйича
2. Фалсафа
3. Чет тили
4. Ўзбекистон тарихи

Кириш имтиҳонлари 2001 йил 15 ноябрдан бошланади.

Қабул қилинган тартиб асосида расмийлаштирилган шахсий ҳужжат ва мутахассислик бўйича рефератни 2001 йил 1 октябрдан 2001 йил 1 ноябргача юбориш керак.

МАНЗИЛИМИЗ: 700138, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, Собир Юсупов кўчаси, Г-9А мавзеси, 21-А уй, аспирантура бўлими. Телефонлар: 75-55-61, 75-93-11.

ҲОКИМ ТАШАББУСКОР БЎЛДИ...

Шовот туманидаги Қиёт қишлоғи болалари ҳам жорий ўқув йилини муносиб совға билан кутиб олишди. 40-ўрта мактабнинг 840 ўринли янги биносининг фойдаланишга топширилиши болажонлару ота-оналар, ўқитувчиларнинг чексиз қувончига сабаб бўлди.

Шуни эслатиш жоизки, ушбу мактабнинг қурилиши 1989 йилда бошланган бўлиб, баъзи сабабларга кўра ишлар ўлда-жўлда қолиб, шу кунгача туя гўштини еб келаётган эди. Ҳатто бу ҳақда 1994 йилда "Маърифат" газетасида "Мактабни ким қуради?" сарлавҳаси билан танқидий мақола ҳам эълон қилинган эди.

Шовот туманига изланувчан раҳбар Бобохон Тожиев ҳоким бўлиб келгач, мактаб қурилишини давом эттирди. Унинг ташаббуси билан чала қолган 840 ўринли янги мактаб қурилишини битказиш учун ҳашар эълон қилинди. Тумандаги барча ташкилоту корхоналар бу савобли ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишди. Натижада эса оз фурсат ичида янги ҳашаматли мактаб биноси қад ростлаб, ўз бағрига болажонларни, устозу муаллимларни чорлади. Ҳозирда мактабда 551 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Энг қувончлиси, ўқув машғулотлари эндиликда бир сменада олиб борилаяпти.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

ҲОЖИ БОБО МАКТАБГА ЁРДАМ БЕРДИ

Ургут туманидаги Қуйиқишлоқ қишлоғида яшовчи Абдусаттор ҳожи етти йил муқаддам 3 гектар ташландиқ ерни жамоа хўжалигидан сотиб олиб, теракзорга айлантирган эди. Ҳозирги кунда кўкка бўй чўзган бу теракзор "Ровот ўрмони" номи билан бутун туманга танилиб қолди.

Яқинда Абдусаттор бобо 132-мактаб қурилишига ўша теракзордан 70 дона теракни қурилиш ашёси сифатида ҳадя этди. Тиниб-тинчимас 80 ёшли бобонинг пешона тери билан бунёд этган улкан теракзорида айни вақтда 80 минг тупдан ортиқ терак кўчатлари мавжланиб осмонга бўй чўзмоқда.

Хусниддин ФАЁЗОВ

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 95-таянч мактабининг заҳматкаш ўқитувчилар ва мураббийларини қутлуғ байрамлари билан самимий муборакбод этамиз. Фарзандларимиз қалбларини зиёга тўлдираётган қалб нурларингиз ҳеч қачон тугамасин. Болаларимиз бахтига ҳамиша омон бўлингизлар.

ОТА-ОНАЛАР КЕНГАШИ

АЗИЗ МУРАББИЙ ВА УСТОЗЛАР!

Очиқ жамият институти кўмак жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, машаққатли, аммо олийжаноб фаолиятингиз ҳамиша самарали бўлишини тилаймиз.

Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, ҳар жабҳадаги ишларингизда омад доимо ҳамроҳ бўлишига тилакдошмиз.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз устозлар!

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК ЖАМҒАРМАСИ ТАЪЛИМ ДАСТУРИ ХОДИМЛАРИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

Республикамизнинг барча ўқитувчию мураббийларини умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий муборакбод этади. Устозликнинг машаққатли, аммо масъулиятли йўлида зафарлар ёр бўлишини тилайди.

"ЮЛДУЗ" ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ СИЗГА БИЛДИРАДИГАН ЭНГ СОФ ВА ЭЗГУ ТИЛАКЛАРИНИ ҚАБУЛ АЙЛАНГ, АЗИЗ УСТОЗ ВА МУРАББИЙЛАР!

ШУ НАРСА АЁНКИ, ЮКСАК МАРТАБАГА, ШОН-ШУҲРАТГА ЭРИШГАН, ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН, ҲАР БИР ИНСОННИНГ ОНГИГА СИЗНИНГ БИЛИМИНГИЗ, ТАФАККУРИНГИЗ, ТАЖРИБАНГИЗ, ПАНД-НАСИҲАТЛАРИНГИЗ СИНГДИРИЛГАН. ХУСУСАН, "ЮЛДУЗ"ДА ҲАМ СИЗНИНГ ЮЗЛАБ ШОГИРДЛАРИНГИЗ МЕҲНАТ ҚИЛИШМОҚДА. КОМИЛ ИНСОН ҲАМИША СИЗНИНГ ОРЗУИНГИЗ БЎЛГАН. БУ ИСТАКНИНГ РЎЁБИНИ КЎРИШ БАРЧАНГИЗГА НАСИБ ЭТИШИНИ ОРЗУЛАГАН ҲОЛДА, СИЗ АЗИЗЛАРГА БАҒРИ БУТУНЛИК, ТАН-СИҲАТЛИК ВА ХОТИРЖАМЛИК ТИЛАЙМИЗ.

ТЎРТИНЧИ АНЖУМАН

Яқинда Тошкентда "Ядро физикасининг ҳозирги замон муаммолари" мавзуида IV халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти, Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Амалий физика илмий тадқиқот институти ва Самарқанд Давлат университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Жаҳоннинг шу соҳа бўйича етакчи олим ва мутахассислари ўзбек заминида тўртинчи марта учрашмоқдалар. Истиқлолимизнинг 10 йиллигига бағишланган бу анжуман 1995 йили Тошкентда, 1997 йили Самарқандда ва 1999 йил эса Бухорода бўлган анжуманларнинг узвий давомидир.

Одатда бундай учрашувларда фаннинг энг сўнгги ютуқлари муҳокама этилади ва бу кейинги жиддий тадқиқотларга туртки бўлади. АҚШ, Франция, Германия, Италия каби дунёнинг 20 га яқин мамлакатларидан ташриф буюрган олимлар иштирокидаги бундай нуфузли анжуманни Ўзбекистонда ўтказиш анъанага айланиб қолмоқда. Бу эса республикамизда физик тадқиқотлар даражаси юксак эканлигидан далолат беради.

Абдус Салом номидаги халқаро назарий физика маркази, Германиянинг машҳур "Chemotrade" ("Хемотрейд") фирмаси, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати ва "Фонон" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси каби ўнлаб ташкилотларнинг анжуманга ҳомийлик қилаётганлиги, унинг катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Отабек НУРИДДИНОВ

МИЛЛИЙ ТЕАТР — НОМИ БЕРИЛДИ

Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини кучайтириш мақсадида Ҳамза театрига "Ўзбекистон Миллий академик драма театри" номини бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони чиқди.

Ушбу Фармонда театрнинг асосий вазифалари ҳам белгилаб берилган.

Бу юксак ном билан аталиш театр жамоаси олдига ҳам катта масъулият юклаганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Чунки театр маънавият ўчоғи. Ёшлар онгида миллий ғурур ва ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш, юртга, миллатга садоқатли ўғил-қизлар қилиб етиштириш театр ижодкорлари олдига қўйилган талаблардан бири.

Жаҳоннинг энг гўзал ва мафтункор театрларидан қолишмайдиган кўринишда, миллий ҳунармандчилигимиз анъаналарига асосланиб қайта таъмирланган театрда бугунги кунда янги-янги спектакллар саҳналаштирилмоқда. Бу спектакллар ҳақида келгуси сонларимизда хабар берамиз.

ОЛТИ ЁШИДАН САҲНАДА

Ёдгора Зиёмуҳамедова 1952 йили Тошкент шаҳридаги зиёли оилада таваллуд топди. 1969 йилда мактабни тамомлагач, Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Санъат институти)га ўқишга кирди. Ҳозирги кунда Ё.Зиёмуҳамедова Ёш томошабинлар театрида фаолият кўрсатмоқда. Каттакичик роллар ижрочиси, болажонлар севиб томоша қиладиган ҳайвонлар образини қиёмига етказиб ўйнайдиган актриса билан суҳбатимиз санъатнинг сеҳрли олами, машаққатлари ва устоз-шогирдлик анъанаси ҳақида бўлди.

— Ёдгора опа, санъат соҳасига кириб келишингизга сабаб бўлган омиллар ҳақида гапириб берсангиз.

—Мен болалигимданоқ санъаткор бўлишга қизиқканман. Менимча, ҳар бир бола ўз дунёсида қайсидир рол ижрочиси, қайсидир китоб ёки эртак қаҳрамони бўлади. Маҳалламизда болалар билан турли-туман томошалар қўярдик, бош рол ижрочиси бўлиш ниятида баъзан жанжаллашиб ҳам қолардик. 6 ёшимдан бошлаб саҳнага чиққанман.

— Кимларни устоз деб, "этагидан ушлагансиз"?

—Барча ўзимдан ёши улуғ бўлган санъаткорларни устоз деб ҳисоблайман. Лекин менга чин маънода устозлик қилган, санъатнинг машаққатларига, қийинчиликларига мардонавор чидаб боришни ўргатган Назира Алиева, Муҳаббат Йўлдошевалардан бир умр миннатдорман. Улар санъатнинг, театрнинг барча сир-синоатлари билан мени ошно этишди. Ролларимга тайёрланиш жараёнида йўл-йўриқ ва маслаҳатлари билан менга мадад бериб туришди.

—Ёдгора опа, барча орзуларим рўёбга чиқди, деб ўйлайсизми?

— Йўқ. Чунки инсон тирик экан, албатта энг буюк ва юксак орзу-умидлар билан яшайди. Менинг ҳам кўпгина орзуларим бор. Шулардан бири фарзандларимнинг бахту иқболини, камолини кўриш.

— Ўзингиз севиб ижро этадиган ролингиз.

— Санъаткор ўзига топширилган ҳар бир образни севиб ижро этади. Менинг ҳар бир ролим ўзимга қадрли. Энг қадрлиси эса "Оқ кема" спектаклидаги Нурғози ва "Сен етим эмассан" спектаклидаги Витя образларидир.

— Келажакдаги режаларингиз.

—Келгусидаги бирдан бир орзуим Ёш томошабинлар театри ижодкорлари билан яратган энг яхши томошамизни чет элларда намойиш этиш.

Мухлиса МУҲИДДИНОВА суҳбатлашди.

«ГРАНД-СИНЕМА» — ЯНГИ КИНОТЕАТР

Телекоммуникациянинг ривожланиши, турли техник асбоб-ускуналарнинг кўпайиши кишиларга мана шундай имкониятлар туғдириб берган.

Лекин бадиий фильмни телевизор экранидан кўра кўпроқ катта экранда томоша қилиш фильмда айтилмоқчи бўлган кўпгина фалсафий, ғайриоддий фикрларни уқиб олишга замин ҳозирлайди.

Утган ҳафтада пойтахтимизда "Радио-гранд" радиоси ташаббуси билан "Гранд-Синема" деб номланган янги кинотеатр иш бошлади. Ушбу санъат даргоҳининг очилиш маросимида иштирок этган таниқли актёрлар, маданият ва санъат намоёндалари ушбу кинотеатр ишига омад тиладилар.

Илк томошабинларини америкалик машҳур актриса Камерон Диас иштирок этган "Чарли фаришталари" фильми билан хушнуд этган кинотеатрнинг йўли ойдин бўлишини тилаб қоламиз.

АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

Тамарахоним, Гавҳар Раҳимова каби санъаткорларнинг шогирди, халқ қўшиқларининг моҳир ижрочиси Мавлуда Ойнақулованинг ўзи ҳам бугун устозликнинг барча машаққатларини елкасига олган.

Суҳбатимиз устоз-шогирдлик анъанаси ва хонанданинг бугунги кундаги фаолияти билан боғлиқ бўлди.

— Болалигимда жуда тортинчоқ ва уятчан бўлган эдим, лекин биринчи устозим, марҳум Собит Налибоев мендаги ижрочилик қобилиятини сезиб, уларни юзага чиқаришимга яқиндан ёрдам берди. "Лазги" ансам-блига келишимга шу киши сабабчи бўлган. Тунис ва Марокаш давлатларига бўлган ижодий сафарим чет элларга бўлган биринчи саёҳатим эди. Карфаген шаҳрида бўлган бутунжаҳон ашула ва рақс фестивалида фаол иштирок этганмиз. Ўша ерда мен фестивал ғолиби бўлдим. Менинг ижодий ҳаётимда ўзининг доно маслаҳатлари, меҳрибончиликлари билан катта роль ўйнаган устозларим атоқли бастакор, Ўзбекистон халқ артис-ти Муҳаммаджон Мирзаев, халқимизнинг севимли санъаткорлари Гавҳар Раҳимова ва Тамарахонимларни бир умр ёдда тутаман. Дунёнинг 86 тилида қўшиқ айта олган Тамарахоним менга бошқа халқлар тилида ҳам ашула айтишни ўргатган.

— Қандай мавзуларда қўшиқлар куйлашни ёқтирасиз?

— Лирик, ишқ-муҳаббат мадҳ этилган қўшиқларни ҳамда қадим-қадимдан ота-боболаримиз тилидан тушмай келаётган халқ лапарларини. Чунки халқ тилидан айтилган ҳар бир қўшиқ ва гапда албатта, Ватанга, ёрга, фарзандга, қўйингки, бутун оламга бўлган чексиз меҳру муҳаббат мадҳ этилади.

— Бугунги кунда қандай қўшиқлар яратяпсиз, нималар билан машғулсиз?

— Бўш вақтимни шогирдларимга бағишламоқдаман. Уларнинг халқ ашулаларига бўлган ихлосини, қўшиқчилик санъатига бўлган қобилияти ва истеъдодини кўриб, уларни энди очилаётган бойчечак сингари парваришлаб вояга етказиш керак, деган хулосага келдим. Шогирдларим номини айтмай қўяқолай. Яқин кунларда мен шогирдларим билан бирга концерт дастури намойиш этмоқчиман. Ана шу дастурда ўз меҳнатим натижасини кўраман, деган умиддаман.

— Суҳбатингиз учун раҳмат.

Қалдирғоч МАМБЕТОВА суҳбатлашди.

ДЎСТЛИККА ЧОРЛОВЧИ ТАДБИР

Яқинда Индонезиянинг юртимиздаги элчихонасида икки мамлакатнинг мустақиллик кунига бағишланган тантана, катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Маълумки, Индонезия халқи ҳам ўз мустақиллигини август ойида қўлга киритган.

Тадбирни Индонезиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Рони Ҳидоят Гастина жаноблари очиб, "Икки халқ вакилларини элчихонамиз майдонида кўриб турганимдан беҳад миннатдорман, бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарликни янада мустаҳкамлайди, миллий қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиромни юксалтиришга хизмат қилади", деди.

Шундан сўнг байрамона безатилган саҳнада Индонезия ва Ўзбекистон халқларининг миллий куй-қўшиқлари ва мафтункор рақслари ижро этилди.

Индонезияликлар томонидан ижро этилган "Олэ тари", яъни "Севишганлар рақси" йиғилганларга аъло кайфият улашган бўлса, Мукаррама Турғунбоева номидаги "Баҳор" рақс дастаси қизларининг чиқишлари ҳам меҳмонлар ҳайратига ҳайрат қўшди.

Шунингдек, тадбирда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси қошидаги "Взлёт" ансамбли ҳам ўз санъатини намойиш этди.

Индонезиянинг экспорт салоҳияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар намойишида эса йиғилганлар нафақат бу ернинг маҳсулотларини томоша қилишди, балки уларни сотиб ҳам олишди.

Тадбир ўзгача завқ-шавқ ва кўтаринки кайфият билан ниҳоясига етди.

Козимхон САЪДУЛЛАЕВ

ЯПОН АДАБИЁТИ АДИБЛАРИМИЗ НИГОҲИДА

Тошкентдаги Ўзбек-Япон марказида "Япония адабиёти ва шеърияти ўзбек адиблари нигоҳида" мавзуида семинар ўтказилди.

Анжуманда Японияниг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киока Накаяма хоним япон адабиёти тарихи ҳақида сўзлаб, ўзининг ўзбек адабиётига ҳам ихлоси баландлигини, лекин япон ўқувчилари ҳали ўзбек адибларининг ижодидан бирмунча бебаҳра эканлигини айтди. Ўтказилаётган семинар ўзбек асарларини япон тилига ўгириш ва ўзбек-япон муносабатларини кенгайтиришда янги бир мезон бўлишини таъкидлади.

— Мамлакатимизда Япония маданияти кунларининг ўтказилиши халқларимизни янада яқинлаштирди, — деди Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов. — Икки миллатнинг урф-одатлари, турмуш тарзи бир-бири билан муштаракдир. Ваҳоб Рўзиматов, Мирпўлат Мирзаев, Хуршид Давроннинг таржималари ўқувчиларга япон адабиётига бўлган қизиқишни аллақачон уйғотган. Бу икки элат назми ўртасида ҳам ўхшашлик мавжуд. Япон шеъриятидаги "қисқа қўшиқлар" -танкалар ўзбек шоирлари ижодида кенг тарқалмоқда. Жаҳон адабиётида ўз ўрни ва мактабини яратган япон адабиёти инсон тафаккурининг энг юксак чўққисидир. Япония узоқда, лекин дўстлик бу масофани қисқартиради.

«Мен Японияда бўлмаганман, тилини ҳам билмайман, лекин иккинчи жаҳон уруши пайтларида асирликка тушган япон йигитини эслаганимда, бу кунчиқар мамлакат одамларининг ҳаёти кўз олдимда яққол намоён бўлади. У ҳақиқий "самурай" эди. Улар ҳақида нимадир ёзиш "Офтобойим" ҳикоясининг туғилишига сабаб бўлди», деди ёзувчи Саид Аҳмад.

Шунингдек, Фарғонадаги Риштон-Япон марказидан анжуманга ташриф буюрган болаларнинг япон тилидаги саҳна кўринишлари иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди.

"Туркистон-пресс"

«...Бирорта кимсанинг сувни булғатишига йўл қўймайман. Оқиб турган шу Бўзсув номига қасамёд қиламан», деган эди...

Мухтарам ҳамкасблар!

Сизларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий қутлаймиз.

Еш авлодни баркамол инсонлар этиб тарбиялашдек жиддий ва шарафли ишларингизда муваффақиятлар ёр бўлсин!

Бахт ва қувонч Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

Олтиариқ тумани халқ таълими бўлими жамоаси

«Бўзсув номига қасамёд!»

Орол денгизини халқаро фонди СЕГ агентлиги в Ҳукуматити Узбекистон миллий ноғи гурухи

"Бодомзор" Тошкент шаҳридаги машҳур маҳаллалардан биридир. Бўзсув бу маҳалланинг шимолий-шарқий чегарасини ёқалаб оқиб ўтади. Унинг икки қирғоғи бўйлаб қатор шифо масканлари, сўлим чойхоналар қад ростлаган. У ерларда кечаю-кундуз одамлар гавжум...

Бизнинг болалигимиз ҳам шу маҳаллада, Бўзсув қирғоқларида кечган. Кунлар исиб кетиши билан биз — Баҳромжон, Баҳодиржон, Фарҳоджон, Шухратжон, Тўйчижон, Ғаффоржон каби тенгқурлар сувдан чиқмай чўмилиб кунни кеч қилардик. Баъзан сув юзида оқиб келаётган ахлат ва чиқиндиларни дўстимиз Шухратжон кўриб қолса унинг катта-катта тимқора кўзлари янада катталашиб, жаҳли чиқиб, бизларга юзланиб, "эҳ, яна кимдир ахлат ташлабди, ана оқиб келаяпти. Одамларга ахлат ташлашга Бўзсувдан бошқа жой йўқми? Сувга душманлик — ўзбек халқига душманлик. Маҳалла раиси қаёққа қарайди... Сувни булғатиб ифлос қилувчи кимсаларни аниқлаб таъзирини бериб қўйса ёки катта жарима ундирса бўлмайдими?", дерди. Чўмилаётганимизда бирортамиз билмай сувга туфлаганимизни кўриб қолса ҳам танбеҳ берарди. У сувни жуда- жуда эъзозларди, азиз тутарди. Биз унга "Шухратжон, оғайни, кўпам кўзингни ола-кула қилиб тажанг бўла-верма, вақти келиб сени маҳалла раислигига сайлаймиз. Ана ўшанда Бўзсувни ҳеч кимга хорлатмайсан, ҳатто унга туфлатмайсан ҳам", деб ҳазиллашар эдик. У бўлса жиддий оҳангда, "оғайнилар, менинг маҳаллага раис бўлишим шарт эмас. Сувни тоза ва ҳалол тутиш, авайлаб-асраш, тежаш барчанинг бурчи бўлиши керак. Катта бўлай, қўлимга пул тушсин, Бўзсувнинг доим ўзимиз чўмиладиган шу "Айлана"дан бошлаб Тошкент аграр университети ёнидан ўтган халқа йўл кўпригигача бўлган икки қирғоғини ўз ҳисобимдан бўлса ҳам албатта турли-туман чиқиндилардан, ахлатлардан тозалатиб, озода ва кўркам қилиб қўяман. Бирорта кимсанинг сувни булғатишига йўл қўймайман. Оқиб турган шу Бўзсув номига қасамёд қиламан", деган эди...

«Вақт — оқар дарё деганлари рост экан. Болалик ҳам оқар сувдек оқиб, ўтиб кетди. Тақдирни қарангки, болалик давримизда Бўзсув бўйида ҳазиллашиб айтган сўзларимизга "Фаришта омин" деган эканми, ҳақиқатдан ҳам Шухратжон "Бодомзор" маҳалласига раис бўлди. У ўзининг раислик фаолиятини дастлаб Бўзсув қирғоқларини ахлатлардан, маиший чиқиндилардан тозалашдан бошлади. Шухратжон маҳалла ёшларини йиғиб, уларга сув улуғ неъмат эканлигини алоҳида таъкидлаб, "Ўзбекистонимиз озодликка эришди. Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиздаги улкан дарёлардан тортиб жажжи жилғаларгача ўзимизники бўлди. Бўзсув ҳам энди бизники. Уларни авайлаб-асрамоқ, озода тутмоқ, тежамоқ биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

XXI аср сув танқислиги асри бўлади. Сувни покиза ва ҳалол тутиш, авайлаб-асраш асри бўлади. Агар биз сувни бехуда сарфлашнинг олдини олсак, авайлаб-асрасак мамлакатимизни, халқимизни, ўзимизни, умуман, дунёни асраган бўламиз", деди.

Раис маҳалла ёшлари орасидан чаққон йигитларни саралаб, "сув посбонлари" дастасини ташкил қилди. Уларга ўзи "бош-қош" бўлиб Бўзсувнинг "Минг ўрик", "Бодомзор", Ғиёс Файзиев (собиқ "Боксёрский") каби қатор маҳаллалари билан туташ қирғоқларини ахлатлардан тозалашга киришди. Шухратжоннинг бу ишини кўриб баъзилар "нима қилаяпти раис" деб таажубланишди, баъзилар "раиснинг сув ва ахлатдан бошқа ташвиши йўқми?" деб пичинг ҳам қилиб юришди. Раис бу гаплар-га парво қилмади. Хайрли ҳаракат давом этди.

Сувнинг бошқа қирғоқларини қўяверинг, биргина "Болалар санаторияси"га туташ жойининг ўзидан 25 машина ахлат ва турли-туман чиқиндилар йиғиштирилиб ташланди.

Собиқ шўролар даврида, айниқса, иккинчи жаҳон урушидан сўнг Бўзсувнинг икки қирғоғига яқин жойлашган пала-партиш қурилган пастқам уйларнинг сувга оқиб ётган оқовалари тўхтатилди, "Сув — муқаддас неъмат", "Сувни асранг", "Сувни увол қилманг", "Сувни ифлослантирманг" деган сўзлар ёзилиб чойхоналарнинг кўзга яққол ташланадиган жойларига илиб қўйилди. Қисқаси, сув бўйидаги чойхоналар ҳам тартибга тушиб қолди. Сув посбонлари моторли қайиқ ёрдамида навбатма-навбат Бўзсув қирғоқларининг тозалигини назорат қилиб боришди.

Тез кунларда Бўзсувнинг икки қирғоғи турли-туман чиқиндилардан, ахлатлардан тозаланиб, бульдозерлар ёрдамида текисланиб, киши кўзини қувонтирадиган бўлиб қолди. Ҳақиқатдан ҳам, Шухратжоннинг раислиги даврида ҳеч ким ахлат ташлаб сувни булғамайдиган, хор қилмайдиган бўлди. Дўстимиз болалик даврида қилган қасамёдининг устидан чиқди.

Алп қоматли бу ўктам йигитнинг амалга ошираётган таҳсинга лойиқ эзгу ташаббусидан қариялар мамнун бўлиб, "Зариф ота ҳам "Бодомзор" маҳалласига раис бўлган даврларида кўп хайрли ишларни қилган эди. Ўғли ҳам унинг йўлидан кетаяпти. Отасига раҳмат, умридан барака топсин Шухратжон" деб дуолар қилишди...

Лекин Шухратжондан кейин халқимиз учун ҳам, Ўзбекистонимиз учун ҳам ниҳоятда фойдали бўлган бу эзгу ҳаракат-ташаббус тўхтаб қолди. Қани энди "Бодомзор" маҳалласининг бугунги раиси, умуман юртимиздаги барча маҳалла раислари ҳам Шухратжон бошлаган катта ташаббусни давом эттириб, "сув посбонлари" гуруҳларини ташкил қилиб, ўзбек сувининг увол бўлишига, ифлосланишига қарши курашсалар халқимизнинг сувга нисбатан сўна бошлаган азалий пок эътиқодини қайтадан тикланишига, она Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнашига ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшган бўлар эдилар.

Абдуҳамид ЖАЛОЛОВ

Оилавий яратилган кашфиёт уларга оламшумул шуҳрат келтирди ва эр-хотин Корилар ҳақли равишда 1947 йилги физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлдилар.

ДУНЁ ДАРИЧАСИ

БЕДАРАКЛАР УЧУН ЎЛГАНЛИК ГУВОҲНОМАСИ

Америка Қўшма Штатлари БМТнинг Хавфсизлик Кенгашига террористик гуруҳларни молиялаштиришни тўхтатиш ҳақидаги резолюция лойиҳасини тақдим этди. Шунингдек, лойиҳада гумондор шахсларни бериш ва ахборотларни айирбошлаш хусусида ҳам гап боради. Гарчи, Кенгашнинг доимий 4 аъзоси — Россия, Буюк Британия, Франция ҳамда Хитой давлталари резолюцияни қўллаб-қувватлаган эсалар-да, БМТ Бош Ассамблеяси уни тасдиқлаши лозим.

Ўша "Қора сешанба" номини олган 11 сентябрь куни Бутунжаҳон савдо марказига уюштирилган ҳужум туфайли бедарак кетган 6000 нафардан ортиқроқ кишиларнинг яқинларига изсиз йўқолганларнинг ўлганликлари ҳақидаги гувоҳномалар берилди. Террористларни ҳибсга олиш бўйича олиб борилаётган ҳаракатлар туфайли ҳозирга қадар 29 нафар гумондор шахслар ҳибсга олинди. Брюсселда бўлиб ўтган НАТОга аъзо давлатлар мудофаа вазирларининг учрашувида иштирок этган АҚШ мудофаа вазири ўринбосари Пол Вульфовиц уларнинг қўллаб-қувватлашларига миннатдорчилик билдирган бўлсада, Америка ўз иттифоқчиларидан ёрдам кутмаётганлигини айтган.

АЛОҚА БОР, ЁРДАМ ЙЎҚ

Афғонистондаги Шимолий Иттифоқ вакилининг билдиришича, Шимолий қўшинлар расмий Вашингтон билан алоқа ўрнатган эсалар-да, ҳозирча ҳеч қандай кўмак олганлари йўқ. Иттифоқ вакили доктор Абдулло Америка ёки Британия ҳарбийларининг ёрдамга келганликлари ҳақида тарқалган миш-мишларни кескин рад этди. Ундан аввалроқ эса, мухолифат кучлари, агарда Қўшма Штатлар Толибларга қарши ҳужумни бошласалар, америкаликларга разведка маълумотлари берилишини айтган эдилар. Ҳозирда икки томон ўртасида қаттиқ тўқнашувлар давом этаётган бўлиб, Абдулрашид Дўстум аскарлари толибон назоратидаги олтита муҳим стратегик объектни қўлга киритдилар.

Куни кеча Американинг бўлғуси ҳужумидан норози бўлган минглаб кишилар намойиш ўтказиб, Қобул шаҳридаги 12 йилдан бери ёпиқ турган АҚШ элчихонасига ўт қўйдилар. Аммо айни дамда мамлакатнинг Покистон ва Эрон билан чегара ҳудудларида 3,5 млн. қочоқ борлиги маълум.

18 МИЛЛИОНЛИК ЁРДАМ

Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари бўйлаб сафарга чиққан Европа Иттифоқи делегацияси Покистон ҳукумати билан музокаралар ўтказди. Иттифоқ вакили Крис Паттэн расмий Исломободнинг бугунги юритаётган сиёсатини юқори баҳолади ҳамда Покистондаги қочоқлар лагерларида вужудга келган муаммоларни бартараф этиш учун 18 миллион АҚШ доллари миқдорида ёрдам ажратилганлигини маълум қилди. Делагация сафарининг мақсади терроризмга қарши курашувчи халқаро иттифоқ тузишда мусулмон давлатларининг ёрдами муҳимлиги ва бўлғуси ташкилот ислом динига қарши йўналтирилмаганлигини Осиё ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари раҳбарларига тушунтиришдан иборат.

ЯҚИН ШАРҚДА ЯНА ТЎҚНАШУВ

Ғазо секторининг Миср билан чегара ҳудудида жойлашган Рафах шаҳрида исроилликлар ва фаластинликлар ўртасида қонли тўқнашув юз берди. Маълум бўлишича, Исроил қўшинлари ушбу шаҳардаги Фаластин қочоқлари яшайдиган лагерга бор-йўғи 200 метргача яқин масофага келиб ўт очганлар. Натижада уч Фаластин фуқароси ҳалок бўлиб, 20 нафари жароҳатланган.

Ундан бироз аввалроқ эса Мухторият раҳбари Ёсир Арофат ҳамда Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ўртасида учрашув бўлиб ўтди ва унда ўт очишни тўхтатиш борасида икки томон ўртасида имзоланган ўзаро битимни сақлаб қолиш ҳақида гап борди, дея хабар берди "Рейтер" агентлиги.

ЯНГИ БЎЛИНМА КЕЛАДИ

Ниҳоят албан исёнчилардан 3875 дона қуролни йиғиштириб олган НАТО қўшинлари Македониядан чиқиб кета бошладилар. Шу муносабат билан Скопьега келган ташкилот раҳбари Жорж Робертсон "Биз ўз зиммамиздаги вазифани адо этдик. Энди мамлакат парламенти албанларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ошириш тўғрисида Конституцияга киритилажак ўзгартиришларни кўриб чиқиши лозим", деди. Кўпи билан 4 ойдан сўнг бўладиган парламент сайловларига ҳозирданоқ тайёргарлик кўриш бошланди.

Тинчлик режасининг иккинчи босқичи ҳаётга жорий этилишини назорат этадиган халқаро кузатувчилар хавфсизлигини таъминлаш учун эса Македонияга олмон аскарларидан иборат НАТОнинг янги ҳарбий бўлинмаси киритилади ва уларнинг туриши 6 ёки 9 ой давом этиши кутилмоқда.

ТИРИКЛИК МАНБАЛАРИ

Nobel mukofoti sohiblari

Дастлабки мақолаларимиздан бирида айтиб ўтганимиздек, А.Нобел васиятига биноан, мукофотлар асосан бешта соҳа вакилларидан иборат олимларга берилади. Шу соҳалардан бири физиология ва тиббиёт соҳаси бўлиб, бундан буён шу йўналишлар бўйича ноёб мукофотга сазовор бўлган олимларнинг ҳаёти ҳамда уларнинг фан ривожидаги илмий салоҳиятлари тўғрисида сўз юритамиз. Бу галги ҳикоямиз тирик организм учун энг асосий ҳаёт воситаси бўлган биоэнергиянинг ҳосил бўлиши ва унинг вазифаларига бағишланади.

XX асрнинг бошларида швециялик тадқиқотчи Магнус Бликс термоэлектрик ҳодисани қўллаш билан тирик организмдан ажралиб чиқадиган иссиқлик миқдорини ўлчаш имконини берадиган янги қурилма яратди.

Кейинчалик бу қурилмани англиялик олим Арчибалд Хилл (Кембриж университети) янада такомиллаштирди. Термогалванометр деб ном олган бу қурилма жуда қисқа вақт ичида мингдан бир градусгача бўлган ўзгаришни ўлчай олар эди. Ушбу қурилма ёрдамида мушакларнинг қисқариши пайтида юз берадиган жуда қизиқарли биокимёвий жараёнлар кашф қилинди.

А.Хиллнинг аниқлашича, мушаклар қисқарганда (сиқилганда) инсон танасидаги кимёвий энергиянинг ўзгаришидан ҳосил бўладиган иссиқликнинг бир қисми ажралиб чиқади. Иссиқликнинг қолган қисми эса, бир неча минутдан сўнг ажралиб чиқади. Барча иссиқлик миқдори мушакларнинг термодинамик машина каби ишлаши натижасида юзага келади ва унинг фойдали иш коэффициенти 20-30 фоизни ташкил этади.

Англиялик тадқиқотчи яна мушаклар сиқилиши жараёнини, уларнинг кислород билан озиқланиши ўртасидаги боғланиш қонуниятини ҳам ўрганди. Шуниси аниқки, мушаклар сиқилишининг дастлабки фазасида кислород керак бўлмайди. Сиқилишнинг кейинги фазасида эса кислороднинг қанча керак бўлиши асосан қўшимча иссиқлик ажралиб чиқиш ёки чиқмаслигига боғлиқ бўлади.

Ушбу қонуниятларни мушакларнинг ишчи ҳолатга тикланиши ва уларнинг фазали ҳаракатлари билан биргаликда ўрганиш биокимёгарлар учун янги муаммо ҳамда масалалар қўя бошлади.

1859 йили олмониялик олим Эмил Генрих Дюбуа-Реймон мушак тўқималарида сут кислотаси борлигини аниқлади. Сал аввалроқ у Берцелиусдан олган мактуб орқали швециялик олимлар томонидан кийик гўшти таркибида сут кислотаси топилганлиги тўғрисида маълумот олган эди. Ушбу дастлабки изланишлар ҳаво олиш ва энергия ажратиб чиқариш билан боғлиқ биокимёвий тадқиқотлар билан кенг миқёсда шуғулланишга йўл очиб берди.

XX асрнинг дастлабки йилларига келиб мушакларнинг "ишчи" даврида сут кислотаси тўпланиши ва ҳаракатланиш бўлмаганда мушакларнинг оксидланиши аниқ бўлди. Аввалига бу нарса мушак тўқималарида ҳосил бўладиган кераксиз маҳсулот ҳисобланган эди. Фақат олмониялик олим Отто Мейергоф ўтказган бир қатор тажрибалар асосидагина бу масалага аниқлик киритилди.

Аввало шу нарса аниқ бўлдики, мушакларнинг тинч ҳолатида сут кислотасининг учдан бир қисмигина оксидланади. Шундан сўнг О.Мейергоф сут кислотасининг бир қисми полисахаридли гликоген ҳосил қилиш билан қайта тикланишини аниқлади. Бу модда баъзи ҳоссалари билан крахмалга ўхшаб кетади ва хайвонлар мушак тўқималарида энергия "ўчоғи" вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, мушаклар сиқилишида иссиқлик ҳосил бўлиши О.Мейергоф исботлагандек, гликогеннинг моносахарид ва сут кислотасига ажралишида юз беради. Бу пайтда кимёвий энергия механик энергияга айланади.

Мушаклар фаолияти термодинамикасида биоэнергиянинг ҳосил бўлишини ўрганиш ва шу соҳадаги буюк илмий хизматлари учун Арчибалд Хилл ва Отто Мейергофлар 1922 йили физиология ҳамда тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига лойиқ, деб топилдилар.

Одатдаги шароитда глюкоза ва кислород реакцияга киришмайди, лекин баъзи ферментлар иштирокида қанд осон осидланади ҳамда углерод икки оксиди ва сувга ажралади. Бундай реакцияларда ферментлар биокатализаторлар вазифасини бажаради. Бу катализаторларни ўрганиш борасида катта ютуқларга эришган таниқли олим Отто Варбург эди. О.Варбург ўз илмий изланишларини Берлиндаги тўқималар физиологияси институтида олиб борган. Маълумки, ферментлар тайёр ҳолда жуда кам учрайди, шу сабабли О.Варбург уларни спектроскопия усулини қўллаш билан ўргана бошлади.

Тиббиёт фани тарихидан маълумки, XIX асрнинг 80-йилларида Чарлз Макманн айнан шу спектроскопия усулини қўллаш билан баъзи тўқималарда кислород ютадиган номаълум моддани кашф қилди. Бу модда гемоглобин каби спектр чизиқлари ҳосил қилар эди.

Олимлар бу кашфиётнинг маъносига О.Варбург тўқималарнинг нафас олиш жараёнларини ўргана бошлаганда тушуниб етдилар. У яна ўша спектроскопия усулини қўллаган ҳолда, биологик оксидланиш катализаторларини гемоглобин билан айнан ўхшашлигини аниқлади. Ўтказилган тажрибалар асосида нафас ферменти ҳам ўзининг оқсил молекуласида кислород билан таъсирлашувчи бир темир атомли порфирин ядроси борлиги маълум бўлди.

Бундай нафас олиш ферментлари цитохромалар деб атала бошланди. Ферментлар ҳаракати билан тўқималар нафас олиши механизмини аниқлагани ва шу соҳада очган кашфиётлари учун Отто Варбург 1931 йили Нобел мукофоти билан тақдирланди.

Инсон танасида бир нечта кўринишдаги энергия "аккумуляторлари" мавжуддир. Тана энергиясининг заҳирасини "тўплаш"да АТФ (аденозинтрифосфат)лар муҳим вазифани бажаради. АТФ-аденозин ва уч фосфат кислота қолдиғи бўлиб, деярли барча тирик организмларда энергия йиғувчи омил ролини бажаради. Махсус ферментлар таъсири билан фосфат кислоталари парчаланганда энергия ажралиб, мушакларнинг қисқаришига сарфланади. Энергия манбаи бўлиб полисахаридлар ҳам хизмат қилади: булар крахмаллар (ўсимликларда) ва гликогенлар (ҳайвонларда)дир. Булар кўп миқдордаги глюкоза молекулаларидан иборат биополимерлардир.

Шу ерда крахмал ва гликогенларга таъриф бериб ўтамиз. Крахмал — ўсимликларнинг заҳира углеводи бўлиб, глюкоза қолдиқларидан ҳосил бўлган икки полисахарид - амилоза ва амилопектиндан ташкил топган. Асосан ўсимликлар уруғи, барги ва пояларида доначалар шаклида тўпланади. Гликоген ҳам глюкоза қолдиқларидан ҳосил бўлган полисахарид ҳисобланиб, одам ва ҳайвонларнинг асосий заҳира углеводи ҳисобланади. Майда доначалар ҳолида хужайралар (асосан жигар ва мушакларнинг хужайралари) цитоплазмасида тўпланади. Гликоген ферментлар таъсирида парчаланади ва қонга глюкоза ҳолида ўтади.

Гликогенларнинг парчаланиш жараёнларини эр-хотин Карл Фердинанд ва Герти Тереза Корилар чуқур ўргандилар. Улар бу соҳада физиология фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб кирган бир қатор илмий рисолалар ва мақолалар эълон қилдилар. Оилавий яратилган кашфиёт уларга оламшумул шуҳрат келтирди ва эр-хотин Корилар ҳақли равишда 1947 йилги физиология ва тиббиёт соҳасидаги Нобел мукофотига сазовор бўлдилар.

Фикримизни кейинги мақолада давом эттирамиз.

Абдумажит ТЎРАЕВ,
физика-математика фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика Жамияти ҳайъати аъзоси

МАСХАДОВ МУЗОКАРАГА КИРИШМОҚЧИ

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг чечен жангариларига қўлларидаги қуролларини ташлаб музокарага киришишлари ҳақидаги 72 соатлик таклифига айирмачилар раҳбари Аслан Масхадов расмий Москва билан музокаралар ўтказишга тайёрлигини билдирди. Ҳозирда ушбу таклиф муддати узайтирилган.

Қўшма Штатлар Президенти Жорж Буш эса чечен жангариларидан террорчи гуруҳлар билан, биринчи галда Усама бин Ладен ва унинг "Ал-Қоида" уюшмаси билан алоқани узишларини сўради. Бушнинг бу чақириғи расмий Москва Вашингтоннинг террорга қарши олиб бораётган айни сиёсатини қўллаб-қувватлашини билдирганидан сўнг янгради. Айрим манбаларга кўра, бу борада икки томон ўзаро битим тузганлар. Лекин, ушбу битим тўғрисидаги маълумотни Буш маъмуриятининг вакили рад этди, дея хабар беради Би-Би-Си.

ОЛИЙ ЖАЗО ДЕЯРЛИ БЕКОР ЭТИЛДИ

Туркия парламенти мамлакат конституциясига ўлим жазосини бекор этиш тўғрисидаги тузатиш киритишни қабул қилди. Эндиликда олий жазо фақат уруш вақтларида ва алоҳида ҳолларда, масалан: жиноятчилик, терроризм билан боғлиқ ҳолатларда қўлланилади холос. Бундай қарор расмий Анқаранинг Европа Иттифоқига аъзо бўлишига қадар муҳокама этилиши лозим. Бундан ташқари, эндиликда Туркиянинг олий сиёсий органи ҳисобланмиш миллий хавфсизлик Кенгашида ноҳарбийлар ҳам ишлайдиган бўлди. Ҳозирга қадар эса у ерда фақат ҳарбийлар етакчилик қилаётган эди.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти жамоаси

Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, буюк келажагимиз — Ўзбекистонга фидокорона хизмат қиладиган, унинг юксак ва қудратли бўлиши учун курашадиган, давлат ва миллат манфаатларини юракдан ҳис этадиган, ўз иқтидори билан Она юртни улуғлашга қодир, истеъдодли ва садоқатли, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда ўз зиммасига катта маъсулият юклаган барча муаллим, мураббий, устозу тарбиячиларни умумхалқ байрами — "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" муносабати билан табриклайди.

1 октябрь - "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни"

умумхалқ байрами муносабати билан республикадаги барча устозу муаллимларни самимий муборакбод этамиз. Ўзбекистон равнақи йўлидаги фидоийларча қилаётган меҳнатингиз самараси ҳамиша юқори бўлсин!

Бритиш Американ Тобако Узбекистан

БИР МАЖМУАДА 3000 НАФАР ЎҚУВЧИ

Республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб туриб, болаларга кўрсатилаётган эътиборни юракдан ҳис қилиб, бу амалларнинг барчаси келажак учун қилинаётганлигини, ўқувчи-болалар тақдирига ҳеч ким бефарқ эмаслигини сезади, киши.

Буни биргина таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларда ҳам кўриш мумкин. Айниқса, ёшларга таълим-тарбия беришда нафақат мактаблар, балки мактабдан ташқари таълим муассасаларининг ҳам ўз ўрнига эгалиги барчага аён. Чунки болалар ижодкорлик Марказларида, турли тўгаракларда тарбияланиш баробарида ҳунар ўрганадилар, бўш вақтларини унумли ўтказадилар. Бу масканлар яна шуниси билан аҳамиятлики, у ерда вақтини ўтказаётган ўқувчининг жиноят кўчасига кириб кетиши ҳеч қачон кузатилмайди.

Шу кунларда эса бундай таълим-тарбия масканларида ҳам ишлар анча жонланиб қолди. Чилонзор тумани Қўшимча таълим мажмуасида ҳам тўгараклар фаолият бошлади. Ушбу масканда 3000 минг нафардан ортиқ ўқувчи-болалар бадиий нафосат, маънавият ва маърифат, тасвирий-санъат ва тил ўрганиш каби бир қатор тўгаракларда бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Бундан ташқари 232-мактабда ҳам мажмуанинг бўлимлари мавжуд.

Янги ўқув йилини кўтаринки кайфиятда бошлаб, унинг бир ойини якунлаган ўқувчилар йил давомида ушбу тўгаракларда қизиқишларига қараб, дунёқарашларини бойитадилар, ҳунар ва хорижий тилларни ўрганадилар.

Гулнора ҚУДРАТОВА

ФЕДЕРАЦИЯ ИШ БОШЛАДИ

Қорақалпоғистон Республикасида Енгил атлетика федерацияси ташкил этилди. Янги федерация таъсис қурултойи натижасига кўра "Қорақалпоқтелеком" акционерлик компанияси раиси Ў.Таженов раҳбарлигида иш бошлади.

КУБОК ЭГАЛАРИ БАҲСИ

Тошкентнинг "Пахтакор" футбол клуби Осиё кубок эгалари кубогида муваффақиятли иштирок этмоқда. Қирғизистоннинг "СКАТВО" жамоасини икки учрашув натижасига кўра доғда қолдирган пахтакорчилар иккинчи босқич баҳсларига йўл олди.

ГИЛАМДА 150 ДАЪВОГАР

Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган Ўзбек кураши бўйича анъанавий V-Халқаро турнир бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз ва хорижий юртлардан ташриф буюрган 150 нафар сара полвон гиламга тушади.

РОНАЛЬДОГА ТАКЛИФ

Тиззасидан олган жароҳати туфайли 17 ой яшил майдонга туша олмаган Рональдо УЕФА кубоги ўйинларида иштирок этиб, ўз имкониятларини тиклаб олганлигини намоён этди. Бразилия терма жамоаси мураббийси Сколари уни ЖЧ-2002 саралаш учрашувларида қатнашишга таклиф этди.

КАРАТЭДА ЮКСАК ТАРБИЯ МУҲИМ

Барчамизга маълумки, бугунги кунда республикамизда бошқа бир қатор соҳалар билан биргаликда спортга ва унинг бир қанча турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, спортнинг каратэ тури ҳам кураш, бокс, футбол сингари халқимиз орсида жуда кенг миқёсда оммалашмоқда. Спортнинг мазкур турини ривожлантиришда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, талабчанлиги, тинимсиз ҳаракати ва меҳнати билан халқимизга ва каратэ ихлосмандларига яхши таниш бўлган, мазкур спорт турининг юлдузларидан бири Одил Норхўжаевдир. О.Норхўжаев 1958 йилда Андижон вилоятининг Андижон туманида туғилган. Ҳозирда Ўзбекистон Каратэ Миллий Федерациясининг вице-президенти, қора белбоғ 5-ДАН соҳиби О.Норхўжаев билан суҳбатимиз қуйидагича кечди.

—Одил ака, бизнинг анъанавий саволимиз, мактаб остонасига қачон қадам қўйгансиз ва сизни ўз бағрига олган устозингиз ҳақида нималар дея оласиз?

—Мен мактаб остонасига 1965 йилда қадам қўйганман ва эсимда, Азизахон ая (Худо раҳмат қилсин) бизга биринчи синфдан учинчи синфгача таълим берганлар. Бу меҳрибон ва мунис муаллимамиз бизни ўз фарзандларидек кўрар, кўз қорачиғидек асрар эдилар.

—Спорт соҳасида мана шу даражага етиб келишингиз учун биринчи пойдеворни қўйган устозим, деб кимларни эътироф этасиз?

— Ёшлигимда Арслон Элов деган инсон ҳақида кўп эшитганман, келажакда, албатта, у кишидек бўламан, деб уларга ўхшашга ҳаракат қилганман. Каратэ бўйича менинг биринчи устозим деб шу кишини биламан. Улар қаторида менинг кўпгина ишларимда ёрдамлашиб келаётган қора белбоғ 6-ДАН соҳиби Н.Нафасовни алоҳида тилга олишим керак. У кишини ҳам устозим деб тан оламан.

—Федерациянинг фаолияти тўғрисида гапириб ўтсангиз ва режангиздаги ишларингизни қай даражада бажара олдим, деб ҳисоблайсиз?

—Федерация, асосан, 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, дастлаб қатнашчиларнинг умумий сони 2000 нафарга етмаган. Федерациянинг вилоятларда ўз бўлимлари бор. Болалар ва қизлар 5 ёшдан бошлаб қабул қилинади. Ўтган 5 йил мобайнида аъзоларимиз сони 50 минг нафарга етди. Жаҳон чемпионатларида бизнинг терма жамоамиз болалари 200 та жангдан 89 та олтин ва бронза медаллари соҳиби бўлиб қайтишди. 5 йил давомида биз қанчалар мақсадимизга эриша олганимизни, менимча, каратэ ихлосмандлари ва асосийси, халқимиз баҳолайди, деб ўйлайман.

—Сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўтказилган сайловда сиз ўз лавозимингизга қайта сайландингиз. Федерациянинг сайловдан кейинги амалга оширажак режалари хусусида тўхталсангиз...

—Эришилган ютуқлар, ҳисоботлар ва натижаларга кўра, бўлиб ўтган сайловда Федерациянинг фаолияти ижобий деб баҳоланди ва қониқарли деб топилди. Федерациянинг юқори қисм устозлари таркиби сақлаб қолинди ҳамда қайта сайланди. Худди шу ҳисобот сайловлари вилоятларда ҳам ўтказилади. Режаларимиз вилоятларда жанг майдонидаги ҳакамларни тайёрлаш; фаолият кўрсатаётган вилоят инструкторлари малакасини оширишимиз зарур. Ҳозирда эса вилоятларда ўтказилиши зарур бўлган семинарларнинг режалари тузилаяпти.

—Жанг деганда, ўзўзидан маълумки, салбий ҳолат тушунилади ва ўша жанг майдонида агар биророта тараф енгилаверса, унда рақибига нисбатан бироз ғараз уйғонади. Бу боланинг психологиясига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатмайдими?

—Йўқ, аксинча, каратэда юксак тарбия муҳим. Агарда бола жанг майдонида енгилса, унга сабоқ бўлади, негаки, бу спорт тури инсон руҳияти билан боғлиқ бўлиб, болалар ёки қизлар қаттиқ тарбиялаб борилади. Тўғри, муҳими ғалаба, аммо жанг майдонида бола ўз маҳоратини кўрсатиб, барча усуллардан унумли фойдаланган ҳолда, бир-бирига жароҳат етказмасдан ғолиб чиқишга ўргатилади. Улар ўзларининг нималарга қодир эканликларини билиб юрганликлари ва ўзларига қатъий ишонганлари учун уларни чалғитиш, эътиборини хоҳлаган пайтингизда жалб этиш жуда мушкул бўлади. Руҳан тетик, хотиржам юрадилар. Кўпинча машғулотларда бу нарса болаларимизнинг кўзида яққол акс этиб турганини сезаман. Бундан ўзим ҳам хурсанд бўламан.

—Шогирдларингиздан нималар кутаяпсиз?

—Шогирдларимнинг халқимизни ардоқлайдиган, кўкларга кўтарадиган, халқнинг тинчлиги, фаровонлиги учун ўзида масъулият сезадиган инсонлар бўлиб етишишини чин дилдан истайман. Уларнинг орқасидан бу инсон ана шу устознинг тарбиясини олган, деган гапни эшитиш мен учун олий шараф.

Райҳон ХОЛМУРОДОВА суҳбатлашди.

ҚУТЛОВ

Сурхондарё вилояти, Музрабод тумани, Мирзо Улуғбек номидаги 2-ўрта мактабда айни кунда толмай меҳнат қилаётган азиз устозларимиз — Омонгул ЭШОНҚУЛОВА, Рўзигул ЖУМАЕВА ва Абдуҳалил КАРИМОВ!

Сизлар бугун кўп сонли шогирдларингизнинг барчасидан самимий дил изҳорларни эшитишга ҳақлисиз. Нафақат Сиз ва сизларнинг оила аъзоларингиз учун, балки биз шогирдларингиз учун ҳам қувончли кун саналмиш қутлуғ 50 ёшга тўлган таваллуд айёмларингиз ва шу кунларда нишонланаётган касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз!

Хонадонингизни файзу барака, дастурхонингизни тўкин-сочинлик, ўзларингизни мустаҳкам соғлиқ, юзингизни табассум тарк этмай, ҳамиша шогирдлар олқишига сазовор бўлишингизни тилаб қоламиз!

Барча шогирдларингиз номидан 1980 йил битирувчилари.

Congratulations

Ҳурматли Ўзбекистон Республикасининг ўқитувчилари ва мураббийлари!

Ўзбекистондаги АҚШ Тинчлик Корпуси Сизни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин дилдан муборакбод этади. Сизга мустаҳкам соғлик, бахт-саодат ва мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаши учун қилаётган меҳнатингизда муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўзбекистондаги АҚШ Тинчлик Корпуси Матмурияти

Муҳтарама Гулихон ЮЗБОЕВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан самимий қутлаб, педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз. Олтинсой туманидаги 22-мактабда ўқувчиларга таълим-тарбия бераётган устоз сифатида Сизни юксак қадрлаймиз. Ҳамиша соғ-саломат бўлинг.

Ҳамкасбларингиз ва оила аъзоларингиз

"МАЪНАВИЯТ ЮЛДУЗЛАРИ"

АЙЛАНМА КРОССВОРД



Белгиланган хонадан рақам атрофига соат мили йўналишида: 1. XX аср ўзбек адабиёти, фани ва маданиятининг йирик вакили, олим, драматург ва шоир, давлат ва жамоат арбоби. 2. IX асрда яшаб ижод этган, Марказий Осиёлик олимлар орасида буюк фалакиётшунос, риёзиёт ва географ бўлган ватандошимиз. 3. Ўрта аср ўзбек мумтоз шоири, олими, темурийзода ҳукмдор. 4. Мусулмон оламида энг забардаст донишмандлардан бири, ўз номи билан аталувчи тариқат асосчиси, хоразмлик буюк ватандошимиз. 5. "Мантиқ ут-тайр" асарини ёзиб қолдирган форс-тожик мутафаккир шоири. 6. Шарқ мамлакатларида "Ал-Муаллим ас-соний" — "Иккинчи муаллим" (Аристотелдан кейин), "Шарқ Арастуси" номи билан шуҳрат қозонган, жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган қомусий олим. 7. Ўзбек мумтоз шоири, мутафаккир, ғазал мулкининг султони, хамсанавис. 8. "Ҳикмат" асарида ўз номи билан аталувчи тариқатнинг барча жиҳатларини баён этган мовароуннаҳрлик донишманд. 9. "Зафарнома" асарининг муаллифи сифатида тарих зарварақаларида мангу муҳрланган муаррих. 10. Қонуншунослик, мантиқ каби соҳаларга оид асарлар муаллифи бўлган, X асрда яшаб ўтган олим, ватандошимиз. 11. "Арифметика калиди" асарини ёзиб қолдирган, ўнли касрни муайян асосда қўллаган Марказий Осиёлик олим. 12. XIV аср охири, XV аср ўрталарида яшаб, ижод этган ўзбек мумтоз шоири, бетакрор ғазаллар ва қасидалар муаллифи бўлган буюк истеъдод эгаси. 13. Қозоқ халқининг мумтоз шоири. 14. Туркистондаги жадидчилик ҳаракати намояндаларидан бўлган атоқли маърифат ҳомийси, ижодкор. 15. XV аср бошларида Мовароуннаҳрда шуҳрат қозонган улкан математик ва астрономлардан бири, Мирзо Улуғбек "устозим" деб ёзиб қолдирган аллома. 16. Ўз сиёсати билан бутун мусулмон олами тарихида ўчмас из қолдирган Буюк Соҳибқирон. 17. Хоразм давлати ҳукмдори бўлган маърифат ҳомийси, шоир, мусиқашунос. 18. XV аср ўрталаридан XVI аср бошларига қадар яшаб ўтган нозиктаъб адиб, нуктадон олим, маърифат дарғаларидан бири, "Искандар ойнаси" асари муаллифи. 19. Ўзбек мумтоз шоираси, давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, лирик ғазаллар муаллифи. 20. Ўрта асрнинг буюк қомусий олими бўлган ватандошимиз. 21. "Ҳафт-авранг" ("Етти тахт") асарини ёзиб қолдирган ижодкор, Темурийлар даври илм-фани ва адабиётининг фахри, сўз санъаткори бўлган устоз. 22. Ўзбек ва тожик адабиётлари ривожига муайян ҳисса қўшган зуллисонайн ёзувчи. 23. XV асрнинг биринчи ярмида Балх шаҳрида таваллуд топган, Аҳмад Яссавий авлодларидан бўлган етук ғазалнавис шоир. 24. "Мафотиҳ ал-улум" ("Илмлар калитлари") асарини ёзиб қолдирган аллома ватандошимиз, ҳисоб илми билимдони.

МУАММОНОМА:

Аввало, қуйидаги ижодкорлар ҳикматларида келтирилган сўзларни топиб очқичини ҳал этинг.

Носир Хисрав:

1. Кимки шогирдликка чин дилдан 10,9,7.
Бир куни ўзи ҳам бўлғуси устод

Абдулла Орипов:

2. Нега шеър ёзмайин юракдан ёниб,
Нега таъзим этмай сизга бу маҳал.
Нега хизматингиз қилмай қувониб,
Эй азиз муаллим, устози 2,13,13,2,3.

Абу Зайд ибн Сахл Балхий:

3. Ҳаёт сени эҳтимол ўз олдига ўтказар,
Ундан яхши 4,8,2,3,3,1,4. топмоқлигинг муқаррар.

Шухрат:

4. Эй, менинг кўзимга кўҳна дунёни,
Минг марта яшартиб кўрсатган инсон.
Эй менга одобу 4,12,5,6,8, ҳаёни,
Ҳамиша улуғлаб сўз қотган инсон...
Олтин 15,8,14. тонгида яна эсладим,
Сизни эй, ақлимга нур қўйган устоз!
Ҳаётда ўзимни бахтли санардим,
Сиз чеккан заҳматни оқласам бир оз!

Ғафур Ғулом:

5. Маънавий ва руҳий 15, 2, 4, 9, 3, 9, 11 учун
Ота-онамиздек муҳтарам устод —
"Алифбе" ўргатган ўқитувчининг
Ҳурматини сақлагум абад-умрбод.

Энди очқич сўзлар асосида шаклнинг айлана ҳолидаги хоналар рақамларида яширинган муаммономани ҳал этинг. Шунда улардан ҳикматли сўзлардан бирини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ ШУ ЙИЛ 15 СЕНТЯБРЬ СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига: 3. Зардушт, 6. Чўпон, 8. Авесто. 9. Анҳор. 12. Қарам, 14. Вольф, 16. Орфей, 17. Ўзаро, 18. Медия, 20. Пирга, 21. Хаома, 22. Аҳура, 24. Нмана, 27. Альфа, 28. Заҳар, 29. Виспати.

Бўйига: 1. Ташна, 2. Иштар, 4. Кўрпа, 5. Асқар, 7. Аҳоли, 10. Бақтрия, 11. Денкард, 13. Мазда, 14. Варух, 15. Френа, 16. Осида, 19. Томас, 20. А.Гатлар, 23. Хоразм, 24. Накир, 26. Азата.



Саховатли, меҳри дарё ўқитувчилар, устозлар, мураббийлар! Сизларни касб байрамингиз билан самимий муборакбод этамиз!

Фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашда ўзларингизнинг билим ва тажрибаларингизни уларга саховат ила улашаётганингиздан халқимиз сизлардан миннатдордир.

Авлодлар бардавомлигини тамъминловчи ёш авлодга таълим-тарбия беришдек ўта масъулиятли ишларингизда мувафаққиятлар тилаймиз! Сиз азизларга соғлиқ, бахт, куч, билим, сабр ҳамиша ёр бўлсин!

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррирлар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Дилбар ҲЎЖАЕВА.
Навбатчилар: Баҳодир ЖОВЛИЕВ, Ботиржон ҒОФУРОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2817. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 8 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 22-40

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ • معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 3 октябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 78 (7377)

Da'vat

Тарбиячи ўз тарбияланувчиларини қандай кўришни истаса, аввало унинг ўзи ўшандай бўлмоғи лозим.

В.ДАЛЬ

Ibrat

Жиззах шаҳридаги 6-ўрта мактаб халқаро Интернет тармоғига уланди. Вилоят ҳокимлиги Халқ таълими бошқармаси ёрдами билан амалга оширилган бу иш таълим сифатида катта ёрдам бериши, шубҳасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ – ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ

Мустақил Ватанимизнинг ўз давлат мукофотлари, орден ва медаллари, фахрий унвонлари таъсис этилгани жуда катта маънавий-тарбиявий, ахлоқий аҳамиятга эга. Зеро, улар, Президентимиз Ислом Каримов таъриф лаганидек, «ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир».

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 май куни бўлиб ўтган XV сессияси «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини белгилаш ва олий нишон - «Олтин Юлдуз» медалини таъсис этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилган эди. Худди шу куни Олий Кенгашнинг суверен ва мустақил Ўзбекистонни ташкил этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1995 йил 30 августда мамлакатимиз меҳнат фахрийларидан бир гуруҳига «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисидаги Фармонга имзо чекди. Юртимизнинг дастлабки қаҳрамонлари қаторида В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси чилангар-йиғувчиси Эркин Алимуҳамедов, Фарғона вилояти Тошлоқ тумани Ҳ.Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Мамажонов, Навоий кон-металлургия комбинати «Восток» кони экскаваторчилар бригадаси бошлиғи Анатолий Панин, «Мубораклгаз» кон бошқармаси оператори Бўрон Рўзиев, Бухородаги «Зардўз» акционерлик жамияти катта устаси Муяссар Темирова бор эди.

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлган бахтиёр инсонлар бугунги кунда 37 нафарга етди. Қаҳрамонлик унвони соҳибларининг - улар қурувчи ёки деҳқонми, зиёли ёки давлат арбоби ёхуд адибми, ҳаётида бир умумий ўхшашлик бор: уларнинг барчаси Истиқлолимизнинг боқийлиги, юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсатиб меҳнат қилаётган кишилардир. Қаҳрамонларимизнинг ўз соҳасида эришган улкан ютуқлари, катта ҳаётий тажрибалари, инсоний фазилатлари, тафаккур қудрати барча учун, аввало, камолга етаётган ёш авлод учун ҳамиша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам Ватани ва халқига фидойилик билан хизмат қилаётган бундай табаррук инсонларнинг ҳаёти ва фаолияти китобларга, фильмларга мавзу бўлмоқда.

Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти ана шу хайрли ишга қўл уриб, мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Қаҳрамонлари» деб номланган янги китобни кўп минг нусхада чоп этди. Тўпламда Ўзбекистоннинг дастлабки 32 нафар қаҳрамони ҳақидаги очерк ва лавҳалар жамланган. Китоб Давлат матбуот қўмитаси Ибн Сино, Ғафур Ғулом номидаги, «Ўқитувчи», «Ёзувчи», «Чўлпон» нашриётлари билан ҳамкорликда нашрга тайёрланди.

Китоб Ўзбекистон Республикасининг биринчи Қаҳрамони, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар билан очилади. Юртбошимизнинг мамлакатимизда амалга оширилган улкан ишлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

«Мухтасар қилиб айтганда,- дейилади китобда, - Ислом Каримов Ўзбекистон давлати ва давлатчилигини барпо қилиш, демократик фуқаролик жамияти қуриш асосларини яратди, янги асрда мамлакатимиз тараққиётининг асосий йўналишларини ишлаб чиқди, юртимизнинг ёруғ истиқболи йўлида кўпмиллатли халқимизни бирлаштириб, уни улуғ мақсадлар сари бошлаб бормоқда».

Китобдан ўрин олган очерк ва лавҳаларнинг муаллифлари таниқли адиблар ва журналистлардир. Улар ўз асарларида элим деб, юртим деб ёниб яшаётган фидойи инсонларнинг ёркин сиймоларини яратишга муваффақ бўлганлар.

Китобнинг яна бир қимматли жиҳати шундаки, у ўқувчида қаҳрамонларимиз тўғрисида теран тасаввур ҳосил қилади, бир-биридан қизиқарли ва ҳаяжонли лавҳаларга, тарихий далилларга ва қиёсий мисолларга бойлиги билан унда чуқур таассурот қолдиради. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, Ватанимиз фидойилари - замонамизнинг чинакам қаҳрамонлари билан нафақат бевосита учрашувларда, балки ана шундай китоблар орқали мулоқотда ҳам ўзимизга катта маънавий озиқ, ижобий таъсир олишимиз шубҳасиз.

(ЎзА)

Марғилон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги педагогика коллежида айни пайтда 1500 нафар талаба таълим олмоқда. Улар ўқув жараёнида мактабгача таълим, мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси, мусиқа таълими ва бошланғич синфлар жисмоний тарбия ўқитувчиси мутахассислигини эгаллайдилар.

Мазкур коллежда кўплаб малакали ўқитувчи ва мураббий хизмат қилади. Уларнинг аксарияти мамлакатимизнинг юксак унвон ва нишонлари билан тақдирланган.

Тажрибали ўқитувчи Хуршида Эркабоева ҳам шулар сирасидан. Айни пайтда Хуршида опа математика, физика ва информатика фани кафедрасининг мудираси вазифасида сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Хуршида Эркабоева ёш ўқитувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратади. Шу боис унинг шогирдлари кўп.

Суратларда: 1) Хуршида Эркабоева машғулот пайтида.

2) Коллежнинг умумий кўриниши.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

УСТОЗГА ТАЪЗИМ

Навоий шаҳридаги "Ширин" маданият саройида вилоятнинг барча туман, шаҳар халқ таълими ходимларининг вакиллари иштирокида устозлар байрамига бағишланган катта анжуман ўтказилди. Анжуманни вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Ғайбулло Дилов очиб, байрам иштирокчиларини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни — умумхалқ байрами билан қизғин табриклади.

Шундан сўнг сўзга чиққан нуроталик фахрий ўқитувчи Очил бобо Наврўзов барча соҳа ходимларини самимий табриклаб, уларга истеъдодли ва иқтидорли ёшларни тарбиялашда омадлар тилади.

Ўқувчилар, талабалар ўз устозларига бўлган эҳтиромини самимий сўзларда ҳамда шеъру қўшиқларда ифода этишди.

Тадбирда вилоятнинг кўплаб ўқитувчилари байрам муносабати билан ҳукуматимиз орден, медалларига ва юксак унвонларига сазовор бўлганлиги таъкидланиб, улар муборакбод этилди.

Шу куни вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан байрам дастурхони ёзилди. Шунингдек, "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси "Маънавият ва маърифат" маркази, вилоят маданият бошқармалари томонидан эса "Устозга таъзим" концерт дастури намойиш этилди.

Ўткир ПЎЛАТ

* * *

"Ўқитувчилар ва мураббийлар куни" — умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимизнинг Юнусобод тумани "Бодомзор" маҳалласида, оқсоқол Шукур Умаров бошчилигида маҳалла фаоллари мана шу ҳудудда истиқомат қилувчи 100 нафардан ортиқ барча ўқитувчиларни ва мураббийларни,қарилик гаштини сураётан фахрий муаллимларни бир пиёла чойга таклиф қилишди.

Маҳалла чойхонасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда барча таълим фидоийларига юксак эҳтиром кўрсатилди, уларнинг меҳнатлари қадрланди.

—Химия-технология институтида 40 йил иқтисодиёт фанидан дарс берганман. Маҳалла оқсоқоли уйимга келиб, бугунги байрамга таклиф қилганида кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди нафақадаги ўқитувчи Нўъмон Нурмуҳамедов.

Бундан ташқари 105-мактаб ўқитувчилари Мария Криченко, Гулжамила Аъзамхўжаева, 70-мактаб директори Марфуа Аҳмаджоновалар маҳалла фаолларига, тадбир ташкилотчиларига миннатдорчилик билдиришди.

Байрам сўнгида барча мураббийларга гулдасталар тақдим этилди.

Устозларни улуғлаган, уларни эъзозлаган кишилар ҳеч қачон хор бўлмайди. Буни "Бодомзор" маҳалласи фаоллари яхши билишади.

Б.РИЗОҚУЛОВ

"Ma'rifat" МАСЛАҲАТХОНАСИ 2-бет

ФАНЛАР УЙҒУНЛАШГАНДА 2-бет

"УМИД НИҲОЛЛАРИ"НИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ 3-бет

Fikr, mulohaza, taklif

ПЕДАГОГИКА ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИ

МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Истиқлол йилларида халқ хўжалигининг барча соҳаларида бўлганидек, халқ таълими тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди, бу соҳа тараққиёт йўли белгилаб олинди ва босқичма-босқич ҳал этиб борилмоқда.

Узлуксиз таълимни ташкил этиш, такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини оширишда мазмунан янгиланаётган педагогика фани алоҳида ўринга эга. Хўш, республика педагогика фанининг бугунги тараққиёти даражаси қандай? Баркамол шахс ва етук мутахассисни тарбиялаш жараёнида тарбияшунослик фани ўз олдида турган вазифаларни қай даражада адо этмоқда? Мазкур фан тараққиётига тўсиқ бўлаётган муаммолар нималардан иборат? Уларнинг ижобий ечимини таъминлашда нималарга эътибор бериш лозим?

Ушбу саволлар бугунги кунда матбуотда эълон қилинаётган мақолаларда, таълим муассасаларида шу соҳа мутахассислари билан ўтказилаётган суҳбатларда етакчи мавзу бўлиб келаётир. Ажабланарли томони шундаки, бундай суҳбатларда ушбу соҳанинг бугунги ҳолатини чуқур англаб етмаётган айрим ходим ва олимларимиз "педагогика фани ривожланмаяпти" деган иштибоҳга боришмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизда таълим тизимини, унинг мазмунини ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги тадбирлар, "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, Давлат таълим стандартлари ва таълим талабларининг юзага келгани, қабул қилиниши, уларнинг тажриба-синовдан муваффақиятли ўтаётгани, янги дастур ва дарсликларнинг яратилиши, олий ўқув юртлари учун учтомлик "Педагогика" дарслигининг ёзиб тугалланганлиги, 2 жилдли "Тарбияшунослик қомуси"нинг тайёрланаётгани бу соҳанинг "ривожланмаётгани"ни эмас, аксинча, жиддий жонланиш босқичига кирганини кўрсатади.

Педагогика фанининг Узбекистон Республикасида демократик бошқарув тамойилларига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этиш, баркамол шахс ва етук мутахассисни тайёрлаш, янги ижтимоий муносабатларни шакллантириш, хусусий мулкка нисбатан ижобий ёндашувни қарор топтириш, фуқароларда келажакка ишонч руҳини мустаҳкамлашдаги аҳамияти улкан. Бу борада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ва уларнинг аҳамияти, умумтаълим мактаблари ҳамда умумий ўрта таълимга ихтисослашган бошқа таълим муассасаларида педагогик амалиётнинг истиқболлари, бу йўлдаги муаммолар ечимларини топиш мазкур соҳадаги ишлар самарадорлигини янада оширади.

Педагогика фанининг бугунги тараққиёти даражаси, унинг олдида турган асосий вазифалар тарбияшунослик илмлари тизимини ташкил этувчи фанларнинг ўқитилиш ҳолати атрофлича ва чуқур таҳлил этилганда кўзга янада равшан ташланади.

Қуйида шу хусусда сўз юритмоқчимиз.

Умумий педагогика — мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш ва тарбиялаш асослари ҳақида маълумот беради. Афсуски, тараққиёт йўли-

(Давоми 2-бетда)

Tajriba, sinov, natija

МЕН ҚАНДАЙ ДАРС ЎТАМАН?

Янги педагогик технология асосининг мазмун ва моҳияти шундан иборатки, дарс жараёнида ўқувчининг роли, унинг фаоллиги орта боради, ўқитувчи эса кузатувчи, йўлйўриқ кўрсатувчи вазифасини бажаради.

Бу усул ўқувчининг мустақил билим олиши имкониятини кенгайтиради. Дарс самарадорлигини беҳад оширади.

Дарс беришда ўқитувчи қуйидаги усуллардан фойдаланади:

— маъруза (ўқитувчи — фақат ўзи гапиради);

— мунозара дарси (барча ўқувчилар бир муҳим мавзу устида ишлайдилар, фикрлашадилар);

— фильм намойиш этиш орқали дарс ўтиш;

— кичик гуруҳларда ишлаш (алоҳида тўхталамиз);

— саҳна кўриниши орқали дарсни ташкил этиш, саёҳат-экскурсия дарси ва ҳоказо.

Мен мавзуга қараб дарс ўтиш усулларидан бирини танлайман ва ўқувчиларни жойлаштираман.

Янги технология асосида дарс беришда ўқувчиларни жойлаштириш катта аҳамиятга эга. Агар маъруза дарси бўлса, ўқувчилар одатдагидек парталарда ўтираверишлари мумкин:

— агар баҳс-мунозара дарсларини ўтишни режалаштирсам, ўқувчиларни даврадоира усулида жойлаштирилган стулларга ўтиришларини таклиф этаман. Агар ўқувчилар гуруҳларга бўлинса, унда танаффус пайтида навбатчилар парталарни ёки столстулларни бир-бирига қарама-қарши қилиб жойлаштириб чиқади. Бунда ўқувчилар бир-бирларини кўриб туришлари, очиқ мулоқот ўтказишга тайёр бўлишлари керак;

— агар саҳна кўринишлари орқали бирор-бир мавзуни ёритиш керак бўлса, унда парталар П шаклида жойлаштириб чиқилади.

Энди мен ўз тажрибам асосида ўқувчиларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўтишнинг қанчалик самарадорлиги ҳақида тўхталмоқчиман.

Гуруҳлардаги иш татбиқ этиладиган дарс анъанавий ўқитувчилар кўникиб кетган маъруза шаклида ўтказиладиган дарсдан сезиларли фарқ қилади:

— биринчидан, унда ўқувчилар фаол иштирок этадилар, ўқитувчи ўз иши билан машғул бўлганда бўш қолмай, балки топшириқ устида ишлайдилар;

— иккинчидан, ўқувчилар ишда ўз ўртоқлари билан биргаликда қатнашадилар. Тушунишга эришиш учун ўқувчилар бир-бирларини эътибор бериб тинглашлари керак. Улар бир-бирларига саволлар берадилар, сўрайдилар, ёрдам беришни ўрганадилар;

— учинчидан, тортинчоқ ўқувчи ҳам гуруҳлардаги иш тизимидан наф кўради. Гуруҳдаги иш унда ишонч ҳиссиётини пайдо қилади. 3-4 ўқувчидан иборат гуруҳда тортинчоқ ўқувчи ўзини 33 ўқувчи олдида жавоб бериш ҳолатидан кўра эркинроқ сезади.

Ўқувчилар гуруҳларида иш билан банд бўлган вақтда, мен синф бўйлаб юраман, барчани кузатаман, берган топшириқларимга изоҳлар бераман, ёрдам керак бўлса, қўшимча топшириқларга ўрин ажратаман ва ҳоказо. Мен дарсларимга пухта тайёргарлик кўраман. Ва кўпроқ бир нарса тўғрисида "Ўқувчиларни фикр юритишга, мустақил фикрлашга қандай усуллар билан ўргатиш мумкин", деган савол устида ишлайман.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами Ўзбекистоннинг барча туман ва шаҳарларида кенг миқёсда нишонланди.

• Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида очилган "Биеннале—2001" халқаро кўргазмасида 20 та мамлакат ижодкорларининг асарлари намойиш этилмоқда.

• Душанба куни ўтказилган сўнгги тажриба уринишлари муваффақиятли якунлангач, "Курск" атом сув ости кемасини 5 октябрь кечаси Баренц денгизи тубидан кўтариб чиқиш режалаштирилмоқда.

• "Газ" очиқ турдаги акционерлик жамияти 2001 йил 1 октябрдан ўз маҳсулотлари — енгил ва юк автомобиллари нархини 2,2 фоизга оширилишини маълум қилди.

• Ҳиндистон ҳукумати томонидан назорат қилинадиган Кашмир штатидаги Сринагар шаҳрида юз берган портлаш жойида яна етти кишининг жасади топилган ва ҳозиргача 36 киши ҳалок бўлгани маълум.

• БМТ томонидан моддий ёрдам бериш ваъда қилингач, Қирғизистон ҳукумати афғон қочқинлари учун ўз чегараларини очиш ҳақида қарор қабул қилди.

• Филиппинда шу йил апрель ойида коррупцияда айбланиб қамоққа олинган собиқ президент Жозеф Эстрада устидан суд жараёнлари бошланди.

• Швейцариянинг Лода фирмаси Россия Президенти В.Путиннинг Швейцарияга ташрифи чоғида Россия Федерациясидан 63 миллион долларлик ҳақини ундириб олиш ҳаракатида эканлигини маълум қилган.

— Шахсий ҳужум, ўрточини менсимаслик, танқид қилиш учун баҳона излаш ва ҳоказо (- 3 балл).

Бола 5-6 ёшиданоқ дунёни тўла англаш хусусиятига, иқтидорига эга. Шу боис мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг билим, тафаккур ҳамда дунёқарашини ўстиришга хизмат қилувчи, уларни фикрлашга, мантиқий хулосалар чиқаришга ўргатувчи ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ЎН ИККИНЧИ ҲАМКОР

Эндиликда бухоролик йигит-қизлар Франциядаги Париж-сюд XI университетида "Интернет" орқали таълим олишлари мумкин. Яқинда Бухорога ташриф буюрган Париж-сюд XI университети президенти, профессор Завиер Шапюзе билан БухДУ ректори, академик Комил Муқимов имзолаган иккала олий таълим муассасаси ўртасидаги ҳамкорлик шартномаси бунга имкон яратади.

Бундан ташқари, мазкур шартномага асосан, келгусида ёзги мактаб, коллоквиум семинарлар

O'zbekiston va jahon

уюштириш, ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишларини йўлга қўйиш режалари ҳам киритилган. Париж университетида 30 минг нафардан ортиқ талаба таҳсил олади. Талабаларнинг 10 фоизи дунёдаги юздан ортиқ мамлакатларнинг вакилларидир.

— Буюк Ипак йўлида муҳим ўрин тутган қадимий Бухоронинг тарихи, ўтмиш маданияти бизда ҳавас уйғотди. Бу ердаги университетнинг кўп йўналишли мақомга эгалиги, илмий салоҳиятини инобатга олдик, — дея алоҳида таъкидлади профессор Завиер Шапюзе шартномани имзолашга бағишланган тантанали маросимда.

— Бу кенг кўламли ҳамкорлик Кадрлар тайёрлаш миллий дастури вазифаларини амалга оширишда муҳим ўрин тутади, — деди академик Комил Муқимов мазкур тадбирнинг аҳамияти ҳақида сўз юритар экан. — Шартнома беш йил муддатга тузилди. Келгусида бу алоқа янада ривожлантирилади.

Алоҳида таъкидлаш керакки, БухДУ Париж-сюд XI университетининг Марказий Осиёдаги биринчи ҳамкоридир. Зеро, мамлакатимизнинг қадимий шаҳридаги университет билан ўзаро алоқа ўрнатган чет давлатлардаги олий ўқув юртлари сони ўн иккитага етди.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ, "Маърифат"нинг махсус мухбири.

ПЕДАГОГИКА ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИ

МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

дан мустақил одимлаб бораётганлигимизга 10 йил тўлган бўлса-да, ҳанузгача миллий ҳамда минтақавий хусусиятларни инобатга олган, миллий таълим ва тарбия асослари тўғрисида мукаммал маълумот беришга асосланган, давр талабини ўзида нисбатан тўла акс эттирган педагогика (назарияси) ўқув дарсликлари чоп этилгани йўқ. Ваҳоланки, бугунги кунда республикамизда 70 дан ортиқ педагогика фанлари докторлари, профессорлар фаолият кўрсатмоқдалар. Утган давр мобайнида муқобил вариантда педагогика фани бўйича ўқув дарслиги, қўлланма ҳамда хрестоматик адабиётлар яратишдек ютуққа эриша олингани йўқ.

Педагогика тарихи — миллатнинг, халқнинг тарихи, мозийдан бошланган тараққиёт босқичлари давомида педагогик фикрларнинг вужудга келиши, ривожланиш борасида маълумотлар беришга хизмат қилади. Ушбу фаннинг ўқитилиши хусусида ҳам юқорида қайд этилган фикрни билдириш мумкин. Бугунги кунга қадар яратилган ўқув қўлланмаларида айрим таълимот, назарияларнинг педагогик талқини ёки мутафаккирларнинг педагогик фаолияти (қарашлари) етарли даражада очиб берилмаган. Хусусан, Мирзо Улуғбек ҳамда Жаҳон отин Увайсийларнинг педагогик фаолияти тўлақонли ёритилмай, асосий урғу уларнинг умумий (астрономик, биографик, адабий) фаолиятлари баёнига қаратилган.

Мактабгача таълим педагогикаси — мактабгача тарбия ёшидаги болаларни тарбиялаш масалаларини ўрганади. Фан, техника ва технологиянинг мисли кўрилмаган даражадаги ривожи янги аср авлодларининг ақлий заковат, теран дунёқараш ҳамда жисмоний комилликка эга бўлишлари зарурлигини талаб этмоқда. Шахс ривожининг психопедагогик хусусиятларидан бизга яхши маълумки, айнан мактабгача таълим ёшлар камолотида муҳим ўрин тутади. Бола 5-6 ёшиданоқ дунёни тўла англаш хусусиятига, иқтидорига эга. Шу боис мактабгача таълим ёшидаги болаларнинг билим, тафаккур ҳамда дунёқарашини ўстиришга хизмат қилувчи, уларни фикрлашга, мантиқий хулосалар чиқаришга ўргатувчи ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг яратилишига алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Махсус педагогика соҳаси олдида янада долзарб муаммолар мавжуд. Махсус таълим ва тарбияни ташкил этувчи таълим муассасалари учун умумий таълим фанларининг аҳволини давр талаби, миллий истиқлол ғоялари асосида қайта таҳлил қилиш, дастур-дарсликларни яратиш, махсус таълим муассасаларининг фаолиятини тўғри йўлга қўйиш масаласига жамоатчилик эътиборини қаратиш, моддий ва маънавий кўмакни ташкил этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида мазкур муассасалар фаолиятининг самарали ва узлуксизлигини таъминлаш учун салмоқли моддий маблағ зарур. Кейинги ўн йилда махсус педагогика мутахассислиги бўйича саноқли илмий тадқиқот ишларининг диссертацион ҳимояси бўлиб ўтди. Ваҳоланки, мазкур соҳада ҳам илмий тадқиқот ишлари олиб бораётган олимлар талайгина. Мустақил фаолиятни олиб бораётган аспирант учун яқин хориж мамлакатларига доимий сафар уюштириш, ҳимоя босқичларидан ўтишнинг ўзи бўлмайди, албатта. Шундай экан, педагогика ихтисослиги бўйича салмоқли, етук илмий потенциални яратиш, илмий тадқиқот ишлари натижасига якуний илмий баҳо бера олувчи Кенгаш фаолиятини йўлга қўйиш керак.

Касбий таълим педагогикаси — таълим олувчиларга аниқ касбий маълумотларни бериш, уларни муайян касб фаолиятига йўналтириш асосларини ўргатувчи фандир. 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг IX сессиясида қабул қилинган "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг мазмуни касбий педагогика фанини назарий ва амалий жиҳатдан бойитиш, касбий фаолият турларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда давр талабини инобатга олган ҳолда ўқув манбаларини яратишга эришиш вазифасини кун тартибига қўйди. Айни вақтда ишлаб чиқариш, тиббиёт, ҳарбий, муҳандислик ва бошқа фаолиятлар педагогикасининг яратилишига соҳа мутахассислари, олимлар ва амалиётчи педагогларни жалб этилса, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги таъмин қилинса, касбий фаолиятни муваффақиятли ташкил этиш имконияти ошган бўлар эди.

Ижтимоий педагогика — болалар ва ўсмирларнинг мактабдан ташқари шароитдаги таълим-тарбияси масалаларини ўрганади. Ижтимоий муносабатлар чуқурлашиб бораётган бир шароитда мазкур педагогика асосларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан мукаммал тарзда юзага чиқариш вазифаси ҳам олдимизда турибди.

Ахлоқ тузатиш — меҳнат педагогикаси — ҳуқуқбузарлик ҳолатларига йўл қўйган, жазони ўташ муассасаларидаги шахсларни қайта тарбиялашнинг назарий ҳамда амалий асослари тўғрисида маълумот берувчи фан. Терроризм, диний экстремизм, худудий айирмачилик ҳамда ноқонуний гиёҳвандлик савдосининг халқаро майдонда ўсиб бориши уларга қарши курашишни самарали йўлга қўйиш масаласини кун тартибига олиб чиқмоқда. Бундай шароитда ахлоқ тузатиш меҳнат педагогикаси фани ўз вазифасини талаб даражасида адо этиши лозим. Ахлоқ тузатиш меҳнат педагогикасининг назарий ва амалий асосларини батафсил очиб берилишига эришиш педагог, психолог ҳамда ҳуқуқшуносларнинг ҳамкорлигини талаб этади. Бу борадаги ҳамкорликни ярата олиш, ҳуқуқни бузган ёки ҳуқуқбузарликка мойил болалар ва ўсмирлар ўртасида криминоген ҳолатларга қарши иммунитет ҳосил қилишда мазкур педагогиканинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Даволаш педагогикаси — жисмоний жиҳатдан носоғлом болалар ва ўсмирларни бевосита ижтимоий фаолиятга тайёрлаш асосларини ўрганади. Мутахассислар иштирокида мазкур фан асосларини фан, техника ва технологиянинг бугунги ривожи нуқтаи назаридан яратилишига эришиш мақсадга мувофиқдир.

Солиштирма қиёсий педагогика — жаҳон мамлакатлари таълим ва тарбия тизимлари асосини қиёсий ўрганади. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш самарали таълим тизимининг яратилишини таъминлайди. Шу боис, республикамизда хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Етакчи хорижий мамлакатлар таълим тизими борасида маълумотлар берувчи манбалар (даврий ва кундалик матбуот материаллари, махсус адабиётлар)нинг эҳтиёжлар даражасида бизга етиб келмаётгани бу йўлдаги жиддий тўсиқлардандир. Ўқув юртлари мониторингида хорижий мамлакатлар таълим тизими борасидаги адабиётларнинг ўрин олишига эришиш учун ички ва ташқи имкониятларни чуқур ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Педагогика фани ривожи йўлида юқорида баён этилган муаммоларнинг мавжудлиги қуйидаги бир қатор ички ва ташқи омиллар таъсири билан изоҳланади:

Биринчидан, ижтимоий институтлар, чунончи, узлуксиз таълим тизимини, шунингдек, таълим муассасалари зиммасига юкланувчи вазифаларнинг қайта тақсимланиши узлуксиз таълим мазмунининг такомиллашуви, яратилажак ўқув манбаларининг мазмун ва сифат жиҳатидан юксак даражада бўлишига қўйилаётган ижтимоий талаб бу борадаги ишларнинг астойдил олиб борилишини тақозо этмоқда.

Иккинчидан, таълим тизими, шунингдек, педагогик фанларнинг ўқитилиш самарадорлиги ижтимоий-маданий ҳаёт ривожи билан бевосита боғлиқдир. Шу боис, жамиятда ижтимоий-маданий соҳаларнинг барчасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижобий якун топишигина педагогика фани ривожини ҳам таъминлашга таъсир кўрсатади.

Учинчидан, билимларни самарали узлаштиришнинг энг мақбул шакл, метод ва воситалари мажмуининг аниқланиши ҳам шахс таълим ва тарбиясини амалга оширишдаги имкониятларимизни кучайтиради.

Туртинчидан, таълимий хизмат кўрсатиш бозорини шакллантириш, унинг сифатини ошириш, ахборотли технология имкониятлари ҳамда масофадан ўқитиш афзалликларидан фойдаланиш борасидаги кўникма ва малакаларни барча таълим ходимларида қарор топтириш лозим.

Бешинчидан, узлуксиз равишда мустақил таълим олиш имконини берувчи ахборотлар жамланмаси тизимини яратиш ҳам бу борадаги муваффақиятлар гаровидир.

Олтинчидан, умумий фанларни ўқитишдан кўзланган самараларнинг ягона ижтимоий мақсадини амалга ошириш учун хизмат қилишига эришиш, улар ўртасида ўзаро узвийлик ва мутаносибликнинг қарор топишини таъминлаш даркор.

Юқорида баён этилган муаммоларнинг қисқа муддатларда ижобий ҳал этилиши мазмунан янгиланаётган ўзбек педагогикаси фани тараққиётини таъминлашда салмоқли улуш бўлади, деб ўйлаймиз. Албатта, бу вазифаларни ҳал этишда бизнинг институтимиз ҳам ўз зиммасидаги масъулиятни ҳис этган ҳолда, мутасадди институтлар, ташкилотлар ҳамда бевосита шу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб боришаётган олиму мутахассислар саъй-ҳаракатларини бирлаштиримоқ лозим, деб ҳисоблаймиз. Негаки, мамлакатимизда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида шакллантирилаётган узлуксиз таълим тизими муваффақияти, аввало, уни ташкил этишнинг назарий асоси бўлган педагогика фанининг қай даражада ривожланган билан узвий боғлиқдир.

Исломжон ТУРСУНОВ,
ЎзПФИТИ директори, профессор,
Ўткир ТОЛИПОВ,
директор ўринбосари, доцент

Ma'rifat маслаҳатхонаси

Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани Охунбобоев жамоа хўжалиги Эсоҳи маҳалласида яшовчи Мақсадов Р. ва 56-мактаб ўқитувчиларидан.

САВОЛ: 1. Мендан ва 13 нафар ўқитувчиларимиздан Сариосиё ХТБ томонидан 2000 йилдаги солиқни 2001 йилда "декларация" деб 7368 сўмни маошимиздан (баъзилардан бундан ҳам неча маротаба зиёдроқ) ундириб олдилар, шу тўғрими ва қайси қарор асосида.

2. Кимки 10 йил меҳнат стажи бўлмаса (яъни ўқитувчиларни) улар 2001 йилнинг август ойидан бошлаб, газ ва электр имтиёзидан маҳрумдирлар деб қарор чиққани ҳам тўғрими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 йил 1 март 72-сон қарори асосида меҳнат қилиш шароитлари алоҳида зарарли бўлган ишлаб чиқаришларида ишлайдиган, амалдаги қонунчиликка мувофиқ улар учун солиқ олишнинг имтиёзли тартиби белгиланган (бунга ўқитувчилар ҳам киради) фуқароларнинг айрим тоифалари рўйхатини, улар даромадларининг ушлаб қолинадиган даражаси 25 фоиздан ошмаслигини назарда тутган ҳолда даромад солиғини тасдиқлаган.

Сизларнинг саволларингиз бўйича Сурхондарё халқ таълими бошқармаси билан боғланиб, даромад солиғи тўғри ушланганлиги ҳақида маълумот олинди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрель 178-уй-жой коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича аҳолига имтиёзлар бериш тартиби тўғрисидаги қарорида 10 йил меҳнат стажи бўлмаса ўқитувчилар имтиёздан маҳрумдирлар деган сўз бўлмаган, имтиёздан педагогик стажи 10 йилдан кам бўлмаган пенсионер ўқитувчилар ҳам фойдаланадилар, дейилган.

Й.АҲМЕДОВ

МЕҲНАТДАН ТОПИЛГАН БАХТ



Куни кеча диёримизда умумхалқ байрами сифатида зўр тантана қилинган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан эзгу ишларни амалга ошириб келаётган бир гуруҳ таълим ходимларининг байрам арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан тақдирланиши уларнинг камтарона хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди, дейиш мумкин. Ушбу тақдирланганлар орасида ўзининг 29 йиллик ҳаётини таълим тизимини ривожлантиришга бағишлаган ХТВнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи Жамшид Юсупов ҳам бор. Биз у киши билан ҳаяжонли онларда суҳбат қурдик.

— Суҳбатимиз аввалида сизни "Меҳнат шуҳрати" орденига сазовор бўлганингиз билан қутлаймиз. Жамшид ака, айтинг-чи, айни пайтларда қандай ўй-фикрлар, туйғулар оғушидасиз?

—Ўтган йиллар давомида қилган камтарона меҳнатимнинг ҳукуматимиз томонидан шу қадар юксак баҳоланиши менда фахр ҳиссини уйғотди. Меҳнат инсонга бахт келтиради, деганлари рост. Бу нақлга ўз меҳнат фаолиятим давомида кўп бор амин бўлганман. Шу боис ҳам ҳеч қачон меҳнатдан қочмаганман. Шу кунларда ҳам ХТВга қарашли ташкилотларнинг ёш ҳисобчи-мутахассисларининг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида ҳар йили 10-15 кунлик ўқишлар ташкил этиб, уларнинг билим ва кўникмаларини имкон қадар бойитиб бораяпмиз.

— Маълумки, бугун таълим тизимига катта эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан қараганда, бу соҳанинг ривожи бир томондан иқтисодий масалаларнинг қандай ҳал қилинишига ҳам бориб тақалади.

— Дарҳақиқат, ҳар қандай соҳанинг ривожи иқтисод билан боғлиқ. Шу сабабли бугунги кунда ХТВ томонидан таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш мақсадида 2 млрд. сўм маблағ ажратилган бўлса, синф хоналарни жиҳозлаш учун 1,5 млрд.сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланди. Ёшларимизнинг замонавий билимларни эгаллашларида қўл келадиган компьютер технологияларини сотиб олиш учун эса 700 млн. сўм атрофида маблағлар ўтказилди. Кам таъминланган оилалар фарзандлари ва 1-синф ўқувчилари учун Президент совғаси сифатида тухфа этиладиган ўқув-қуролларига 5 млрд.сўмга яқин маблағлар ажратилиб, юртимиз ёшларининг дунёвий билимларни эгаллашлари ва эртага муносиб ворислар бўлиб вояга етишишларига имконият яратилди.

— Шу нарса аёнки, имтиёз инсоннинг меҳнати самараси бўлибгина қолмай, у тақдирланган киши зиммасига масъулият ҳам юклайди. Шундай эмасми?

— Инсон ўз севган касбида меҳнат қилсагина юксак муваффақиятларга эришиши мумкин. Чунки ҳар қандай касб мутахассисдан меҳр билан ёндашишни, тинимсиз изланишни талаб қилади. Ўйлайманки, бу берилган унвон ҳукуматимиз томонидан менга билдирилган ишонч намунаси ҳамдир. Демак, мен энди ўз устимда янада кўпроқ изланишим, билдирилган бу ишончни оқлашим даркор.

Баҳодир ЖОВЛИЕВ

МЕН ҚАНДАЙ ДАРС ЎТАМАН?

(Давоми. Боши 1-бетда)

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, болаларнинг айримлари билимларни маърузаларни тинглаш орқали, бошқалари китобни ўқиш орқали яхшироқ эгаллайдилар. Айрим болалар эса ўқитувчи уларда шахсан қизиқиш уйғотганда яхшироқ ўқийдилар. Бошқалари синфдаги машқларда шахсан иштирок этмасалар, дарс мавзусини англаб етмайдилар. Шу боис биз турли ўқиш услубига эга бўлган, қобилият ва малакалари турлича болаларга тўқнаш келишимизни унутмаслигимиз керак. Шуларни назарда тутиб, гуруҳларни шундай шакллантириш керакки, бу уларга бир неча қисмдан иборат топшириқларни бериш имконини берсин, худди ана шу нарса ҳар бир ўқувчига ўзининг кучли томонини кўрсатишга имкон беради.

Гуруҳлардаги ишни қандай ташкил этиш керак?

— дарс бошланишидан олдин материалларни тайёрлаб, стол-стулларни мўлжалланган жойларга қўяман;

— дарс бошлангач, мавзуни ўқувчилар билан бирга қисқа муҳокама қиламан;

— материаллар ҳар бир гуруҳга тарқатилиб, топшириқ белгилаб берилади ёки топшириқни синф доскасига ёзса ҳам бўлади;

— топшириқ билан танишиш учун гуруҳларга 5-10 дақиқа вақт ажратилади;

— берилган топшириқни ҳамма англаб етганлигига ишонч ҳосил қилингач, машқни бажариш учун вақтни белгиланади;

— белгиланган вақт тугагач, ҳар бир гуруҳ берилган топшириқни баён қилади. Топшириқ тўлиқ бажарилмаса, бошқа гуруҳ ўқувчилари тўлдирадилар ва баҳоланадилар.

Ўрни келганда ўқувчилар қандай баҳоланиши ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Синфда йил бошидан мунозарани баҳолаш варағи илиб қўйилади. Варақада баҳо мезонлари белгилаб қўйилади, масалан:

— далилларга асосланган ахборот бериш (+1 балл);

— ўз нуқтаи назарини айтиш (шахсий фикр) (+ 3 балл);

— ахборотни шарҳлаб бериш ёки уни тўлдириш (+ 2 балл);

— ўхшашликни топиш, бундай ўқувчига (+ 2 балл);

— хатоларга эътибор бериш (+1балл);

— режадан четга чиққан ўқувчига (-1 балл);

— мунозарани бошлаш (+1 балл);

— мунозарани авж олдириш (+1 балл);

— фикр билдирмаган ўқувчини мунозарага тортиш (+ 1 балл);

— мунозарада устунлик қилишга уриниш (-3 балл);

— мунозарани тўхтатиш (бошқа ўқувчига тўсқинлик қилиш) (-2 балл);

— шахсий ҳужум, ўртоғини менсимаслик, танқид қилиш учун баҳона излаш ва ҳоказо (- 3 балл).

Жами йиғилган баллар дарс сўнггида эълон қилинади.

Дарснинг боришига ҳамда якуний натижага қараб ўқитувчи ижодий изланади ва баҳо қўйиш усулларини ўзи белгилайди. Албатта, бу масалада адолатли бўлиш, ўқувчининг қобилияти, меҳнати ва изланишига тўғри баҳо бермоқ шарт. Энг юқори балл тўплаган ўқувчи рағбатлантирилади. Бугунги кунда рейтинг асосида дарс ташкил этилган мактабларда ўқувчининг рейтингини аниқлаш учун жорий ва оралиқ назорат баллари қўйиш тавсия этилган. Шундан келиб чиқиб, оралиқ назорат ўтказилганда ўқувчилар ўртасида реферат ёзиш, ҳар хил тестлар олиш каби усуллар кенг тарқалган. Мен оралиқ назорат ўтказганимда "шпаргалкали назорат иши"дан кенг фойдаланаман. Бунда, масалан, бир бўлим ёки бир боб якунлангач, шу катта мавзу кичикроқ мавзуларга бўлиниб, ҳар бир ўқувчига бир ҳафта олдин тақсимланади.

Умумий мавзу доирасида ҳар бир ўқувчи ўз ишининг мавзусини мустақил аниқлаб олади. Шундай қилиб, синфда қанча ўқувчи бўлса, мавзулар ҳам шунча бўлади. Мавзуни ёзиш учун бир неча кун ёки бир ҳафта муддат берилади. Бундан ташқари, синфда ижодий ишни тўлиқ ёритиш учун 7 см х 12 см ўлчамдаги белгили "шпаргалка" олиб келиш мумкин. Назорат иш битта дарсда ёзилади. Иш А4 бичимдаги қоғозда 2 саҳифа ҳажмда бўлиши керак. Назорат иши ёзиладиган кун синфга шпаргалкани, шунингдек, алоҳида варақка ёзилган библиография олиб келинади. Уни ўқувчи шпаргалка билан бирга ишга қўшиб ўқитувчига баҳолаш учун топширади.

Дарсларимда ўқувчилар ўзлари учун ўзлари қоида белгилаб олганлар. Ва сўзсиз унга амал қиладилар. Синф қоидаларидан намуналар келтираман:

— дарсда ҳар бир ўқувчининг фаол иштирокини таъминлаш;

— юксак интизом намунасини кўрсатиш, яъни дарс қолдирмаслик, дарсга кечикмаслик, ўзаро ҳурмат;

— синфни мумкин қадар озода сақлаш;

— дарс вақтида овқатланмаслик, иккинчи даражали нарсаларга эътиборни қаратмаслик;

— ўнг қўл қоидасига амал қилиш (яъни ўқитувчи бирор муҳим гапни айтмоқчи бўлса, ўқувчилар диққатини тортиш учун ўнг қўлини кўтаради);

—ўзаро бир-бирига ёрдам қоидасига амал қилиш ва ҳоказо.

Бу қоидаларни синф ўқувчилари билан биргаликда ишлаб чиққанмиз. Улар ўзлари яратган қоидаларга ўзлари амал қиладилар. Бу қоидалар синфда дарсни ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Ўқувчилар бир-бирларини назорат қиладилар — бир-бирларининг фикрларини тинглай биладилар ва ўзаро ҳурматда бўладилар. Худди шу усулда ўқувчиларга роль тақсимлаб, унинг ижросида мазмунли ва қизиқарли дарсларни ташкил этиш мумкин.

Элмуҳаммад ҚУВВАТОВ,
Каттақўрғон туманидаги 1-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Mulohaza, taklif

ФАНЛАР ЎЙҒУНЛАШГАНДА...

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг II босқичидаги асосий вазифа ДТС талабларини бажаришдир. Ҳозирги кунда барча фан ўқитувчилари ДТС ва ўқув дастурлари билан таниш, битирувчига қўйиладиган талабларни билади. Лекин иш қандай ташкил этилса стандарт талабларини бажара оладиган ўқувчилар тайёрлай олиш мумкинлигини ончалик тасаввур қила олмайдилар. Аввало шуни таъкидлаш жоизки биз фақат дарслик билан чегаралансак, бу мақсадга эриша олмаймиз. Шу боис ҳар биримиз имкон қадар ДТС талаблари асосида ҳар бир синф учун минимал талабларни ишлаб чиқмоғимиз зарур. Ҳар чорак бошида ҳар бир мавзу бўйича ўтиладиган назорат турини, унга ажратилган баллни ўқувчиларга, ўқувчилар ота-оналарига етказишимиз шарт.

ДТС талаблари билан танишиш жараёнида бошқа фанлардан ўқувчиларга қўйилган талаблар билан ҳам танишиб чиқдим ва барча фан ўқитувчилари биргаликда дарсларини бошқа фанлар билан узвийликда олиб боришлари зарур экан, деган хулосага келдим. Масалан, кимё, физика, математика дарсликларимизда ибн Сино, Беруний, Абу Наср Форобий, Фарғоний каби қомусий олимларимиз, уларнинг шу фанга қўшган ҳиссалари ҳақида қисқа маълумот берилган. Биз адабиёт ўқитувчилари дарсларимизда дастурдан бироз чиқиб, Ибн Синонинг 8 та уржуза — достонлар ёзганини айтиб, ундан парчалар ўқиб берсак, биология ўқитувчилари Ибн Синонинг турли гиёҳлар ёрдамида дори-дармон тайёрлаб, Лукмони ҳаким номи билан машҳур бўлганини айтсалар, кимё ўқитувчилари Ибн Синонинг алкимёгарларнинг темирни олтинга айлантириш йўналишидаги ишларини асосиз, амалга ошириб бўлмайдиган жараён деб қараганини тушунтириб бериб, унинг асарларида анорганик кимёнинг дастлабки куртаклари пайдо бўлганини айтсалар, жисмоний тарбия ўқитувчилари Ибн Синонинг бадантарбия ҳақидаги ўгитларини ўқиб берсалар ўқувчиларимизда буюк боболари билан фахрланиш ҳисси уй-ғониб, улар фаолиятига қизиқиш ортади ва ДТС талаблари бажара борилади. Ёки адабиёт ўқитувчиси юқоридаги маълумотларни ўзи ўқувчиларга етказса, нафақат адабиёт, балки физика, кимё, математика, биология, жисмоний тарбия, тарих фанларидан стандарт талабларига жавоб бера оладиган ўқувчини тайёрлаши мумкин. Шу ўринда яна бир гап, айрим ўқувчиларимизда билим бору нутқ йўқ. Фикрини ёркин ифодалай олмайди. "Таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шакланишини талаб қилади". Шундай экан, менимча, ўқувчиларни кўпроқ мустақил мутолаага ўргатишимиз керак.

Биз адабиёт ўқитувчилари ДТС талабларини бажариш учун дарсларимизни миллий истиқлол ғояси, мусиқа, тасвирий санъат, тарих, ҳуқуқ билан боғламасак, ўқувчиларимиз мусиқа ёки ранг тасвир асари замиридаги бадиий жозибани ҳис қила олмайдилар, уни сўз билан ифодалаб бера олмайдилар. Ўқувчиларимиз тили бурро, фикри ўткир бўлишида тилнинг қудрати беқиёслигини уларга уқдиравермай, шундай шеърий сатрлар топиб ўқиб берайликки, ўқувчининг ўзи сўз қудратини тушуниб етсин: Бунда албатта, ўқитувчининг маҳорати, ўз устида ишлаши беқиёс аҳамиятга эга.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 274-мактаб ўқитувчиси

Жисмоний тарбия ва спортга мактаб ёшидаги болалардан тортиб, то олий ўқув юрти талабаларигача, оддий ишчидан раҳбар ходимгача жалб қилинганлигини фақатгина бизнинг давлатимиз мисолида кўриш мумкин.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга умумий раҳбарлик қилиш Ташкилий қўмита, Халқ таълими вазирлиги. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда жойлардаги мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида

НИЗОМ

Спорт ҳақида гап кетганда, аввало, унинг инсон саломатлигига фойдаси тўғрисида ўйлай бошлаймиз.

Лекин унинг давлат ва миллатни танитишда қудратли куч, бутун халқ фарзандларини бирлаштиришда, уларни дўст-тотув яшашга ўргатишда ишончли ҳимоя эканлигини унутмаслигимиз керак.

Жисмоний тарбия ва спортга мактаб ёшидаги болалардан тортиб, то олий ўқув юрти талабаларигача, оддий ишчидан раҳбар ходимгача жалб қилинганлигини фақатгина бизнинг давлатимиз мисолида кўриш мумкин.

Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида ўтказилган "Универсиада" ўйинлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ташкил этилган "Баркамол авлод" спорт ўйинлари, раҳбар ходимлар ўртасида ўтказилаётган "Ҳавас" турнири бунга мисол бўла олади.

Юқоридаги икки мусобақанинг узлуксизлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида таълим олаётган талаба-ёшларнинг мактаб партасиданоқ спорт билан дўст, ўртоқ бўлишларини таъминлаш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида ҳам анъанавий тарзда "Умид ниҳоллари" деб номланган спорт мусобақалари ўтказиш дастури белгиланган эди.

Ушбу "Умид ниҳоллари" номи остида ўтказилиши мўлжалланган мусобақанинг биринчиси 2002 йилда Фарғона шаҳрида бўлиб ўтади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида Низом ишлаб чиқди.

Унда ушбу мусобақанинг мақсад ва муддаоси, вазифалари баён қилинади.

Низомда шунингдек, мусобақани ўтказиш тартиб-қоидалари баён қилинади.

Қуйида ушбу Низом эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

"Умид ниҳоллари" *спорт мусобақалари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ёшларини спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлашга, соғломлаштиришга ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида такомиллаштиришга, уларни фойдали ва мазмунли ҳаракатга йўналтиришга, чиниқтиришга, жамоа бўлиб ҳаракат қилишга, ғалабага интилишга, спортнинг олимпия, оммавий, ҳаракатли ва миллий турларини янада ривожлантиришга қаратилган.*

I. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг мақсад ва вазифалари

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг асосий мақсади:

— умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчи ёшларини ватанга садоқат руҳида комил инсон қилиб тарбиялаш;

— барча ўқувчи ёшларни жисмоний тарбия спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш;

— уларнинг дарсдан бўш вақтларини тўғри, мазмунли ташкил қилиш;

— жамоа бўлиб ҳаракат қилиш, ғалабага интилиш иштиёқларини камол топтиришдан иборатдир.

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг вазифалари:

— соғломлаштириш ва оммавий спорт ишларини замон талаблари даражасида ривожлантириш;

— истеъдодли ёшларни аниқлаш;

— мусобақаларни халқаро талаблар асосида ўтказиш;

— соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш;

— спортнинг олимпия, оммавий ҳаракатли ва миллий турларини ривожлантириш;

— ўқувчиларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясини такомиллаштириш.

II. Асосий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг **"Умид ниҳоллари"** *спорт мусобақаларини ўтказиш ва якуний мусобақалари орасидаги даврда барча ташкилий-техник, молиявий масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш учун доимий фаолият кўрсатувчи ташкилий қўмита тузилади. Ташкилий қўмита таркибига қуйидагилар киради:*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири, раис.

Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси, ҳамраис.

Вилоят ҳокими, ҳамраис.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг масъул ходими.

Ўзбекистон Республикаси миллий Олимпия қўмитаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмаси федерацияси кенгаши раиси.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти раиси.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари.

Халқ таълими вазирлиги Ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бўлими бошлиғи, масъул котиб.

Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси.

Ўзбекистон Республикаси телерадиокомпания раисининг ўринбосари.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг ўринбосари.

Спорт ютуқларини ривожлантириш Республика илмий маркази раҳбари.

2. Ташкилий қўмитанинг асосий вазифалари:

— "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларни танлов асосида бир йил олдин белгилайди. Навбатдаги спорт мусобақалари дастурига киритиладиган спорт турларини аниқлайди ва уларнинг белгиланган муддатларда ўтказиб борилишини таъминлайди;

— "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг барча босқичларини ўтказиш мобайнида спорт этикасига риоя этилишига ёрдам беради;

— мусобақаларни ўтказиш тартибини, қатнашчилар, ҳакамлар, мураббийлар, фахрий меҳмонлар, матбуот ходимлари сонини белгилайди;

— мусобақаларнинг очилиш ва ёпилиш маросимлари сценарийсини тасдиқлайди;

— мусобақа иштирокчиларининг яшаш жойлари ва спорт иншоотларининг тайёргарлик ҳолатини вақти-вақти билан текшириб боради ҳамда уларни мусобақалар бошланишидан камида икки ой аввал қабул қилиб олади;

— мусобақалар босқичларининг белгиланган талаблар асосида ўтказилишини мувофиқлаштириб боради;

— мусобақа ғолибларини ва уларнинг устозларини, ҳакамларни, журналистларни тақдирлаш учун мукофотлар таъсис этади;

— мусобақа иштирокчиларининг яшаш жойларида қулай шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

— иштирокчиларнинг белгиланган муддатларда мусобақа ўтказиладиган жойларга уюшган ҳолда бориш ва қайтиб келишини таъминлайди;

— заруратга қараб мусобақаларнинг ҳар томонлама юксак савияда ўтказилишини ташкил этиш юзасидан мақсадли тарзда ўз мажлисларини ўтказиб боради;

— турли масалаларни ижобий ҳал қилиш учун йўналишлар бўйича ишчи комиссиялар тузади ва унинг таркибини тасдиқлайди.

3. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари якка ва жамоа биринчиликлари бўйича ўтказилади.

4. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи ўйинлари даъвогар вилоят спорт базаларида ҳар йили бир марта апрель ойида бошланиб, шу ойда якунланади.

5. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг рамзи, байроғи ва мадҳияси Ташкилий қўмита томонидан тасдиқланади.

6. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал ўйинлари камида 11 та Олимпия спорт турлари бўйича ўтказилиши ва унинг давомийлиги 10 кундан ошмаслиги керак. Дастурга тўртта миллий спорт тури киритилиши мумкин. Айни вақтда устувор спорт турлари бўйича кўргазмали чиқишлар уюштиришга рухсат этилади. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи иштирокчиларининг сони Ташкилий қўмита белгилаган кишидан ошмаслиги керак. Кўрсатилган рақамдан мусобақа иштирокчилари ва спорт турлари сони ортиқча бўлиши мумкин. Бу фақат Ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

7. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичини ўтказишга даъвогар вилоят (шаҳар) бир йил аввал Ташкилий қўмитага ўз имкониятлари баён қилинган мазмундаги аризани беради.

8. Ташкилий қўмита баҳолаш комиссиясини тузиб, аризада кўрсатилган имкониятларнинг техник-спорт нормаларига мос келишини текширади ва Ташкилий қўмита аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан даъвогар вилоятни танлайди. Даъвогар вилоят номи "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг якунловчи маросимида эълон қилинади.

9. Ташкилий қўмита вилоят ҳокимлиги билан биргаликда молиявий, техник масалаларни ҳал қилиш бўйича камида бир йил олдин шартнома тузади.

10. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи даврида вилоятлар жамоаларининг барча аъзолари, спортчилар, расмий шахслар, мураббий ва бошқалар вилоят ҳокимлиги расман тасдиқлайдиган делегация раҳбарларининг масъулияти остида бўладилар.

11. Ташкилий қўмита аъзолари ва делегация раҳбарлари спорт мусобақалари ўтказиладиган жойларга тўсиқсиз кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Уларга вилоят ҳокимияти томонидан алоҳида транспорт воситаси бириктирилади ва кунлик мусобақаларнинг якуни бўйича ахборот етказиб берилади.

12. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи қатнашчиларининг бир жойда яшаш ва овқатланиши учун ўқув юртлари ётоқхоналари негизида "Олимпия шаҳарчаси" ташкил этилади.

13. "Олимпия шаҳарчаси" ва мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари, спорт асбоб-анжомлари тайёргарлиги Ташкилий қўмита тасдиқлайдиган меъёрларга мос бўлиши шарт. Ташкилий қўмита белгиланган шартларнинг бажарилишини текшириб боради.

14. Вилоят ҳокимлиги финал босқичларининг бутун даври учун мўлжалланган маданий дастурни ишлаб чиқиши ва уни камида икки ой аввал Ташкилий қўмита билан келишиб олиши керак.

15. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичида қатнашувчи барча спортчилар:

— махсус спорт либосларида бўлишлари;

— ўз рақибларига ва ҳакамларга нисбатан ҳурматда бўлишлари, ҳалол ва адолатли тамойиллар асосида кураш олиб боришлари, спорт мусобақаларини ўтказиш маданиятининг бузилишига йўл қўймасликлари;

— мусобақа иштирокчиларини молиявий шартлар асосида келишувга ундаш ҳолатларига йўл қўймасликлари;

— мусобақа иштирокчилари Ташкилий қўмита томонидан тузилган тиббиёт комиссияси назоратидан ўтишлари керак.

16. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи иштирокчилари бўлган барча спортчилар ва тренерлар, ҳакамлар, расмий шахслар мусобақалар бошланишидан олдин Ташкилий қўмита ишлаб чиққан мусобақаларни ўтказиш қоидалари билан таништирилади ва унга имзо чекадилар. Ушбу қоидаларни қўпол равишда бузишда айбдор бўлган ёки мусобақаларда қонунбузарликка йўл қўйган спортчилар (мураббийлар) мусобақалардан умуман четлаштирилади, уларнинг натижалари Ташкилий қўмита томонидан бекор қилинади.

17. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларини ёритиб бориш учун матбуот маркази тузилади. Ушбу марказ оммавий ахборот воситалари ходимларига зарур ахборотлар олинишига амалий ёрдам беради.

18. Ташкилий қўмита "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи бошланишидан камида икки ой олдин барча манфаатдор вазирликлар ва идораларга, оммавий ахборот воситаларига мусобақалар дастури ва бошқа зарурий ахборотларни акс эттирувчи маълумотномаларни чоп этиши ва етказиб бериши керак.

19. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари учун чиқариладиган барча ҳужжатларда (таклифномалар, кириш билетлари, дастурлар, ариза бланкалари ва ҳоказо), нишонларда мусобақа рақами ва ўтказиладиган шаҳар номи кўрсатилиши керак.

20. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи тугагандан кейин, уч ой мобайнида Ташкилий қўмита унинг ўтказилиши бўйича умумий ҳисоботни тайёрлаш ва рангли нашрни чиқариши ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идораларга, оммавий ахборот воситаларига, Ташкилий қўмита аъзоларига, ҳакамларга етказиши лозим.

21. Мусобақаларнинг финал босқичи қатнашчиларига "Умид ниҳоллари спорт мусобақалари иштирокчиси" гувоҳномаси берилади. Мазкур гувоҳнома иштирокчининг шахсини тасдиқловчи расмий ҳужжат бўлиб, у мусобақалар давомида кучга эга бўлади.

22. Аккредитация варақалари (даражасига қараб) мусобақа ўтказиладиган спорт иншоотларига кириш ва унда бўлиш ҳуқуқини беради.

23. Финал мусобақаларининг ўтказилиш даврида ўйингоҳда Ўзбекистон Республикаси байроғи ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари байроғи флагштокка кўтарилган ҳолда туриши керак. Байроқлар очилиш маросимида кўтарилади ва ёпилиш маросимида туширилади.

24. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари финал босқичининг очилиш маросими мусобақалар бошланиши куни, ёпилиш маросими эса мусобақаларнинг сўнгги куни ўтказилади.

25. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал босқичи очилиш маросими қоида тариқасида саҳналаштирилган бадиий-спорт байрами тарзида ўтказилади.

26. Расмий шахслар минбарга кўтарилгандан кейин қатнашчиларнинг паради бошланади. Парадга мусобақаларнинг финал босқичида қатнашадиган спортчилар ва расмий делегация аъзолари қатнашадилар.

27. Сухандон Ташкилий қўмита раисини микрофонга таклиф қилади, қисқа нутқдан сўнг сўз вилоят ҳокимига берилади. Ўзбекистон Республикаси байроғи марш садолари остида ўқувчи-ёшлар томонидан майдондаги флагшток ёнига олиб келинади. "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари машъаласи эстафета тартибида қурўа ташлаш йўли билан аниқланган вилоят спортчилари томонидан майдонга олиб кирилади ва энг машҳур спортчи томонидан ёндирилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садоси остида Давлат байроғи ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари байроғи кўтарилади, мадҳия тугаши билан олов ёқилади. Олов "Қуёш — физикаси" илмий ишлаб чиқариш марказида ёндирилади (махсус ритуал асосида). Мадҳия ижро қилинаётганда спортчилар ўнг қўлларини кўксиларига қўйиб, унга жўр бўладилар.

28. Спортчилардан бири минбарга кўтарилиб, ўқувчиларнинг қасамёдини ўқиб беради.

29. Парад қатнашчилари марш садолари остида майдонни айланиб, ўзларига белгиланган жойга ўтирадилар.

30. Маросим саҳналаштирилган бадиий — спорт байрами билан тугайди.

31. Ёпилиш маросимида тегишли совринлар топширилади.

32. Театрлашган бадиий спорт байрами тугагандан кейин марш садолари остида барча қатнашчилар майдонга чиқадилар.

33. Ташкилий қўмита раиси мусобақаларни ёпиқ деб эълон қилади.

Флагштоқдан мусиқа садолари остида ғолиб ўқувчилар томонидан Давлат байроғи ва "Умид ниҳоллари" спорт мусобақалари байроғи туширилади.

Барча ўқувчилар "Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" деб аталувчи ёшлар мадҳиясини жўрлиқда куйлаган ҳолда катта бир даврага бирлашиб, байроқларни олиб чиқиб кетадилар.

III. Мусобақаларни ўтказиш шартлари ва тартиблари

Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига узлуксиз жалб қилишни таъминлаш мақсадида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим тизимининг узлуксизлик талабларига уйғунлашган доимий фаолиятдаги оммавий спорт тизимининг биринчи бўғини "Умид ниҳоллари" ҳар йили қуйидаги босқичларда ўтказилади:

Биринчи — мактаб босқичи, *сентябрь-октябрь ойларида барча синфлар ўртасида белгиланган спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади.*

1-4, 5—7, 8—11-синф ўқувчиларидан ташкил этилган мактаб терма жамоалари кейинги туман босқичига йўлланма оладилар.

Иккинчи — мактаблар терма жамоалари учун туманлар (шаҳарлар) босқичи, *октябрь-ноябрь ойларида 5—7 ва 8—11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва 1—4-синфлар учун кузги таътилда қувноқ старт ўйинлари тарзида финал билан якунланади.*

Учинчи — туманлар (шаҳарлар) терма жамоалари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри босқичи *ноябрь-январь ойларида 8—11-синфлар учун босқич ўйинлари сифатида ва 5—7-синфларга спортнинг белгиланган турлари бўйича қишки таътилда финал билан якунланади.*

Тўртинчи — туманлар (шаҳарлар) терма жамоаларининг (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри) *8—11-синфлар учун спортнинг белгиланган турлари бўйича баҳорги таътилда финал босқичи бўлиб ўтади.*

Мамлакат финал босқичи мусобақалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри 8—11-синфлар ўқувчилари терма жамоалари ўртасида апрель ойида бўлиб ўтади.

"Умид ниҳоллари" *мусобақаларининг барча босқичларида мактабларнинг 1—4, 5—7, 8—11-синф ўқувчилари қатнашади. (Спорт йўналишидаги интернатлар, олимпия ўринбосарлари билим юрти ўқувчилари бундан мустасно).*

"Умид ниҳоллари" *финал мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри мактаб ўқувчилари терма жамоалари қатнашади.*

IV. "Умид ниҳоллари" мусобақасини ўтказишга раҳбарлик қилиш

"Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга умумий раҳбарлик қилиш Тащкилий қўмита, Халқ таълими вазирлиги. Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, Миллий Олимпия қўмитаси ҳамда жойлардаги мусобақаларни ўтказувчи ташкилий қўмиталар томонидан амалга оширилади.

Спорт турлари бўйича мусобақалар тегишли спорт федерациялари томонидан тасдиқланган амалдаги қоида ва Низомларга мувофиқ ўтказилади.

Мусобақаларнинг бевосита якуний финал босқичини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси томонидан тасдиқланган спорт турлари бўйича Бош ҳакамлар ва ҳакамлар ҳайъати зиммаларига юклатилади.

"Умид ниҳоллари" *мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросими ташкилий қўмита томонидан тасдиқланган сценарий асосида ўтказилади. Маросим 50-60 дақиқа давом этади.*

"Умид ниҳоллари" *мусобақаларининг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ҳамда "Умид ниҳоллари" байроқлари кўтарилади.*

Ҳар бир байроқнинг узунлиги 6 м, эни 2,5 м.

"Умид ниҳоллари" *спорт мусобақасини босқичлар бўйича ўтказиш учун жавобгарлик қуйидагиларга топширилади:*

- *биринчи босқич мусобақаларини ўтказиш умумий ўрта таълим мактабларининг жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мактаб директорлари;*
- *иккинчи босқич мусобақаларини ўтказиш жойлардаги туман(шаҳар) халқ таълими бўлим мудирлари ва спорт қўмита раислари;*
- *учинчи ва тўртинчи босқич мусобақаларини ўтказиш Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ҳамда жойлардаги спорт қўмиталари, "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти вилоят кенгашлари раҳбарлари;*

Мамлакат финал босқичи мусобақаларини ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида тузилган Ташкилий қўмита ва Бош ҳакамлар ҳайъати ҳамда Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий Кенгаши зиммаларига юклатилади.

V. Мусобақа ғолиблари, совриндорларини аниқлаш ва мукофотлаш

Ўринлар ҳар бир спорт тури бўйича 1-14 баллик тизим асосида баҳоланади.

Спорт турлари бўйича жамоа биринчилигини аниқлаш вақтида, икки ва ундан ортиқ жамоаларда баллар тенг бўлган ҳолларда, қайси жамоа кўпроқ 1, 2, 3-ўринларни эгаллаганликларига қараб белгиланади.

Умумжамоа биринчилигини аниқлаш учун балларни ҳисоблаш, эгаллаган ўринлари бўйича жами тўплаган балларини умумлаштириш ҳисобига кўра аниқланади. Мабодо, жамоалар биронбир спорт турига қатнашмаса, уларга жарима ҳисобида бир балл қўшилади ҳамда 15 баллик жарима ҳисобида баҳоланади.

Мактаб миқёсидаги мусобақа ғолиблари ҳар бир спорт тури бўйича синфлараро аниқланади. 1, 2, 3-ўринни олган синфларга диплом ва Фахрий ёрлиқлар мактаб раҳбарлари томонидан топширилади.

Туман(шаҳар) миқёсида ўтказилган мусобақа ғолибларини олган ўринларига қараб диплом ҳамда эсдалик совғалари туман(шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва спорт қўмиталари томонидан берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри биринчилигида қатнашиб 1, 2, 3-ўринларни олган жамоалар I, II, III даражали диплом ва ҳомий ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан мукофотланадилар.

"Умид ниҳоллари" *якуний мусобақасида:*

— шахсий ва жамоа мусобақаларида 1-ўринни эгаллаган мусобақа қатнашчилари олтин медаль, диплом ва эсдалик совринлар билан мукофотланадилар;

— шахсий ва жамоа мусобақаларида 2-3-ўринни эгаллаган қатнашчилар кумуш, бронза медаллари, диплом ва эсдалик совринлари билан мукофотланадилар.

Ҳакам, мураббий-ўқитувчи ва спортчи мазкур Низом қоидаларини бузганлиги учун мусобақалардан четлаштирилганда унинг медали ва дипломи Ташкилий қўмитага топширилиши шарт.

Медаллар ва ёрлиқлар шаклини Ташкилий қўмита тасдиқлайди.

Ҳомий ташкилотлар ва фуқаролар томонидан таъсис этиладиган мукофотлар Ташкилий қўмита билан аввалдан келишиб олиниши ҳамда топшириладиган расмий мукофотлардан қиммат бўлмаслиги, бошқа совриндорларнинг маънавий-руҳий камситилишига олиб келмаслиги керак.

VI. Мусобақа қатнашчиларини қабул қилиш ва молиялаштириш

"Умид ниҳоллари" *спорт мусобақаларининг дастлабки уч босқичини ўтказиш, жамоаларни спорт мусобақаларида қатнашишга тайёрлаш, уларни спорт мусобақаларининг якуний қисмига сафарга юбориш харажатлари тегишли халқ таълими бўлимлари ва бошқармалари томонидан тўланади.*

"Умид ниҳоллари" *спорт мусобақаларининг якунловчи босқичини ўтказиш харажатлари (овқатланиш, жойлаштириш, ҳакамлар ва тиббиёт ходимларига ҳақ тўлаш, спорт иншоотлари, ижара ҳақи, олтин, кумуш ва бронза медаллари, эсдалик совринлар, эълонлар тахтаси ва дипломларни тайёрлаш) вилоят ҳокимияти, Халқ таълими вазирлиги, ташкилотлар ва ҳомийлар томонидан қопланади.*

Жамоаларнинг мусобақаларга тахминий етиб келиш вақти Ташкилий қўмита билан келишилиши лозим.

VII. Талабнома бериш тартиби ва муддатлари

"Умид ниҳоллари" *якуний мусобақаларида қатнашишга спорт турлари кўрсатилган ҳолда олдиндан бериладиган талабномалар Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашига ҳар йили 5 февралдан кечикмасдан тақдим этилмоғи зарур. Ушбу талабнома ўз вақтида берилмаса жамоалар якуний мусобақаларга қўйилмайди.*

Берилган талабномалар маҳаллий халқ таълими бошқармалари ва вилоят "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти ҳамда тиббий диспансер томонидан тасдиқланган бўлиши керак, шу билан бирга мандат комиссиясига дастлабки тўрт босқичдаги мусобақаларнинг ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот ҳам тақдим этилиши лозим.

Мусобақа қатнашчилари номи кўрсатилган талабнома (икки нусхада) ва паспорт (туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома) ўқиш жойидан маълумотнома, фотосурат билан бирга ўқув муассаса директорининг тасдиқловчи имзоси, муҳри бўлган рейтинг дафтарчаси, спорт разряди ҳақидаги маълумотнома ва сафар гувоҳномаси ҳамда маҳалла қўмитасидан маълумотнома билан келиши лозим.

Мусобақа иштирокчилари ягона спорт кийимида бўлишлари ҳамда мусобақанинг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун алоҳида спорт формаси, эмблемаси ҳамда спорт турларига зарур бўлган асбоб-анжомлари билан келишлари шарт.

Ўқитувчи-мураббийлар ўз жамоа аъзоларининг йўлда, мусобақа ўтказиладиган, шунингдек, истиқомат қиладиган ва овқатланадиган жойларда юриш-туришларига жавобгардирлар.

Барча мусобақа қатнашчиларининг мусобақа очилиш ва ёпилиш маросимида тўлиқ қатнашишларига ўқитувчи-мураббийлар масъулдирлар.

Спортчилар ва жамоа вакилларининг якуний мусобақаларига ижозат бериш ҳакамлик томонидан камида бир кун илгари, Низомнинг қайсидир моддасига риоя этилмаганлиги юзасидан эътирозлари спорт тури бўйича мусобақалар тугагандан кейин, 2 соат ичида мандат комиссиясининг Бош ҳакамига топширилади. Кечикиб берилган эътирозлар эса кўриб чиқилмайди.

Мусобақаларга сабабсиз қатнашмаган ва мусобақалар тугамасдан ўйин жойини тарк этган жамоаларнинг олдинги жамғарган баллари бекор қилинади.

Эслатма: *Бош ҳакамлар якуний мусобақаларни ўтказиш жойига жўнаб кетишлари ҳақида 2 кун олдин маълум қилишлари ва мусобақалар тугаганидан кейин тўлиқ ҳисоботни 5 кунлик муддат ичида, икки нусхада тайёрлаб, бир нусхасини Халқ таълими вазирлигига, бир нусхасини эса Ўзбекистон "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти Марказий кенгашига тақдим этишлари лозим.*

Низом умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт ўйинларини ташкил этиш ва ўтказишга бағишланган семинар кенгашида қабул қилинган. Баённома № 1 2001 йил 9 июнь, Фарғона шаҳри.

Ташкилий қўмита.

"Бухоро" стадиони секин-аста лойиҳадаги кўринишини олмоқда. Ўтган қарийб 9 ой мобайнида бу ерда жуда кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилди.

Украина халқ таълими вазирлиги ўқувчини ҳар хил таъсирлардан фақат футбол сақлаши мумкин, деган хулосага келди.

«Универсиада-2002»

ЎЙИНГОҲ ЎРНИДА СПОРТ МАЖМУАСИ

Мамлакатимиз талаба ёшларининг катта спорт байрами — "Универсиада-2002" очилишига ҳам саккиз ой вақт қолди. Бу анжуман тадбирларининг асосий қисми "Бухоро" ўйингоҳида ўтиши кўзда тутилган. Айни пайтда қадимий шаҳар марказидаги 1965 йилда қурилган бу спорт иншооти қайтадан барпо этилмоқда. Бухоро экспериментал лойиҳалаш илмий-текшириш институти лойиҳачилари қисқа муддатда мазкур иншоот тарҳини тайёрладилар.

— Одатда кенг миқёсли реконструкция қилинадиган ўйингоҳ лойиҳасини тайёрлаш учун икки ярим йил вақт берилади, — дейди лойиҳачилар бошлиғи Толиб Низомов. — Шунга қарамай, ишониб топширилган ишни ниҳоятда қисқа муддатда уддаладик.

Бухорода ер ости сувларининг нисбатан анча юқорилиги, ўйингоҳ мамлакатимиздаги бошқа бирор ўйингоҳга ўхшамайдиган кўринишга эга бўлиши, илгаригидан 1,5 гектарга кенгайиб, жами 4 гектардан ортиқ майдонни эгаллаши, унда замонавий шарт-шароитлар яратилиши кераклигини инобатга оладиган бўлсак, лойиҳачилар олдида қанчалик қийин ва мураккаб вазифа турганлиги янада ойдинлашади.

— Мураккаб томони шу бўлаяптики, — дея фикрини давом эттиради суҳбатдошим, — лойиҳа бирданига эмас, балки унинг қисмларини деталма-детал тайёрлаб, Тошкентдаги етук мутахассислар билан келишган ва экспертизадан ўтказган ҳолда қурувчиларга берилмоқда. Биз иншоот пишиқлиги баробарида қурилиш таннархининг кўтарилишига йўл қўймайдиган технологик ечимларни излаб топдик.

Уч қаватдан иборат ўйингоҳ лойиҳасига кўз ташлаймиз. Қуйи қаватда стадион маъмурияти, спортчилар, мураббийлар, ҳакамлар учун бўлмалар, шахмат-шашка, штанга, бокс, кураш, гимнастика заллари, кийиниш ва ювиниш хоналари... Иккинчи қаватда эса меҳмонлар ва журналистлар учун хоналар, матбуот анжуманларини ўтказишга мўлжалланган жой, уларнинг қарама-қарши томонида спорт заллари... Юқори қаватда ҳам кўпгина иншоотлар... Мусобақаларга келган меҳмонлар учун икки юз ўринли ложа, журналистлар учун ўттиз ўринли бўлган жой, бир йўла 60-70 киши овқатланадиган 14 та буфет... Атрофда баланд устунларга ўрнатилган ёритгичлар, шимол тарафда улкан табло, унинг ён томонида "Универсиада-2002"да ёқиладиган машъала...

"Бухоро" стадиони секин-аста лойиҳадаги кўринишини олмоқда. Ўтган қарийб 9 ой мобайнида бу ерда жуда кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари бажарилди. Дастлаб қурилиш майдони тайёрланди, пойдевор асослари қўйилди. Айни пайтда бўлажак йирик спорт иншоотида қарийб минг нафар қурувчи, юзлаб машина ва механизмлар ишламоқда. Иш уч сменада ташкил этилган. Унда вилоят капитал қурилиш бошқармаси буюртмасига биноан 10 та бош пудратчи ташкилот бинокорлари қатнашмоқдалар.

— Буюртмачи, пудратчи ва лойиҳачиларнинг ишларини мувофиқлаштириб бориш бизнинг зиммамизга юклатилган, — дейди стадион қурилиши ва реконструкцияси ижрочи директори Садриддин Сирожев. — Ҳар ойда икки марта вилоят ҳокими бошчилигида, шунингдек, ҳар кун ўтказиладиган доимий штаб йиғилишларида белгиланган вазифаларни бажариш борасидан муаммоларни бартараф этамиз. Иккинчи бир муҳим вазифамиз ҳам бор. Дирекция қурилиш материалларини танлаш билан бирга уни нисбатан арзонроқ нархларда харид қилиш йўлларини излайди. Шунинг ҳисобига биз ҳозирнинг ўзидаёқ, бир неча юз миллион сўм маблағни тежаб қолишга муваффақ бўлдик. Бунёдкорлик ишларида айниқса, "Бухорокурилиш" ҳиссадорлик жамияти ва унинг бир қатор жамланмалари қурувчилари алоҳида ибрат кўрсатмоқдалар. Белгиланган топшириқларни ўз муддатида бажараётган ҳиссадорлик жамиятлари ҳақида гап кетганда, "Бухороуйқурилиш" жамоасининг номларини ҳам эътироф этиш жоиздир.

Қурилиш-монтаж ишларининг суръати мазкур йирик объектни келгуси йил бошларида тугаллашга қаратилган.

Жаҳонгир ИСМОИЛОВ,
"Маърифат"нинг махсус мухбири

ОТНИ КЕЧУВДА АЛМАШТИРМАЙДИЛАР(МИ?)

Ўзбекистонда индивидуал жиҳатдан кучли, маҳоратли футболчилар кўп. ЖЧ-2002 саралаш турнири 2-босқичида иштирок этаётган 10 жамоа ичида бу борада фақатгина Эрон бизга бас келиши мумкин. Уям нариги гуруҳда. Демак, биз гуруҳда 1-ўринни олишимиз мумкин эди. Бемалол. Бироқ...

Ўзбекистон терма жамоасига маҳоратли, ақлли, етук мураббий зарурлиги бугун яққол кўзга ташланди. Жамоа ўйинини шакллантириш мураббийга кўп томонлама боғлиқ. Сальковнинг биз орзу қилган, истаган даражадаги мутахассис эмаслиги ўйиндан ўйинга тобора кўзга ташланиб бормоқда. Қатар терма жамоаси билан бўлган навбатдаги баҳсда жаноб Сальков яна «қовун туширди».

Ўзбекистон терма жамоаси ҳимоявий ўйинга тайёр эмас. Бу Хитой билан Шеньянда бўлган учрашувда яққол намоён бўлган эди. Шундай экан "Ҳужум энг яхши ҳимоя" нақлига риоя қилиб, ҳужумкор ўйин намойиш этиш керак. Дохадаги баҳсда биринчи бўлим ўрталаридан иккинчи бўлим ўрталаригача ҳамюртларимиз шундай футбол намойиш этишди. М.Қосимов, Н.Ширшов, А.Маъруфалиевлар бошчилигида яратиб берилган имкониятлардан, афсуски ҳужумчиларимиз тўла фойдалана олишмади. Биргина Ж.Ирисметовнинг ўзи бир қанча қулай вазиятларни ҳар галгидек, тезлиги камлиги, тўп учун охиригача курашмаслиги сабабли йўққа чиқарди. Сальковнинг бугун барча эътирозларга сабаб бўлаётган хатоси —жамоани ҳаракатлантирувчи плеймейкер Миржалол Қосимовни ўйин айни қизиган пайтда алмаштиргани бўлди. Бунга ҳатто Қосимовнинг ўзи ҳам ҳайрон қолганини телевизор орқали унинг майдондан чиқаётганда бажарган имо-ишораларида кўрдик. Отни кечувда алмаштирмайдилар, деган гап бор. Лекин, Сальков бу иборани эшитмаган кўринади.

Георгиев, Пашинин, Дионисиев, Агаларов каби ўз кучига ишонмайдиган футболчиларга ишонч билдирган Сальков негадир ҳамон маҳаллий биринчиликда тўп сураётган ҳамюртларимизга ишончсизлик билан қарамоқда. Кечаги ўйинда ўзининг нимага қодирлигини исботлаб қўйган А.Маъруфалиевни ҳам Сальков ЎФФ Бош котиби Б.Раҳимовнинг тавсиясидан сўнгтина таркибга жалб қилди...

Қизиққонликлари билан ном чиқарган осиёликларнинг мураббийларни тез-тез алмаштиришлари оддий ҳол. Кураш қизиган пайтда Саудия Арабистони, Ироқ, БАА, Қатар, Уммон терма жамоалари ўзлари кутган натижани таъминлай олмаган мутахассислардан воз кечишди. Юқоридагиларнинг барчаси араб давлатлари. Араблар иссиқ ўлкаларда яшашади. Шу сабаб қонлари ҳам қизиққон. Биз эса совуқ Шимолга яқинроқ яшаймиз...

КАРВОНЛИ

Xullas...

"ТАЪМИРЛАНГАН" БАРМОҚЛАР

Уфа шаҳридаги 21-шифохонага келтирилган беморнинг бир эмас, саккизта бармоғини "таъмирлаш"га тўғри келди. Фалокатда, дастгоҳда ишлаётган слесар бундан "қочиб" қутулолмади.

Шифокорлар узилиб тушган бармоқларни зудлик билан операция қилишга киришдилар. Микрожарроҳлик бўлимига олиб кириб кетилган Муҳаммад Хурамшиннинг яқинлари ҳам талвасада эди. Эҳтимол, бундай операция ҳали бирорта шифохонада амалга оширилмагандир.

Икки-уч, ҳаттоки беш соатгача давом этган операциялар бўларди, бу галгиси ўн иккинчи соатнинг энг сўнгги дақиқасига қадар давом этди. Ҳаттоки, жарроҳларнинг смена алмаштиришларига ҳам тўғри келди, микроскопга ҳар дақиқада мурожаат қилинарди.

Ўнг қўлнинг қўрсаткич бармоғидан ташқари барчаси ўз жойига муваффақиятли уланди. Слесарнинг бу бармоғи жуда қаттиқ жароҳатланган эди. Начора, Муҳаммад тақдирга тан берса керак, энг муҳими бошқа бармоқларида сезувчанлик қобилияти тикланса бўлгани...

ҚОҒОЗДАН УЙ

Бетон уйлар бор. Ёғочдан тикланган уй ҳақида эшитганмиз. Гуваладан қурилган уйлар ҳам бошпана дейилади. Ғиштли томнинг соғлиққа фойдали эканлиги тажрибадан маълум.

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, Америкада қоғоз-уйлар қурилмоқда. Тўғрироғи, қоғоз-бетон. Ҳозирги вазиятда қурилиш материалларининг нархи осмонда. Қоғоз-бетондан қуриладиган уйлар эса жуда арзонга тушар экан.

Бу мамлакатда пейнеркрит яъни, қоғоз-бетон уйлар қуришга 1928 йилда асос солинган эди. Кейинчалик бунга эътибор берилмай қўйди. Америкалик мутахассислар қоғоз-бетондан тикланадиган иморатлар бутун дунёда катта ҳажмиятга эга бўлиши мумкинлигини исботлашмоқчи. Уни тайёрлаш усули ҳам жуда оддий. Майдаланган газета бетон билан хўп қоришгирилади. Ҳосил бўлган аралашмадан 15-25-40 см ҳажмдаги қолиплар қуйилади. Ғишт сингари қўйилган бу қолиплар қуриганда 4,5 кг гача тош босади.

Қоғоз-бетон уйларнинг яна бир хусусияти шундаки, улар оловга жуда чидамли. Унинг ташқи кўриниши мафтункор, экологик томондан эса унинг баҳоси йўқ!

МАКТАБДА ФУТБОЛ ДАРСИ

Кўчада, ён-атрофда, умуман ҳаётда боланинг диққат-эътиборини тезда жалб қиладиган ҳолатлар кўп. Аммо уларнинг ҳаммасини ҳам қабул қилиб бўлмайди...

Украина халқ таълими вазирлиги ўқувчини ҳар хил таъсирлардан фақат футбол сақлаши мумкин, деган хулосага келди. Шуниси ҳам борки, футбол дарслари дунё бўйича илк бор фақат Украинада жорий этилмоқда. Албатта, футбол мактаблари бундан мустасно.

Футбол дарслари умумтаълим мактаблари ўқув режасидан шу йилнинг 1 сентябридан ўтилмоқда.

Ташаббускор эса футбол федерациясининг раиси Григорий Суркисдир. Унинг фикрича, болалар футболи кўчадаги ёт ва салбий таъсирларни кескин "қирқади".

Аввал мактаб дастурида ҳафтасига 2 соатлик жисмоний тарбия ўтилган бўлса, энди футбол дарслари ҳам қўшилди.

ana shunaqa gaplar

Sport

КУРНИКОВА АСОСИЙ ДАЪВОГАР

Москвада ўтаётган Кремл Кубоги теннис мусобақалари қизғин паллага кирди. Жуфтлик мусобақаларида иштирок этаётган Анна Курникова ва Мартина Хингис навбатдаги учрашувни чехиялик Фокина ва Кузнецоваларга қарши ўтказиб муҳим ғалабани қўлга киритди.

ЮГОСЛАВИЯДА ИМКОНИЯТ БОР

ЖЧ-2002 саралаш учрашувларида қатнашаётган Югославия терма жамоаси қийин аҳволда қолди. У навбатдаги учрашувда ғалаба қозонса, ва Словения мағлубиятга учраса ЖЧга бориши мумкин. Бунинг учун мураббийлар жамоа таркиби ҳақида кўпроқ қайғурмоқда.

МАВСУМДАГИ БИРИНЧИ ШАЙБА

МХЛ клублари мавсум олдидан 4 учрашув ўтказдилар. Лиганинг энг кекса иштирокчиси Игор Ларионов ҳам ўзининг, ҳам мавсумнинг биринчи шайбасини тўрга йўллади. Унинг ушбу муваффақияти "Детройт" клубини мағлубиятдан сақлаб қолди.

ЯПОНИЯ ОЧИҚ ЧЕМПИОНАТИДАН

Токиода эркаклар ўртасидаги "Japan OPEN^ теннис бўйича очиқ чемпионатнинг дастлабки матчлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этаётган, ўзбекистонликларга яхши таниш бўлган тайландлик П.Шричафан Германия вакили А.Прецшуга ютқазиб қўйди.

ДУРАНГ ЙЎЛ БЕРМАДИ

Футбол бўйича Россия чемпионати биринчи дивизионида 29-тур ўйинлари бўлиб ўтди. "Металлург" ўз майдонида "Том"ни қабул қилди ва меҳмонлардан 3 очко ортда бораётган мезбон жамоа ғалаба қозониб 9-ўриндан 7-ўринга кўтарилиб олиши мумкин эди. Натижа – 0:0 бунга йўл бермади.

maydonchasi

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ ҲУКУМАТГА ҚАРАШЛИ БЎЛМАГАН «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб информатика фани бўйича **"Ўзбекистон — тараққиёт сари"** кўрик-танловини ўтказади. Кўрик-танлов 2001 йил ноябрь ойида информатика байрами билан якунланади.*

Кўрик-танловда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими муассасаларининг ўқувчилари (якка тартибда ёки 2-3 кишилик жамоа билан) иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

1. **Ўқув компьютер программалари.**
2. **Амалий программалар.**
3. **Интернет сайтлари.**
4. **Компьютер графикаси ва мультипликация.**
5. **Информатика олимпиадаси.**
6. **Кийбординг мусобақаси.**
7. **Оригинал жанр.**

Кўрик-танловда иштирок этиш истагини билдирувчилар қуйида келтирилган ҳайъат манзилига шу йил 1 ноябргача ариза билан мурожаат этишлари лозим.

Аризада иштирокчи(лар) ва у(лар)нинг илмий раҳбарлари, қайси номинацияларда иштирок этишлари, тақдим этиладиган программалар ҳақида тўлиқ маълумотнома берилиши керак.

Кўрик-танловга тақдим этиладиган ўқув ва амалий дастурлар, интернет сайтлари, график ва мультипликацион материаллар оригинал ва ўқувчилар томонидан мустақил ишлаб чиқилган бўлиши талаб этилади (мутахассиснинг илмий раҳбарлиги жоиз).

Танлов ҳайъати томонидан лозим топилган дастур ва материаллар 2001 йил ноябрь ойида сўраб олиниши мумкин.

Дастурлар ва интернет сайтлар информатика байрами давомида иштирокчилар томонидан намойиш этилади. Информатика олимпиадасида иштирокчилар 4 соат давомида программалашга оид масалалар ечадилар. Кийбординг мусобақаси иштирокчилари чекланган вақт давомида муайян матнни компьютерга киритиб, қоғозга чиқарадилар. Оригинал жанр иштирокчилари информатикага оид плакат, ҳикоя, қўшиқ каби юмор билан йўғрилган бадиий чиқишлар тақдим этадилар.

Кўрик-танлов ғолиблари ва уларнинг илмий раҳбарлари қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади. Энг яхши дастурлар ўқув жараёни ва амалиётга татбиқ этишга тавсия этилади.

Информатика байрами куни иштирокчилар республикамизнинг атоқли олимлари билан учрашадилар, маърузалар тинглайдилар, компьютер технологиясининг энг янги жиҳозлари билан танишадилар.

Хайъат манзили: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими Маркази. Академик лицейлар бошқармаси, М.Яқубовага.

Телефонлар: 139-44-38, 139-44-37. Электрон почта: litseylar@markaz.tkt.uz

ЭЪЛОН

ҲУРМАТЛИ ЁШЛАР

Сизларни Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги "БИЗНЕС МАРКАЗИ" пуллик курсларига ўқишга таклиф қиламиз. Бизнинг курсларимизда дарсларни университетимизнинг малакали профессор-ўқитувчилари олиб борадилар. Машғулотлар куннинг II-ярмида 15.00дан 18.00гача ўтказилади, яъни сизда куннинг I-ярмида ишлаш имкони бўлади.

Сизни қуйидаги курсларга таклиф қиламиз:

- **Олий ўқув юртларига кирувчиларни тайёрловчи курс. Ўқиш муддати – 9 ой;**
- **Инглиз тили курси. Ўқиш муддати – 3 ой;**
- **Компьютер курси. Ўқиш муддати – 2 ой;**
- **Ўзбек тили курси. Ўқиш муддати — 2 ой;**
- **Лотин ёзуви курси. Ўқиш муддати — 2 ой.**

- *Машғулотлар 2001 йил 10 октябрдан бошланади.*
- *Пул тўлаш нақд ёки пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.*
- *Қўшимча маълумотлар учун тел.: 55-55-68*
  55-50-77

Манзил: Низомий номидаги ТДПУ, Асосий бино, "БИЗНЕС МАРКАЗИ" бўлими, 1-25 хона.

QUTLOV

Ҳурматли устозимиз Шаҳодат ҲАМИДОВА!

Сизни таваллуд топган кунингиз билан самимий муборакбод этамиз. Тумани-миз таълими ривожи йўлида қилаётган саъй-ҳаракатларингиз самарали бўлсин.

Соғ-омон бўлинг!

Навоий тумани халқ таълими бўлими жамоаси

КУН ТАРТИБИДА ЙЎЛ ВА ТРАНСПОРТ

Anjuman

Биз ҳар куни йўлларда юрамиз; ер ости, ер усти, ҳаво ва денгиз йўллари. Булар орасида инсоният энг кўп мурожаат қиладигани ер усти йўлларидир.

Хўш, ер усти ва остки йўлларининг ҳозирги аҳволида қандай муаммолар мавжуд? Уларни бартараф этиш мумкинми? Тошкент автомобиль ва йўллар институтида бўлиб ўтган икки кунлик илмий-амалий анжуман иштирокчиларини худди шу масалалар қизиқтирди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, "Ўзавтосаноат", "Тошшаҳарйўловчитранс" ассоциациялари, "Ўзавтойўл" концерн ва институт ҳамкорлигида уюштирилган анжуман ялпи мажлисида бир қанча маърузалар ўқилди. Уларда Ўзбекистонда автомобилсозликнинг бугунги аҳволи, автотранспорт воситалари ва техник хизмат, бу соҳани кадрлар билан таъминлашдаги жараён таҳлил этилди.

Сўзга чиққан нотиқлардан бири "Тошшаҳарйўловчитранс" ассоциацияси раиси Равшан Файзуллаев **"Бозор иқтисодиёти шароитида Тошкент шаҳар пассажир транспорти ривожида юқори малакали кадрларнинг роли"** хусусида гапириб, жумладан шундай деди:

— Ҳозирги вақтда ассоциациямиз таркибида 17 минг киши ишлайди. Шулардан 3 минг нафари муҳандис-техник ходимлардир. Шуни таъкидлашим керакки, ҳозир тайёрланаётган кадрлар ишлаб чиқаришнинг "ичига" тезликда кириб кетолмаяпти. Улар назарий жиҳатдан пухта билим олиб, уни ишлаб чиқаришда қўллай олмаса, соҳани ривожлантириб бўладими? Лозим жойида талаба слесарь бўлиб ишласин, керак ўрнида йўлларни синчиклаб ўргансин. Ана шундагина ундан пухта кадр етишиб чиқади.

Икки кунлик анжуманнинг шўъба йиғилишларида автомобил йўллари ва транспорт иншоотларини қуриш, улардан фойдаланиш, соҳада энергетика, экология ва хавфсизлик муаммолари, иқтисодий аспектлар, муҳандислик таълимининг сифатини ошириш каби масалалар теграсида баҳс-мунозара юритилди.

Мухбиримиз

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ректорати, касаба уюшма қўмитаси ва кимё факультети жамоаси шу факультетнинг "Аналитик кимё" кафедраси мудири, доцент **Нурилла БОБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 136-54-10, масъул котиб — 136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.
Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА,
навбатчи: Ҳусан НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йилда рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-2917. Тиражи 14.877.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.